

ISSN 2181-9521

№ 6-son, 2021



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



# “СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ВА СУДЬЯЛАР

## **Диего Гарсия САЯН,**

*Бирлашган Миллатлар Ташилотининг  
Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги  
масалалари бўйича махсус маърузачиси:*

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев ўз лавозимига киришган кунлардан бошлаб мустақил, холис ва ҳаққоний суд ҳокимиятини яратишга интилди. Бунга Судьялар олий кенгаши ҳамда унинг ҳузурида судьяларни замон талабларига жавоб берадиган, етук мутахассислар қилиб тайёрлаш мақсадида ташкил этилган Судьялар олий мактаби амалий мисол бўла олади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу илмий таълим муассасаси судьялар янги авлодининг вужудга келишида, уларнинг бошқа давлат органлари томонидан бўладиган аралашувларни бартараф эта олишида, билим, салоҳият ва кучга эга бўлишларида, ҳамда суд тизимининг мустақил ва эркинлигини таъминлашларида муҳим вазифани бажармоқда.

Олий мактаб ўқув дастури тингловчиларнинг юридик билимларини янада тўлдириш борасида судья лавозими учун керакли ва муҳим бўлган кўникмаларини ривожлантиришга ҳам қаратилган экан. Ўқув дастурига кирган судьялар этикаси, муомала кўникмаларини ривожлантириш, юзага келган низоларни бартараф этиш ҳамда бошқарув кўникмалари курсларини маъқуллайман.



## **Гарри ЛЕДБЕТТЕР,**

*USAIDнинг Ҳуқуқий Ислохотлар  
Дастури директори:*

Амалдаги ва бўлажак судьялар учун алоҳида ўқув муассасининг мавжудлиги халқаро стандартларга мос самарали амалиётдир.

Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши судьяларнинг таълим олиш жараёнида ташқи таъсирларни чеклаш орқали суд ҳокимиятининг мустақиллигини оширади ва мамлакатда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари йўлида муҳим қадам ҳисобланади.

Биз Судьялар олий мактаби билан Судьялар клубини тузиш, судьялар этикаси бўйича тренинглار ўтказиш ва янги ўқув курсларини яратиш каби йўналишларда ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Дастуримиз судьяларга ахлоқий масалалар юзасидан маслаҳат олишига имкон берадиган биринчи ва ягона механизм бўлган Судьялар клубининг ташкил этилганини қўллаб-қувватлайди. Бу уларга иш жараёнларида вужудга келиши мумкин бўлган мураккаб масалаларни яхшироқ ҳал қилишга имкон беради. Клуб мавжуд моддий ва процессуал қонунларнинг қўлланилиши бўйича маслаҳат хулосаларини чиқаради, шунингдек, судьяларнинг талабига биноан ахлоқий меъёрларни муайян шароитларда қўллаш бўйича тушунтиришлар беради.



# ОЛИЙ МАКТАБИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

**Матильда ДИМОВСКА,**

*БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий Вакили:*

Ҳар бир суд тизимининг ажралмас қисми ва муҳим мезонларидан бири бу – судьялар ва суд ходимларини мустақил ўқитиш тизимини шакллантиришдир. Суд мустақиллиги – бу адолатни ва ҳолис одил судловни таъминлашнинг ҳамда жамиятнинг судларга ишончининг асоси ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида Судьялар олий мактаби фаолиятининг принциплари яхши йўлга қўйилди. Мактабнинг меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, магистрларни танлов асосида қабул қилиш механизми йўлга қўйилган, янги ўқув курслари ва модуллар жорий қилинган. Шунингдек, мактаб битирувчилари орасида гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ишлар ҳам олиб борилмоқда.



**Шарлотт АДРИАН,**

*Элчи, Европа Иттифоқининг*

*Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари:*

Биз ҳақиқатдан ҳам судьяларни тайёрлаш бўйича янги институтни, Судьялар олий мактабини кўриб турибмиз. Бу ушбу демократлаштириш босқичидаги энг муҳим ислохотлардан бири ҳисобланади.

Муқаммал суд тизими шахс, жамият ва иқтисодий ривожланиш учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Аминмизки, Судьялар олий мактаби томонидан тайёрланаётган бўлажак судьялар билимли ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлашга хизмат қилишади.



Саҳифаларни Янгийўл шаҳар суди раиси  
Қаҳрамон ИСАРОВ тайёрлади.

## “ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

### Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

### ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Бехзод МЎМИНОВ  
Собир ХОЛБОЕВ  
Шерзод ЮЛДАШЕВ

### Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

### Навбатчи муҳаррир

Шахбоз САИДОВ

### Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 29.06.2021 да руҳсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ  
Буюртма № 12 Адади 1700  
Баҳоси келишилган нарҳда

“Aldin-group” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

# МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

6

СУДЬЯЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШДАГИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

9

МУНОСАБАТ

“ТАФСИЛОТ” КЎРСАТУВИНИ КЎРИБ...

МУНОСАБАТ

10

БОШ МАҚСАД – “АДОЛАТНИ ҚАРОР  
ТОПТИРИШ”ГА ҚОДИР БЎЛГАН СУДЬЯЛАР  
КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

11

ИБРАТ

САЪВА

МУШОҲАДА

12

“АРАСТУНИНГ ИСКАНДАРГА НАСИҲАТИ”  
ЁХУД ЖАЗОЛАШДАН МАҚСАД –  
МАҲКУМНИ АХЛОҚАН ТУЗАТИШ

14

ЯНГИ БОСҚИЧ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ИНСТИ-  
ТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

ҚОНУН ВА ИЖРО

18

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИГА  
ДОИР АЙРИМ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

22

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ СУД  
ТИЗИМИНИНГ УМУМИЙ ЖИҲАТЛАРИ

ҲУҚУҚИЙ ТАРАҚҚИЁТ

24

ФОРС-МАЖОР ГЕНЕЗИСИ ВА  
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**27**

МЕНИНГ ФИКРИМ

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ИШИНИ СУДДА  
КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

**28**

ПРОКУРОРЛАРНИНГ  
МУСТАҚИЛЛИК ТАМОЙИЛИ

**32**

ТАҲЛИЛ

ЖИНОИЙ ЎЗБОШИМЧАЛИКНИНГ БОШҚА  
ЎХШАШ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН  
ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**35**

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА  
МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ  
ЧИҚИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**36**

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА  
ЖИНОЯТЛАР ТАСНИФИ

ИНСОН ВА ҚОНУН

**38**

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТУВЧИ  
СУДЛАР ИХТИСОСЛАШУВИНИНГ  
АҲАМИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**40**

ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ

ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИДА  
БИТИМЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС  
ДЕБ ТОПИШ ОҚИБАТЛАРИНИ  
ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

ТАСНИФ

**42**

МЕРОС ҚОЛДИРУВЧИ ВА МЕРОСХЎРЛАР  
– ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТНИНГ  
СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДА

ТАЛҚИН

**46**

ЎЗГАНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙ-  
ДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**48**

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

НИЗОЛИ БИТИМЛАР БИЛАН  
БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ СУДДА  
КЎРИШДАГИ МУАММОЛАР

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

**50**

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ  
ИШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**52**

ВАЖНАЯ ТЕМА

ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ОСНОВНЫЕ  
ПРИНЦИПЫ СПРАВЕДЛИВОГО  
СУДЕБНОГО РЕШЕНИЯ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

ЮРИДИЧЕСКАЯ ПРОПАГАНДА

**55**

“СОГЛАШЕНИЕ ОБ ОКАЗАНИИ ЮРИДИ-  
ЧЕСКОЙ ПОМОЩИ КАК ВИД ГРАЖ-  
ДАНСКО – ПРАВОВОГО ДОГОВОРА”

**59**

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

РАССМОТРЕНИЕ В СУДАХ СПОРОВ  
С УЧАСТИЕМ ИНОСТРАННЫХ ЛИЦ,  
ПРИЗНАНИЕ И ПРИВЕДЕНИИ В  
ИСПОЛНЕНИЕ РЕШЕНИЯ СУДА  
ИНОСТРАННОГО ГОСУДАРСТВА

IMPORTANT TOPIC

**61**

LEGAL REFORMS IN THE SPHERE OF  
CORPORATE GOVERNANCE IN THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**63**

СУД ОЧЕРКИ

МАЪНАВИЙ ТУБАНЛИК ҚУРБОНИ



**Мавлудахон  
УММАТОВА,**  
Риштон туман-  
лараро иктисодий  
судининг судьяси

## СУДЬЯЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШДАГИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

*Анча пайтдан буён Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг судья ва суд тизими ходимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасидаги фаолияти ҳақида мақола ёзмақчи бўлиб юрган эдим.*

*2021 йил 2 июнь кун соат 18.40 да Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” телеканали орқали эфирга узатилган “Тафсилот” кўрсатувини кўриб, ундан руҳланиб, қўлимга қалам тутдим.*

Эътибор қилинг, ушбу кўрсатувда тўртта ниҳоятда нуфузли халқаро экспертларнинг сўнги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари, хусусан Судьялар олий кенгаши ва Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши, уларнинг бугунги кун судьяларини танлаш ва тайинлаш, тайёрлаш ва малакасини оширишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари баён этилди.

Айниқса, бутун дунё ҳамжамиятининг энг юксак органи – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия Саяннинг Ўзбекистонда Судьялар олий кенгаши ва Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши, уларнинг бугунги кун судьяларини танлаш ва тайинлаш, тайёрлаш ва малакасини оширишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги ижобий фикр-мулоҳазаларидан нафақат судья, балки оддий бир фуқаро сифатида фахрландим.

БМТнинг махсус маърузачиси ушбу интервьюсида Президент Шавкат Мирзиёев ўз лавозимиغا киришган кундан бошлаб биринчи қадам сифатида мустақил, холис, ҳаққоний суд тизимини яратишга интилганини, бунга қонунийлик, очиқлик, шаффофлик принциплари асосида фаолият юритаётган Судьялар олий кенгаши ҳамда судьяларни замон талабларига жавоб берадиган, етук мутахассислар қилиб тайёрлаш мақсадида унинг ҳузурида ташкил этилган Судьялар олий мактаби амалий мисол бўла олишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Халқаро экспертнинг мулоҳазаларига кўра, ушбу илмий таълим ва тадқиқот мусасасаси суд тизимининг мустақил органи сифатида судьялар янги авлодининг вужудга келишида, уларнинг бошқа давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан бўладиган аралашувларни бартараф эта олишида, билим, салоҳият ва кучга эга бўлишларида муҳим вазифани бажармоқда.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 17-29 май кунлари мен ҳам Судьялар олий мактабида икки ҳафталик малака ошириш курсида ўқидим. Дастлаб алоҳида таъкидлашни истардимки, Олий мактаб ўқув дастурида қўйилган дарс машғулоти фақатгина юридик билимларни янада тўлдириш эмас, балки судья фаолияти учун энг муҳим ва керакли бўлган билим-кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган. Масалан, ўқув дастурига киритилган Конфликтология: низоларнинг келиб чиқиши, иш жараёнида низоларни ҳал қилишнинг самарали усуллари тўғрисидаги дарс машғулотида тажрибали психолог мутахассис биз судьялар деярли ҳар кун дуч келадиган масала бўйича жуда кўплаб билим ва маълумотларни берди. Бундан ташқари, Стресс ва



стрессни келтириб чиқарувчи ҳолатларни бошқариш, Тайм-менеджмент: вақтни бошқариш, иш жараёнини тўғри ва самарали ташкил этиш, Суд этикаси: миллий ва хорижий давлатлар тажрибаси, Судьялар одоб-ахлоқ кодексининг мазмун-моҳияти масалалари юзасидан ўтказилган дарс машғулоти судьянинг профессионал фаолиятини амалга оширишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Судьялик фаолиятим давомида олдин ҳам малака ошириш курсларида иштирок этганман. Унда кўпроқ қонунчиликдаги ўзгаришлар, ҳуқуқий ислохотлар мазмун-моҳияти ҳақида умумий тушунчалар берилар эди. Судьялар олий мактабида эса, айнан суд амалиётидаги муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар, вазиятни баҳолаш ва шундан келиб чиқиб қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Бу судья иш фаолияти учун жуда зарур. Гап шундаки, Олий мактабда судьянинг ихтисослигидан келиб чиқиб кўйилган дарслар билан бир қаторда, уни фикрлашга, мантиқий мушоҳада қилишга йўналтирадиган дарс машғулоти кўйилган.

Мана шундай дарс машғулотларидан бири бу – суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулоқотни шакллантириш, яъни судьяларнинг ОАВ билан ишлаш, улар билан ҳамкорлигини тақомиллаштиришга қаратилган дарс бўлиб ҳисобланади.

Бу мавзу Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланган давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Парламентга ва у орқали халқимизга қилган Мурожаатномасида бу масалага алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт”.

Ушбу мавзудаги дарсда фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишнинг очиқлигини таъминлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек блогерларнинг суд органлари фаолиятига оид ахборотларни олиш ва тарқатиш билан боғлиқ халқаро ва миллий қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар амалиётдан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилади.



Дарс давомида суд мажлисларини ёритишдаги процессуал тартиб-таомиллар, шу жумладан журналистларнинг суд биносига кириши, суд муҳокамаси залида ҳозир бўлиши ва суд мажлисини қайд қилишига оид қоидалар, очиқ ва ёпиқ суд мажлисларида иштирок этиш талаблари, унда фото- видео-ва киносъёмка қилиш, интернетда намоёиш этишдаги чеклашлар тартиби доираси, суд жараёнларини ёритишда журналистларнинг одоб-ахлоқ қоидалари, судлар фаолиятига оид маълумотлар ва уларни олиш тартиби амалий мисолларда очиб берилади. Аҳамиятлиси, ушбу ўқув машғулотида суд муҳокамаларининг очиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш бўйича миллий амалиёт билан биргаликда, шу соҳадаги халқаро тажриба, хусусан АҚШ, Германия, Грузия каби хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибаси қиёсий солиштиришлар асосида тушунтирилади.

Малака ошириш курси давомида шунга амин бўлдимки, Судьялар олий мактабида бугунги давр талабларига жавоб берадиган судьялар ва суд тизими ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўз фаолиятида инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан кенг фойдаланиш, таълим жараёнига интерфаол ўқитиш услубларини жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқиндан танишиб билдимки, Судьялар олий мактаби фаолиятига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилган. Судьялар олий матабига ўқишга ҳужжат топширувчилар томонидан Олий мактабнинг веб-сайти орқали ўз аризасини онлайн тарзда топшириш ҳамда профессор-ўқитувчилар, тингловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда

шаклантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ўқув жараёнларини онлайн тарзда назорат қилиш имкониятларини берувчи “Масофавий ўқитиш” ва “Е-кадр” ахборот дастурлари амалиётга жорий этилган.

Айни пайтда Судьялар олий мактабида суд-ҳуқуқ соҳасидаги кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими таҳлилидан келиб чиқиб, профессионал ва етук судьялик корпусини шаклантиришда янги таълим методларидан самарали фойдаланилмоқда. Бунинг учун ўқув машғулотларига катта ҳаётий ва иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар, шунингдек профессор-ўқитувчилар таркиби асосан кўп йиллик судьялик стажига ва илмий салоҳиятга эга бўлган ходимлардан шаклантирилган.

Юқорида айтиб ўтганимдек, ўқув жараёнларида бугунги кун судьяси учун муҳим ҳисобланган судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ҳосил қилишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шаклантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Судьянинг профессионал фаолиятида нафақат унинг билими, касбий маҳорати, балки инсоний фазилатлари, маънавий-маърифий қиёфаси ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Судья у ёки бу жиноий хатти-ҳаракат ёхуд низоли ишга ҳуқуқий баҳо берар экан, қанчадан-қанча омилларни, сабаб-оқибатларни тош-тарозига солиб кўради, таҳлил қилади. Шу нуқтаи назардан Судьялар

олий мактабида тингловчиларнинг билими, касбий кўникмаларини ошириш билан бирга уларнинг ахлоқий-маънавий сифатларини юксалтиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тингловчилар учун миллий, хорижий ва халқаро қонун ҳужжатларини, чет эл тажрибаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ўргатиш мақсадида А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва АҚШнинг “West law” ахборот-кутубхона фондидан улуксиз фойдаланиш имконияти яратилган.

Ахборот-ресурс маркази 30 дан ортиқ энг замонавий компьютер, масофадан туриб керакли маълумотларни олиш ва бошқа ахборот ресурс марказлари сайтларига улашиш имкониятига эга бўлган ускуналар билан жиҳозланган.

Ахборот-ресурс марказида алоҳида кутубхона ҳам ташкил этилган. Ундан жуда кўплаб ҳуқуқий, илмий, тарихий, бадий ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара намуналари жамланган китоблар ўрин олган. Кутубхона фондини шаклантиришда Судьялар олий мактаби тингловчилари учун зарур бўлган адабиётларга алоҳида эътибор қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, Судьялар олий мактабининг фаолияти мамлакатимизда сўнгги йилларда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасида халқаро стандартларга мос равишда мутлақо янги бир тизим ишлаб чиқилганлигига далолат бўла олади.





## “ТАФСИЛОТ” КЎРСАТУВИНИ КЎРИБ...

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” телеканали орқали эфирга узатилган “Тафсилот” кўрсатувини мен ҳам катта қизиқиш билан кўрдим.**



**Ориф КУЛДОШОВ,**  
Ғаждувон туманлараро  
иқтисодий суди раиси

Унда тўрт нафар йирик халқаро ташкилотларнинг мутасаддилари, жумладан БМТ нинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия Саян, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий Вакили Матильда Дюмовска, АҚШ USAID агентлигининг Ҳуқуқий Ислохотлар Дастури директори Гарри Ледбеттер, Элчи, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Шарлотт Адрианлар мамлакатимиз суд тизими ривожланишининг янги босқичида ташкил этилган Судьялар олий кенгаши ва унинг ҳузуридаги Судьялар олий мактаби фаолияти ҳақида батафсил гапириб беришди.

Нуфузли халқаро экспертларнинг қайд этишича, 2016 йилда бошланган Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди.

Инсон манфаатларини таъминлашдек муҳим вазифани амалга ошириш учун суд органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, бугунги замон талабларига мослаштириш мақсадида 2016-2021 йилларда мантиқий изчилликка асосланган том маънодаги демократик ислохотлар амалга оширилди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш, жамият ҳаётида судьялик касбининг нуфузини, обрў-эътиборини ошириш, юксак малакали ҳамда самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида судьяларнинг ваколатлари муддатлари қайта кўриб чиқилди. Халқаро принцип ва стандартлардан келиб чиққан ҳолда, судьялик лавозимига биринчи беш йиллик, кейинги ўн йиллик ва муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи янги тартиб жорий этилди. Ушбу тартиб БМТнинг Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларига тўла мос бўлиб, ўз навбатида, судьянинг ваколати муддати судьялик лавозимида юқори ёшига қадар сақланиб қолишини назарда тутди. Президентимиз ушбу масала бўйича куйидаги фикрларни билдирган эди: “Биз бу борада жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиб, ўз тарихимизда биринчи марта шундай янгиларни амалга оширдик. Шу асосда судьяларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди. Содда қилиб айтганда, судья муддатсиз даврга тайинлансин, лекин у доим халқпарвар бўлиб, адолатли иш олиб борсин. Судья адолатли ҳукм чиқариши учун аввало халқни, унинг ҳаётини, дарду ташвишларини яхши билиши керак.”

Кўрсатувда алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистонда кейинги йилларда халқаро стандартларга тўла мос

келадиган судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг янги бир тизими вужудга келди. Одил судловни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган масала – судьялар корпусини билимли, малакали, салоҳиятли бир сўз билан айтганда ҳар томонлама муносиб кадрлар билан шакллантириш жараёнидаги янги тизим очиқ, шаффоф ва муқобиллик принципларига асосланган.

Судьялар ҳамжамиятининг конституциявий органи – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Қонунчиликда белгиланганидек, Кенгаш ўзининг фаолиятини мустақил равишда фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади. Бирон бир давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ёки мансабдор шахслар Кенгаш фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги ва бу қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизими ҳам тубдан такомиллаштирилди. Натижада Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Бугунги кунда ушбу Судьялар олий мактабида суд-ҳуқуқ соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими таҳлилдан келиб чиққан ҳолда профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантириш учун зарур юқори стандартлар жорий этилмоқда.

Олий мактабда бўлажак судьялар ва судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида суд амалиётини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилган.

USAID агентлигининг Ҳуқуқий Ислохотлар Дастури директори Гарри Ледбеттер эътироф этганидек, ушбу агентликнинг Судьялар олий мактаби билан ҳамкорлиги жуда яхши йўлга қўйилган. Хусусан, Дастур тингловчиларга инглиз тилидаги ҳуқуқий матнлар билан танишишлари, онлайн манбалардан фойдаланишлари ва ҳуқуқшунослик бўйича тадқиқотлар олиб боришлари ҳамда тил кўникмаларини эгаллашлари учун “Ҳуқуқий инглиз тили” курсини ишлаб чиқиш орқали Судьялар олий мактабини қўллаб-қувватлади. Ҳуқуқий инглиз тилини билиш судьяларга халқаро ҳуқуқий адабиётлардан ва ушбу соҳадаги сўнгги ютуқлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда ўтказилган кенг қўламли суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида судьяларни танлаш ва тайинлашда, уларни тайёрлаш ва малакасини оширишда амалий натижаларга эришилди.



**Нодир РАЖАБОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Самарқанд туман суди раиси

## БОШ МАҚСАД – “АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ”ГА ҚОДИР БЎЛГАН СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Кўрсатувда иштирок этган халқаро экспертлар томонидан ҳақли равишда эътироф этилганидек, 2016 йилда бошланган Ўзбекистон суд тизими ривожланишининг навбатдаги босқичида 2 та муҳим янги институт вужудга келди.*

Биринчиси, конституциявий мақомга эга бўлган судьялар ҳамжамиятининг органи – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши бўлса, иккинчиси унинг ҳузурдаги Судьялар олий мактабидир.

Табиий савол туғилади. Судьялар олий кенгаши ташкил этилганидан кейин судьяларни лавозимга танлаш ва тайинлашдек ниҳоятда мураккаб жараёнда қандай ўзгаришлар рўй берди?

Биринчидан, судьялик лавозимларига энг муносиб номзодларни очик танлов асосида танлаш, билимли, маънавиятли, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлашнинг мутлақо янги бир тизими яратилди ва амалиётга самарали жорий этилди. Бу тизимнинг ўзига хос жиҳатларидан бири – судьялик лавозимига номзодлар захирасини шакллантиришдан бошлаб, токи лавозимга тайинлаш жараёнигача бўлган барча босқичлар очик, ошқора, шаффоф ўтказилишида намоён бўлади.

Масалан, айти пайтда Судьялар олий кенгашининг судьяларни лавозимга тайинлаш борасидаги мажлисларини, ундаги синов имтиҳони, савол-жавоб жараёнларини нафақат судьяликка номзодлар, балки уларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари бевосита кузатиб бориш имконияти яратилган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Кенгашнинг мана шу йўналишдаги барча йиғилишларига оммавий ахборот воситалари ходимлари кенг жалб этилмоқда. Улар судьяларни лавозимга тайинлаш жараёнида бевосита иштирок этиб, бу танлов тафсилотларини очик-ошқора оммавий ахборот воситаларида батафсил ёритиб келмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда бу соҳада биринчи марта илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда кўрсатиб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Бу жараённинг очик-ошқора ўтказилаётганлигига яққол мисол бўла олади.

Иккинчидан, одил судловга эришишнинг энг муҳим шартларидан бири, яъни судья профессионал фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ёки улар мансабдор шахсларидан мустақил ишлашини таъминлаш мақсадида, улар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўришнинг аниқ механизми вужудга келди.

Хусусан, 2020 йил 7 декабрда Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сонли фармонга кўра, судьянинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида бир қатор янги тартиб ўрнатилди.

Судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан

Судьялар олий кенгаши раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши кўзғатилганлиги ёки кўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилиши билан боғлиқ қоида амалиётга жорий этилди.

Асосийси, бугунги кунда Судьялар олий кенгаши раиси мазкур институтдан самарали фойдаланиб, судьяларнинг касб фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг олдини олмақда.

Учинчидан, судларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни тизимли равишда бартараф қилиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида Кенгашнинг ташкилий тузилмасига ўзгаришлар киритилди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган, фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган Кенгаш раисининг ўринбосари лавозими жорий этилди;

- Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясини тузилди;

- Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш шўъбаси негизда Матбуот хизмати ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Судьялар олий кенгаши фаолияти Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш ҳамда “адолатни қарор топтириш”га қодир бўлган судьялар корпусини шакллантиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

# САЪВА

*Деразага осиб қўйилган қафасдаги Саъва кечаси билан тинмай сайраб чиқарди. Унинг хонишини эшитган Кўршапалак учиб келиб: “Нима учун кун бўйи чурқ этмайсану нуқул кечаси сайрайсан?” деб сўради. Саъва унга жавоб берди: “Бунинг сабаби бор: мен илгари кундузи сайраб юрган чоғимда ногаҳон тўрға илиниб қолгандим. Шундан кейин эсим кириб, фақат кечалари сайрайдиган бўлдим”. Кўршапалак унга шундай танбех берди: “Сен илгари, тўрға илинмасингдан олдин шунақа эҳтиёткор бўлишинг керак эди. Эсингнинг энди кирганидан фойда йўқ”.*

*Масал фалокат содир бўлганидан кейинги пушаймон ҳеч кимга ҳеч қандай наф келтирмайди, демоқчи.*



**Исматулла МАМАНОВ,**  
Судьялар олий мактабининг докторанти, юридик фанлар номзоди

## “АРАСТУНИНГ ИСКАНДАРГА НАСИҲАТИ” ЁХУД ЖАЗОЛАШДАН МАҚСАД – МАҲКУМНИ АХЛОҚАН ТУЗАТИШ

*Барча ҳуқуқшунослар, айниқса, судьялар қонунчилик (амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 42-моддаси)да ўрнатилган жазонинг мақсади – маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш<sup>1</sup>дан иборат эканлигини яхши билишади.*

Лекин, қонун даражасига кўтарилган ушбу фикр, бундан XXV аср муқаддам яшаб ўтган қадимги юнон файласуфи Арасту (Аристотель) томонидан айтилиб, тарихий манбаларда қайд этилганини кўпчилик судьялар эътибор қилмаган бўлишлари мумкин.

Даставвал, Арасту ҳақида. Арасту (Аристотель) милoddан аввалги IV аср (384 йил) да Эгей денгизи бўйидаги Стагир шаҳрида туғилган. У 17 ёшидан 37 ёшигача (367-347 йиллар) буюк файласуф Афлотун Академиясида таҳсил олган.

Арастунинг отаси Никомах Македония ҳукмдори Эминта III саройида табиблик қилган ва у ҳукмдорнинг ўғли Филипп II билан дўст бўлган. Филипп II тахтга чиққандан сўнг, милoddан аввалги 340 йилларда Арасту Македония пойтахти Пелла шаҳрига Филипп II томонидан таклиф этилиб, унинг ўғли 13 ёшли Искандарга мураббий этиб тайинланади.

Арасту Искандарни Ҳомернинг “Илиада” достонида куйланган қаҳрамонликлар руҳида тарбиялайди. Кейинчалик Искандар: “Мен Арастуни отам қатори ҳурматлайман, чунки отам менга ҳаёт берди, Арасту ҳаёт қадриятларини берди”<sup>2</sup>, деган экан.

Ўтмиш ва ҳозирги давр буюк мутафаккирларининг эътироф этишича, Арасту даҳо мутафаккир ва у нафақат Искандар Зулқарнайндек улуғ ҳукмдор, балки барча замонларнинг олим-у уламулари учун ҳам устози аввал ҳисобланади.

“Арастунинг Искандарга насиҳати”га келсак. Бу ноёб асар асрлар силсиласида изсиз йўқолиб кетмасдан, биз яшаётган кунларгача бус-бутун ҳолида етиб келган ва судьялар учун ҳикматлар хазинаси, тафаккурнинг бебаҳо дурдонаси ҳисобланади.

Ушбу, нисбатан қисқа ва лўнда, бор-йўғи 200 дан ортиқ сўздан иборат “Насиҳат” шубҳасиз, судьянинг маънавий олами, одоб-ахлоқи ва касбий маҳоратини бойитишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Унда жиноятчи, унинг шахси ва одоб-ахлоқи, гуноҳ ва айбнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жазо, унинг турлари ва жазонинг мақсади баён этилган. “Насиҳат” ўқитиш ва ўқитириш, таъкид ва буйруқ оҳангида айтилган бўлиб, у шундай бошланади:

“Эй, Искандар, балки сен жиноятчини жазолашга буюриб, буни унинг қилган гуноҳи учун берилган жазо ёки унинг тўғри йўлга киришига сабаб бўладиган тадбир, деб хаёл қиларсан. Шундай ишга азм этган экансан, аввало ўз қалбинга мурожаат қилгин. Бунинг сабабини қалбинг ташқарисидан, сиртқи қисмидан эмас, балки тубидан, замиридан излагин. Жиноятчига жазо белгилашдан мақсадинг яхши ном чиқаришми ёки қаҳру ғазабингга таскин беришми, шуни аниқлагин. Агар бу ишдан кўзлаган мақсадинг қасос олиш бўлса, билгилки, қаҳру-ға-

### ҲАҚИҚИЙ ДЎСТ

*Буюк саҳобий Абу Зарр Ғифорий розияллоху анҳудан сўрадилар:*

*– Қанча дўстингиз бор?*

*У зот шундай жавоб бердилар:*

*– Буни ҳозир билмайман, чунки бугун дунёда иқболим келиб турибди, ҳамма менинг дўстим.*

*Бу нарсани дунё мenden юз ўзирганда билишим мумкин. Дўстнинг яхшиси - дунё мenden юз ўзирганда менга иқбол қилувчисидир.*

заб аччиқдир, аччиқ дарахт эса ширин мева бермайди. Борди-ю жазони белгилашингдан мақсад сенинг нуқтаи назарингда ҳам, жиноятчи тасавбурида ҳам тузалиш бўлса, у ҳолда жиноятчини молу-мулкидан маҳрум этсанг ёки таҳдид қилиб қўрқитсанг, бу сени аччиқ устида ғазаб билан оғир жазолар белгилашдан халос этади”<sup>3</sup>.

“Насиҳат”нинг судья бутун фаолияти давомида амал қилиши зарур бўлган жиҳати шундаки, унда жиноятчининг қилмишига мутаносиб равишда жазо белгилашга алоҳида урғу берилган, яъни зиндонга ташлаш (озодликдан маҳрум қилиш – таъкид бизники) жазосининг ўзи етарли бўлган кимсага нисбатан шамшир ёки таҳдид ишлатиш (умрбод озодликдан маҳрум қилиш) жазосини қўллаш; ё аксинча, дўқ-пўписа (жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари ёхуд бошқа нисбатан енгилроқ жазо) нинг ўзи кифоя қиладиган кишига зиндонга ташлаш (озодликдан маҳрум қилиш жазоси) ни белгилаш жоиз ва шойиста иш бўлмаслиги айтилади. “Чунки, дейди Арасту, - бир хилдаги жиноятчилар ахлоқининг ҳар хиллигини назарда тутмоқ керак”<sup>4</sup>.

Албатта, Арасту шогирдига насиҳат қилиш орқали кўзлаган мақсадига эришмоқ учун биринчи ўринга судья (қози)нинг одиллиги, ҳалоллиги, холислиги ва беғаразлигини кўяди:

“Билгилки, — дейди, у – агар ҳакамлик қилган чоғингда жазо белгилай туриб зиёда қаттиққўллик қилсанг ва белгиланган жазоларинг ҳақиқатга хилоф эрса, мақсадинг жиноятчини тўғри йўлга солиш бўлмаса, у ҳолда жазолаш орқали ўзингга етказган зараринг жазоланувчига етказган зиёнингдан ҳам ортиб кетади. Шундай бўлгач, қозилик қилганингда диққат ва синчковлик билан иш тутгил, токи бегуноҳ одамлар сенинг шамширинг ва қамчингдан ноҳақ балога гирифтор бўлмасин”.

Шу билан бирга, Арасту судья (қози)нинг мустақил, қатъиятли, чигал вазиятларда вазмин ва иродали бўлишини ёқлаб, “жिनоятни шамшир ва қамчисиз тузатиб бўлмайдиган” ҳолатларда жиноят содир этган кимсалар “омонлик топмаслиги”<sup>5</sup>ни қўлаб-қувватлайди.

Дарҳақиқат, “Насиҳат” – чин устоз мақомидаги Арастудек улкан қалб соҳибининг шогирдига чексиз меҳр-муҳаббат билан йўғрилган дил изҳоридир. Ўз навбатида, устоз “Арастунинг бундай доно маслаҳатларига амал қилган Искандар”, - Ҳазрат Мир Алишер Навоий таъбири билан айтганда, - “адолат билан жаҳонни фатҳ этди”<sup>6</sup>.



Айтиш жоизки, Арастунинг Искандарга насиҳати”ни буюк Шарқ донишмандлари, улуғ аждодларимиз – саҳобалар, ҳукмдорлар, халифалар, амиру хонлар, имомлар, тобеинлар, авлиёлар, олиму уламоларнинг келажак авлодларга, Сиз-у биздек судья шогирдларига бебаҳо мерос қилиб қолдирган “ҳикматлар”, “насиҳатлар”, “ўғитлар”, “пандномалар”, “мактублар” ва бошқа шаклдаги дурдона асарлари билан муқояса қилинса, у уммондан бир томчидир, холос.

Мухтасарайтганда, Судьяларолий кенгаши ва унинг ҳузурида ташкил этилган “Судьялар клуби” ўз фаолиятини донишманд Шарқнинг бугун унутилаётган устоз-шогирдлик анъаналарини қайта тиклашга, ўтмишда яшаб ўтган улуғ алломаларимизнинг қози (судья)лар адолати, маънавияти ва одоб-ахлоқига оид нодир асарларини судьялар ўртасида мунтазам ўқиб-ўрганишни ташкил этишга, тренинг ва психологик тестлар ўтказиш орқали ҳар қандай ташқи таъсирга рақобатбардош судьялар авлодини яратишга, шунингдек замондош кекса устоз-судьяларнинг панд-насиҳат ва бой ҳаётий маслаҳатларидан кўпроқ баҳраманд бўлиб қолишга улгуришдек хайрли ишларни амалга оширишга йўналтирса, нур устига аъло нур бўларди.

Зеро, улуғ устозларнинг “насиҳатлари” мураккаб ва таҳликали даврда яшаётган бугунги XXI аср судьяси учун сув ва ҳаводек зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: Расмий нашр. – Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2018 йил, 42-модда. 20-бет.
2. Арасту. Ахлоқи қабир. Таржимонлар Уммат Тўйчиев ва Маҳкам Маҳмуд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018 йил. 6-бет.
3. Арастунинг Искандарга насиҳати.
4. Ўша жойда.
5. Ўша жойда.
6. Арасту. Ахлоқи қабир. Таржимонлар Уммат Тўйчиев ва Маҳкам Маҳмуд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018 йил. 16-бет.



**Мираббос АМИНОВ,**

Тошкент давлат юридик  
университети докторанти

## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

### АННОТАЦИЯ:

Давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик ўз иқтисодий табиатида кўра инфратузилма объектларини қуриш, ундан фойдаланиш лойиҳасини ишлаб чиқиш, режалаштириш, молиялаштириш мақсадида биргаликдаги ҳаракат механизми ҳисобланади. Шу боис бундай шериклик қўшимча молия манбаини жалб қилиш ва мақсадга эришишга йўналтирилган узоқ муддатли муносабат сифатида характерланади. Мазкур муносабатнинг бугунги кун учун муҳимлиги шундан иборатки, ҳар бир мамлакат ёки ҳудудда давлат-хусусий шериклигини татбиқ этиш учун энг устувор тармоқни аниқлаш орқали тадбиркорлик субъектлари билан шериклик муносабатларини йўлга қўйиш ҳамда ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш зарур.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шериклик, концессия, тўлов тизими, хусусий молия ташаббуси, Ўзбекистон, Европа

### АННОТАЦИЯ:

В силу своего экономического характера сотрудничество между государством и частным сектором представляет собой механизм совместных действий по разработке, планированию и финансированию строительства и эксплуатации инфраструктурных проектов. Поэтому такое партнерство характеризуется как долгосрочные отношения, направленные на привлечение дополнительного финансирования и достижение цели. Важность этих взаимоотношений сегодня заключается в том, что для реализации государственно-частного партнерства в каждой стране или регионе необходимо установить партнерские отношения с бизнесом и укрепить правовую базу путем определения приоритетных секторов.

**Ключевые слова:** государственно-частное партнерство, концессия, платежная система, частная финансовая инициатива, Узбекистан, Европа.

### ABSTRACT:

Due to its economic nature, cooperation between the state and the private sector is a mechanism for joint action to develop, plan and finance the construction and operation of infrastructure projects. Therefore, such a partnership is characterized as a long-term relationship aimed at attracting additional funding and achieving the goal. The importance of this relationship today is that in order to implement public-private partnerships in each country or region, it is necessary to establish partnerships with businesses and strengthen the legal framework by identifying priority sectors.

**Keywords:** public-private partnership, concession, payment system, private finance initiative, Uzbekistan, Europe

Давлат-хусусий шериклиги, бу аввало давлатнинг мақсадларига эришиш учун амалга ошириладиган давлат ва бошқа шахслар ўртасидаги ҳамкорликдир. Ушбу ҳамкорлик турли шаклларда бўлиши мумкин, ammo тарихий таҳлиллар шуни кўрсатадики, бир-бирдан мустақил шаклландиган давлат-ҳуқуқий тизимлар давлат ва хусусий шерикликнинг жуда ўхшаш моделларидан фойдаланган.

Ўзбекистон тарихига назар ташладиган бўлсак, ўрта асрларда мамлакатимизда давлат ва хусусий шахсларнинг ўзаро шериклигини кўришимиз мумкин. Темурийлар ҳукмронлиги даврида диний уламо ва шайхларга давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун маълум шарт билан, бирор мулк ёки мансабни эгаллаш орқали халқдан солиқ тўплаш, ғалла, ем-хашак йиғиш учун берилган махсус ёрлик ёки ҳужжат берилган. Бундай ҳужжат олган киши баротдир деб аталган. Мазкур даврда юқори мартабали инсонларга, хусусан, дин пешволари, уламо ва авлиёларга бирор мулкдан ўз фойдалари ҳисобига солиқ йиғиб олиш ҳуқуқи ҳам берилган. Бундай ҳуқуқ Хожа Аҳрор Валий ва унинг авлодларига ҳам берилганлиги тарихий манбаларда қайд этилади[1].

Бундан ташқари, кўплаб бино ва иншоотларни қуришда ҳам алоҳида эътиборга сазовор бадавлат шахсларнинг кўмагидан фойдаланилган. Масалан, Самарқанддаги Регистон ансамблидаги Шердор (1619-1636-йиллар) ва Тиллакори (1641-1646-йиллар) мадрасалари Самарқанд ҳокими Баходир Ялангтўш томонидан[2], Бухородаги Нодир девонбеги мадрасаси Нодир девонбеги (Нодир мирзо Тоғай ибн Султон) (1622-1623-йиллар) томонидан қурилган[3].

Давлат манфаатлари ёки давлат мулки предмети бўлган соҳаларда хусусий маблағларни жалб қилишга имкон берадиган шериклик моҳиятининг ўзи ушбу институтнинг ҳаётийлигини таъминлайди. Давлат ўз фаолияти учун ҳар доим ресурсларга муҳтож бўлган ва давлат-хусусий шериклик бу маънода муқобил манба ҳисобланади.

XX асрда Европада у ёки бу тарзда коммунал хизматларни таъминлайдиган корхо-

наларга мулк ҳуқуқини қайта тақсимлаш жараёни фаол бўлган. Ушбу жараён Буюк Британия, Швеция, Ирландияда кенг ривожланган. 1992 йилда хусусий молия ташаббуси (Public Finance Initiative) тизимини шакллантириш эълон қилинди. Айнан ўша вақтда Буюк Британия Бош вазир Жон Мейжор томонидан хусусий молиявий ташаббус кўрсатиш ва бу ҳамкорлик тўғрисида эълон қилди. Ушбу эълон шартномалар тузиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни хусусий секторга бериш мақсадини кўзда тутди. Ушбу ҳолат давлат-хусусий шериклиги тушунчасининг вужудга келишига сабаб бўлди, ammo мазкур тушунчани олимлар ўз ёндашувлари доирасида турли хил фикр-мулоҳазалар орқали талқин этишади.

Г.А. Боршевский томонидан берилган таърифга кўра давлат-хусусий шериклиги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришга қаратилган жамоа ва хусусий шериклар ўртасида техник хизматлар кўрсатиш, ижтимоий инфраструктура объектларини куриш, таъмирлаш, модернизация қилиш, узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро фойдали хизматларни тақдим этиш фаолиятини олиб боришга қаратилган жавобгарлик, компетентлик ва хавф-хатарни тақсимлаш билан амалга ошириладиган битим ҳисобланади[4]. Ушбу келтирилган таърифга кўра давлат-хусусий шериклиги муносабатларида субъектлар сифатида бир томонда давлат ва у вакил қилган органлар иштироки турса, иккинчи томонда эса хусусий субъектларнинг иштироки келтирилган. Бундан ташқари, ушбу муносабатда энг муҳим белги сифатида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзаро алоқалар назарда тутилади.

Илмий адабиётларда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан давлат- хусусий шериклигини ташкил этишга оид масалаларни ўрганишга бағишланган кўплаб изланишлар келтирилган. Баъзи экспертлар давлат хусусий шериклиги ту-

шунчасини лойиҳаларни амалга оширишда бизнеснинг ўрни билан фарқлашади.

Жаҳон амалиётида давлат-хусусий шериклиги механизмлари хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган молиялаштириш ва кенг миқёсда давлат инфраструктурасини бошқаришда фойдаланилади.

С.Балашовнинг тадқиқотида кўра, хорижий давлатлар амалиётида давлат-хусусий шериклиги лойиҳалари бўйича ҳар бир давлатда алоҳида йўналиш устувор ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, АҚШда автомобил йўллари соҳаси (36 та лойиҳадан 32 таси), Буюк Британияда соғлиқни сақлаш соҳаси (352 та лойиҳадан 123 таси) ва таълим соҳаси (352 та лойиҳадан 113 таси), Германияда таълим соҳаси (56 та лойиҳадан 24 таси) ҳамда Италия, Канада ва Францияда соғлиқни сақлаш соҳаси устувор ҳисобланади[5].

БМТнинг Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комиссияси маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида 51 дан ортиқ институт давлат-хусусий шериклиги ривожлантириш бўйича фаолият олиб бормоқда. Мазкур институтларнинг 24 таси Европада, 2 таси Шимолий Америкада, 5 таси Жанубий Америкада, 7 таси Африка қитъаси, 13 таси Осиёда фаолият кўрсатиб келмоқда[6].

Давлат-хусусий шериклигини молиялаштиришда халқаро молия институтларининг ўрни ўзига хослиги билан ажралиб туради. Жумладан, Жаҳон банки сўнгги 20 йил давомида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш бўйича муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жаҳон банки томонидан 2002 йилда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш лойиҳалари учун 900,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлса, 2016 йилда 2800,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилган. Бу кўрсаткич 2002 йилга нисбатан 3,1 бараварга кўп.

1-расм - Дунёда ДХШ бозорининг ривожланиш босқичлари[7]



Биринчи навбатда, давлат-хусусий шериклиги лойиҳаси йўналишини танлаб олиш давлатнинг ёки ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва қўйиладиган аниқ масаланинг устуворлигига боғлиқ. Давлат-хусусий шериклигидан фойдаланишнинг турли хил шакл ва соҳалари узоқ муддатга мўлжалланган мақсадларнинг универсал механизмга асосланган ечими орқали ўз таъсирини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида давлат-хусусий шериклигининг ривожланиш босқичларини 3 турга бўлиш мумкин (юқоридаги расм).

#### **Биринчи босқич:**

давлат-хусусий шериклик соҳасида алоҳида стандарт ва қонунчилик базасини яратиш; давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш учун давлат органини ташкил қилиш; давлат-хусусий шериклигининг келишув структурасини ишлаб чиқиш; ўзаро ҳамкорлик тизимини яратиш;

давлат-хусусий шериклик иштирокчилари учун очиқ бозор яратиб бериш; бошқа давлатлар тажрибасидан фойдаланиш.

#### **Иккинчи босқич:**

вазирлик таркибида давлат-хусусий шериклик департаментини ташкил этиш; янги концессия моделини ишлаб чиқиш; давлат-хусусий шериклик бозорини кенгайтириш; янги молиялаштириш манбаларини рағбатлантириш;

хизматлар соҳасини ривожлантириш учун давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш; давлат-хусусий шериклик лойиҳалари сонини кўпайтириш.

#### **Учинчи босқич:**

давлат-хусусий шериклик моделларини такомиллаштириш; рискларни ҳисоблаш механизмининг такомиллаштириш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини узоқ муддатга хизмат қилишини таъминлаш; давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида иштирок этиш учун пенсия ва пай фондларини жалб қилиш;

давлат-хусусий шерикликда қатнашишда давлат тизимини такомиллаштириш; давлат-хусусий шериклик тизимида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистонда сўнгги 25 йил ичида амалга оширилган давлат-хусусий шериклигининг турли шакллари, асосан, иқтисодиётнинг айрим секторларигагина тегишли бўлди. Бундай лойиҳалар кўпроқ нефть-газ ва кон саноатларида амалга оширилди. Бу мазкур секторларга йўналтирилган инвестициялар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан хавфсизроқ деб ҳисобланиши билан боғлиқдир. Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим минерал ресурслар билан боғлиқ секторларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлат-хусусий шериклигининг энг кўп қўлланган шаклларида биридир.

Давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда ягона ҳуқуқий механизм мавжуд эмаслиги республикада давлат-хусусий шериклигининг

нисбатан паст даражада ривожлангани асосий сабабларидан биридир.

Ўзбекистонда хусусий секторни ижтимоий, транспорт ва коммуникация инфратузилмаси қурилиши ва модернизациясига жалб қилиш учун чора-тадбирлар ва механизмларни фаол жорий этиш 2017 йилда бошланди.

Давлат-хусусий шериклигининг замонавий механизмларини жорий этиш “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси[8]” да давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш йўналишларидан бири деб белгиланган эди.

Мана уч йилдирки, Ўзбекистон ҳукумати ижтимоий муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга хусусий секторни жалб қилиш бўйича фаол ҳаракат қилиб келмоқда. Ҳокимият ва бизнес ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг замонавий шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш давлат бошқарувида 2017 йилда бошланган ислохотларнинг бир қисмидир. Ушбу вақт давомида ҳукумат мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал хўжалик каби соҳаларда давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим муассасаларини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар[9].

Давлат-хусусий шериклик энг аввало, давлат ва бизнеснинг инфратузилмаларни ташкил этиш ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳим хизматларни кўрсатишда молиявий, технологик ва бошқарув ресурсларининг бирлашувидир. Бундай ҳамкорликда муносабатлар давлат ва хусусий компаниялар кооперацияси сингари барпо этилади. Айни дамда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада иштирокчилар ўртасида хавфларнинг бўлиниши аниқ ва равшан қилиб кўрсатилиши шарт ва муҳимдир. Ушбу шаклдаги ўзаро муносабатларга давлат органларининг ваколатлари аниқ баён этилган қонунчилик базаси керак эди.

Шу мақсадда 2019 йил 10 майда давлат билан хусусий шериклик ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги[10] қонун қабул қилинди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик соҳаси бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда масъул этиб тайинланди. Ушбу агентлик Республикада давлат-хусусий шериклик бўйича сиёсатни белгилайди, лойиҳаларни кўриб чиқади, тармоқ вазирликлари билан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги тендер ҳужжатлари ва шартномаларни мувофиқлаштиради, тендерларни ишлаб чиқиш, ўтказиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан ёрдам беради.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик ривожланиши.



Давлат-хусусий шериклик институти эволюциясининг юқоридаги умумий таҳлили ушбу жараённи тавсифловчи учта асосий босқични аниқлашга имкон беради. Биз онгли равишда уларни маълум бир хронологик доирага боғламаймиз, чунки барча давлатларда ўрганилаётган ҳодисанинг ривожланиш суръати турлича.

Биринчи босқич. Тўлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш. Бундай ҳолатда ушбу институтга эҳтиёж давлатнинг маъмурий ресурслари чекланганлиги, давлат аппарати ўзига хос тузилиши билан изоҳланади. Бундан ташқари, дастлаб бу солиқ ва йиғимларни ундиришда давлатнинг ўзига хос функциясини амалга ошириш усули эди. Вақт ўтиши билан тўлаш тизими кенгайиб, давлат томонидан тартибга солишнинг турли соҳаларини қамраб олади.

Иккинчи босқич. Концессияларнинг ҳам хусусий ҳуқуқда, ҳам маъмурий шаклда шаклланиши. Давлат ва хусусий шахслар ўртасидаги ҳамкорликнинг ушбу шакли жуда ривожланиши давлатнинг мақсадлар тизимини кенгайтириш ва натижада янги функцияларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Шу билан бирга, катта миқдордаги давлат мулки бўлган бир хил чекланган маъмурий ресурслар, протекционизм сиёсати гуллаб-яшнаши давлат ва хусусий шахслар ўртасидаги ҳамкорликнинг бундай шаклларида зарур бўлган. Ушбу босқичда давлат-хусусий шериклик давлат даромадини олишнинг манбаи ҳисобланган.

Учинчи босқич. Биз буни замонавий давлатлар хусусий шахслар билан ҳамкорлик қилинадиган мақсадларни ўзгартириш орқали ажра-

либ туриши билан изоҳлаймиз. Агар иккинчи босқичда асосий мақсад даромад олиш бўлса, ҳозирги пайтда бу давлат харажатларини камайтириш ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Шундай қилиб, давлат-хусусий шерикликнинг ривожланишини ҳисобга олиб, қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин. Биринчидан, давлат мақсадларига эришиш учун давлат ва хусусий шахслар ўртасидаги ҳамкорлик жараёнлари маълум даражада давлатчилик мавжуд бўлган барча даврлар учун хосдир. Иккинчидан, давлатнинг хусусий субъектлар билан ҳамкорлик қилиш орқали эришган мақсадларига қараб, давлат-хусусий шериклик ривожланишида учта асосий босқич мавжуд. Биринчи босқич — харид қилиш тизимини ва давлат бошқарувини шакллантириш ва ривожлантириш. Давлат-хусусий шериклик ушбу босқичда маъмурий ресурслари чекланган ва давлат ҳокимиятининг тўлиқ шаклланган ҳудудий аппарати мавжуд бўлмаган давлатнинг даромадларини олиш учун воситадир. Иккинчи босқич — давлат даромадларини шакллантириш мақсадига хизмат қиладиган имтиёзлар тизимини шакллантириш, шунингдек, давлат функцияларини бажариш учун зарур бўлган инфратузилмани ривожлантириш (йўл қурилиши, металлни қайта ишлашни ривожлантириш ва бошқалар). Учинчи, замонавий босқич — бу чекланган ресурсларга эга давлатнинг функцияларини кенгайтириш шароитида шаклланади. Бундай шароитда давлат-хусусий шериклик давлат харажатларининг бизнес секторига ўтказиш орқали самарадорликни оширишга хизмат қиладди.



# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИГА ДОИР АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Камолiddин РАҲИМОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Ҳарбий-техник институти  
бошлигининг ҳуқуқий масалалар бўйича  
ёрдамчиси, мустақил изланувчи

## АННОТАЦИЯ:

мақолада йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига доир айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилиб, уларда камчиликлар кўтарилган. Ушбу камчиликларнинг оқибати ва муаммолар ҳақида тўхталиниб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** йўл ҳаракати хавфсизлиги, йўл-транспорт ҳодисаси, мажбурий техник кўрик, ҳуқуқбузарлик, қонун ҳужжатлари

## АННОТАЦИЯ:

В статье анализируются некоторые нормативные правовые акты в области безопасности дорожного движения и выявляются недостатки в них. Коснувшись последствий и проблем этих недостатков, были высказаны предложения по их устранению.

**Ключевые слова:** безопасность дорожного движения, дорожно-транспортное происшествие, обязательная техническая экспертиза, правонарушение, законодательство

## ANNOTATION:

the article analyzes some normative legal acts in the field of road safety and identifies shortcomings in them. Touching upon the consequences and problems of these shortcomings, suggestions were made to eliminate them.

**Keywords:** road safety, traffic accident, mandatory technical expertise, offense, legislation

Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг автомобиллари сони 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 3 083849 тани ташкил қилади. 2020 йилнинг 9 ойида (январь-сентябрь ойларида) Ўзбекистонда 4294 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ва рўй берган йўл транспорт ҳодиса (кейинги ўринда – ЙТХ)лар оқибатида 1293 та ўлим ҳолати қайд этилган, жами 3886 киши тан жароҳати олган. Ўзбекистонда 2017 йилда 2473 киши, 2018 йилда 2262 киши, 2019 йилда эса 2096 киши йўл транспорт ҳодисаси қурбони бўлган. Гарчи ушбу давр ичида 8,5 фоиз пасайишга эришилган бўлса-да, бу ҳар куни 6 киши автоҳалокат туфайли вафот этаётганини англади<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини тартибга солиш ва уни такомиллаштириш мақсадида бир қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига доир 40 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Улар қаторига Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни, Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан ортиқ қарорларини киритиш мумкин<sup>2</sup>.

Бироқ, назаримизда, баъзи ҳолларда қонун ҳужжатларида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим бўлган айрим қоидалар назардан четда қолмоқда.

Жумладан, автотранспорт воситаларининг техник ҳолати йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим аҳамиятга эга омиллардан бири бўлиб, техник носоз транспорт воситасидан фойдаланиш эса ЙТХ содир бўлишига олиб келадиган сабаблардан ҳисобланади. Бироқ, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига кўра, транспорт воситасининг мажбурий техник кўриқдан ўтганлигини назорат қилиш тартиби белгиланмаган. Яъни, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспектори ҳайдовчидан автотранспорт воситасини мажбурий техник кўриқдан ўтганлиги ҳақидаги талонни текширишга ваколатли эмас.

Статистик маълумотларга кўра, 2020 йил ноябрь ойига қадар республикада техник носоз транспорт воситалари қоидабузарлиги 8 мингдан ортиқни ташкил этган<sup>3</sup>.

Маълумотларга кўра, 2020 йил октябргача бўлган вақт давомида мамлакатимиз бўйича жорий 2 092 847 та транспорт воситалари техник

кўриқдан ўтказилган. Шундан 600-700 таси техник ҳолати белгиланган хавфсизлик талабларига жавоб бермагани сабабли аниқланган камчиликлар бартараф этилгунига қадар фойдаланиш учун тақиқланган<sup>4</sup>.

Муқобил ёқилғи сифатида сиқилган табиий газдан фойдаланадиган автотранспорт воситаларига ўрнатилган техник жиҳозларни белгиланган талаб ва стандартларга жавоб беришини ҳамда ўз вақтида тегишли синовлардан ўтганлигини текшириш ва назорат этиш зарур. Газдан ёқилғи сифатида фойдаланаётган транспорт воситалари билан содир бўлаётган йўл транспорт ҳодисаларининг кўпчилиги жуда аянчли яқунланаётгани бу соҳани жиддий назорат қилиш зарурлигини кўрсатади.

Бизнинг назаримизда, ушбу транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш учун қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 7-бандида механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси ёнида олиб юриши ва ички ишлар органи ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиши шарт бўлган ҳужжатлар санаб ўтилган. Бироқ, мазкур бандда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланувчи автототранспорт воситаси техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон ҳақидаги қоида тушириб қолдирилган. Яъни, ҳайдовчи амалдаги тартибга асосан автототранспорт воситаси техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талонни олдида олиб юришга ва уни ички ишлар органи ходимлари талаб қилганда кўрсатишга мажбур эмас.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисида низом”нинг 19-бандида кўрсатилган йўл ҳаракати қатнашчиларининг ИПХ ходимлари билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятларида ҳам худди шунга доир қоида тушириб қолдирилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасининг 2-бандида ҳайдовчиларнинг белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган транспорт воситаларини бошқариши учун жавобгарлик назарда тутилган. Бироқ юқоридаги камчилик сабабли мазкур ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва уни бартараф этишда муаммо келиб чиқади.

Бизнинг назаримизда “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг ва “Йўл-патруль хизмати ходимлари-

нинг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисида низом”нинг юқорида кўрсатиб ўтилган бандларига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим.

Фото ва видео қайд этиш техник мосламалари ёрдамида йўл ҳаракати ҳуқуқбузарликларини аниқлаш ва қоида бузган ҳайдовчиларни маъмурий жавобгарликка тортиш жараёни албатта адолатли ва одилона бўлиши, бунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши лозим. Чунки, ҳуқуқбузарлик махсус фото ва видео қайд этиш воситалари ёрдамида аниқланганда, ҳуқуқбузар ҳайдовчининг иштирокисиз унга нисбатан иш юритилади ҳамда жарима солиш ҳақида қарор чиқарилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 975-сон қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра йўл ҳаракати қатнашчиларининг қоидаларга риоя этишларини назорат қилиш мақсадида махсус мосламалардан фойдаланилади.

Низомнинг 18-бандида йўл ҳаракати қатнашчилари ИПХ ходимлари билан ўзаро муносабатда ўзига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари билан танишиш, улардан ўз ҳисобидан нусха кўчириш ёки уларни фотосуратга олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Бироқ, ҳуқуқбузарлик кўчма фоторадар ва мобиль комплекслардан фойдаланган ҳолда аниқланган ҳолда, баённома расмийлаштирилмасдан қарор чиқарилади. Ушбу ҳолатда эса, ҳайдовчи ҳуқуқбузарлик содир этгани учун унга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор чиқарилганда бевосита иштирок этмайди.

**Мазкур жараён сабабли йўл ҳаракати қатнашчиларини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 4-бандида белгиланган:**

*содир этган қоидабузарлиги қайд этилган махсус мослама натижалари билан танишиши; ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқлашда фойдаланилган махсус воситаларнинг қиёслаш сертификатларини кўрсатишини талаб қилиш;*

*хуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тушунтиришлар бериш;*

*хуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома расмийлаштирилганидан сўнг ЙПХ ходимининг дислокацияси сақланаётган саф бўлими (бўлинмаси) бошлигидан дислокация ҳақида ёзма маълумот беришни талаб қилиш каби хуқуқлардан фойдаланиши таъминланмай қолмоқда.*

Конституциямизда шахс унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда белгиланган тартибда исботлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши ҳақидаги айбсизлик презумпцияси мустаҳкамланган.

Суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд томонидан ҳар бир жиноят ишини юриштишда жиноят-процессуал қонуни нормаларига қатъий амал қилиш шартлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) 11-моддасида белгиланган талабларга, шу жумладан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда, оғишмай риоя этиш муҳим аҳамият касб этади.

Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 24-сон қароридан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз) деб топилишига олиб келади.

Мақбул бўлмаган далиллар ҳуқуқий кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмаслиги кўрсатилган<sup>5</sup>.

Жиноят ўзининг ижтимоий хавфлилик хусусияти билан маъмурий ҳуқуқбузарликдан ажралиб туради, аслида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам қонун бузилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий даҳл қилувчи ижтимоий қилмиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликка тортишда ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва айбни исботлашда фойдаланиладиган далиллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида олинган бўлиши зарур.

Юқоридаги қоидаларни аналог сифатида маъмурий ҳуқуқбузарлик процессига тадбиқ этадиган бўлсак, ҳуқуқбузарликни аниқлашда тегишли давлат органлари томонидан қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъий назар, шу йўл

билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз) деб топилишига олиб келиши лозим.

Сўнгги вақтларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, уни фаолият самарадорлигини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳуқуқбузарликни аниқловчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситаларини соҳага кенг жорий этилиши шулар жумласидан.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда ҳуқуқбузарлик ҳолати, кимга тегишли транспорт воситаси томонидан қачон ва қаерда содир этилганлиги, жарима миқдори тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган. Бироқ, тезликни ўлчаш мосламаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлиги жамоатчиликда савол туғдирмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-бобида йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажаришда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби белгилаб берилган. Унга кўра, ЙПХ ходимлари томонидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатини назорат қилишда фойдаланиладиган махсус мосламалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувдан ўтган бўлиши лозим. Бундан ташқари, кўчма фоторадар ва мобил комплекслар билан ишлашга улардан фойдаланиш тартибини пухта ўзлаштирган ва қўллаш қоидалари бўйича синовдан ўтган ЙПХ ходимларига рухсат берилиши кўрсатилган.

Низомнинг 29-бандига асосан кўчма фоторадар ва мобил комплекслардан фойдаланганда ЙПХ ходими мосламанинг кўрсаткичлари билан ҳаракат тезлигини ошириб, қоидаларни бузган ҳайдовчини таништириши, унинг талаби билан мосламанинг сертификати (нусхаси)ни кўрсатиши лозим.

Шунингдек, Низомнинг 32-бандига мувофиқ, кўчма фоторадар ва мобил комплексларни қўллаш жойи ва вақти ДЙХХХ саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғи томонидан тасдиқланган дислокацияга мувофиқ белгиланади.

Низомнинг 35-банди иккинчи хатбошида рухсат этилмаган, сертификатга эга бўлмаган, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки белгиланган тартибда ички ишлар органлари ҳисобида мавжуд бўлмаган махсус мосламалардан фойдаланиш тақиқланади, деб кўрсатилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган талаблар ҳуқуқбузарликни аниқлаш жараёнини тартибга солувчи қоидалар бўлиб, уларга тўлиқ риоя этилиши, ҳуқуқбузарликни аниқлашда қонунийликни таъминлайди.

**Бизнинг назаримизда, жарима солиш тўғрисидаги қарорда кўшимча тарзда қуйидаги маълумотларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ:**

*хуқуқбузарлик ҳолатини аниқлашда фойдаланилган махсус воситаларнинг қислаш сертификати;*

*кўчма фоторадар ва мобиль комплексларни қўллаш жойи ва вақти ДЙХХ саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғи томонидан тасдиқланган дислокацияси;*

*ЙПХ ходимлари томонидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатини назорат қилишда фойдаланиладиган махсус мосламалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот;*

*кўчма фоторадар ва мобиль комплекслар бириктирилган ЙПХ ходимлари тўғрисидаги маълумот;*

*кўчма фоторадар ва мобиль комплекслардан фойдаланган ЙПХ ходимларини улардан фойдаланиш тартибини пухта ўзлаштирганлиги ва қўллаш қоидалари бўйича синовдан ўтганлиги ҳақида маълумот.*

Қоидабузарлиги кўчма фоторадар ва мобиль комплексларни қўллаш орқали аниқланиб, жарима солиш тўғрисида қарорни олган ҳайдовчи уни хуқуқбузарлигини аниқлашда ЙПХ ходимлари томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган қоидаларга риоя этилгани ҳақида маълумотга эга бўлмасдан қолмоқда. Буни текшириш учун эса, тегишли тартибда ариза билан муружаат этиши ва маъмурий ишни қайта кўриб чиқишлигини сўраши лозим.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ҳайдовчиларни хуқуқбузарлик содир этганлиги тўғрисидаги ҳолат қонуний йўллар билан аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотларни жарима тўғрисидаги қарорда акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Сенатининг раиси Танзила Норбоева 2020 йил июнь ойида бўлиб ўтган Сенатнинг 5-йилли мажлисида “йўллардаги тартиб-интизомга фақатгина қоидабузарликни қайд этиб, жарима ундириш билан эришиб бўлмайди. Бугун қонун чиқса, эртадан бошлаб ҳайдовчиларни жазога тортиш керакмас. Аввало, тушунтириш, ўргатиш, огоҳлантириш керак” — деб таъкидлади. Хуқуқбузарликни аниқлаш, унинг оқибатларини бартараф этишдан кўра, уни профилактика қилиш, олдини олиш, содир бўлишидан аввал огоҳлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда ЙПХ ходимлари томонидан патруль автомобилларида фойдаланиш белгилаб қўйилган тезликни ўлчаш мосламаларини қўллаш орқали хуқуқбузарликларни аниқлаш оммалашиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ЙХХТда ва ЙТХларининг олдини олишда муҳим

аҳамият касб этмоқда. Бироқ, улар ЙПХ автомашинаси сингари махсус рангли чизмалар билан бўялмаган. Бу эса тезликни ўлчаш мосламалари ўрнатилган автомашиналарда ЙПХ ходимлари томонидан олиб борилаётган назорат фаолиятини яширин деб баҳолашга асос бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 41-бандига мувофиқ ЙПХ ходими ўз хизмат вазибаларини махсус аудио ва видео қайд этиш қурилмалари билан жиҳозланган транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган экипировкада ошкора усулда амалга оширади. Йўлларда хизматни яширин олиб бориш тақиқланади<sup>6</sup>.


Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “яширин” сўзи бошқаларга маълум бўлмаган, бошқалардан сир тутилган; белги бермаган; аниқ ифодага эга бўлмаган, ҳеч ким билмайдиган, ҳеч кимга маълум бўлмаган каби маъноларни англатиши кўрсатилган<sup>7</sup>.

ЙПХ ходимлари томонидан фойдаланилаётган тезликни ўлчаш мосламалари ўрнатилган патруль автомобиллари ички ишлар органлари патруль автомобиллари сингари махсус ранг билан бўялмаганлиги, уларни оддий халқ фойдаланувидаги автомобиллардан фарқланишини, тезликни ошириш хуқуқбузарлигини профилактикаси, олдини олиш функциясини бажарилмай қолишига олиб келмоқда. Мақсад жарима тузоғига тушириш каби туюлмоқдаки, бу ҳолат жамоатчиликнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Аслида мақсад аҳоли яшаш пунктлари ёки йўлнинг ЙТХ содир бўлиш эҳтимоли юқори деб баҳоланган ҳудудларда уларнинг юз беришининг олдини олиш ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда, тегишли рангли схемада бўялган тезликни ўлчаш мосламаси ўрнатилган автомобилдан фойдаланиш юзлаб ҳайдовчиларни хушёрликка чорлайди, ҳаракатни шу ҳудудда хавфсизлигини таъминлайди, ЙПХ ходимлари томонидан автотранспорт воситасини мажбурий техник кўриқдан ўтганлигини назорат қилиш, ҳайдовчилар томонидан ўз автотранспорт воситаларини доимий соз ҳолатда, техник стандартлар талабларига тўлиқ риоя этилишини назорат қилиб юришларига ундайди. Хуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга нисбатан чора кўришда қонун ҳужжатларига риоя этиб, адолатли қарор қабул қилиш халқ орасида ушбу тизимга нисбатан муносабатни ижобий томонга ўзгаришига олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Kun.uz
2. Lex.uz.
3. Kun.uz
4. Senat.uz
5. Норма қонун ҳужжатлари электрон базаси
6. Lex.uz Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сонли қарори
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 127-б. Тошкент 2006.



**Элёрбек  
СОИБНАЗАРОВ,**  
Сирдарё вилоят  
судининг  
иқтисодий ишлар  
бўйича судьяси

# РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ СУД ТИЗИМИНИНГ УМУМИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Инглиз файласуфи, либерализм тарафдорларидан бири Жон Локкнинг  
ғоялари кўплаб ҳуқуқий тизимларда, ўз аксини топган. Хусусан, Россия  
Федерациясида суд ҳокимиятини фақат ва қонунда белгиланган ҳоллар-  
да арбитраж (ҳакамлик) судлари амалга оширадilar. Ҳеч қандай бошқа  
органлар ва шахслар одил судловни амалга оширишни ўз зиммаларига  
олишга ҳақли эмаслар.*

Россияда суд ҳокимияти мақоми ва тизимига оид қоидалар Конституция ва “Россия Федерацияси суд тизими тўғрисида”ги Федерал конституциявий қонун билан белгиланади.

## Умумий схема

Суд ҳокимияти конституциявий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш орқали амалга оширилади.

Россияда судлар қуйидагиларга бўлинади:

**Конституциявий судлар.** Улар барча даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Россия Федерациясининг амалдаги Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқмоқдалар — бу Россия Федерацияси Конституциявий суди томонидан амалга оширилади. Россия Федерацияси субъектларининг конституциявий (устав) судлари эса Федерация субъектларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари уларнинг Конституциялари (уставлари)га мувофиқлигини текширадilar.

**Умумий юрисдикция судлари.** Суд тизимининг асосий бўғини бўлган мазкур судлар томонидан жиноий, маъмурий, фуқаролик ва бошқа ишлар кўриб чиқилади. Худди шу тоифадаги ҳарбий хизматчилар ва ташкилотлар билан боғлиқ ҳарбий ва унга тенглаштирилган ишлар ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқилади.

**Арбитраж (ҳакамлик) судлари** тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасидаги суд ишларини кўриб чиқадilar.

**Интизомий орган.** Унинг ваколатига интизомий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун судьяларнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш, судьяларга нисбатан интизомий жазоларни қўллаш ва аттестациялар натижалари бўйича Судьялар Олий малага ҳайъати қарорлари устидан шикоят қилиш қиради.

## Россия Федерацияси Олий суди

Россия Федерацияси Олий суди — фуқаролик ишлари, иқтисодий низолар, жиноий, маъмурий ва бошқа ишларни кўриб чиқувчи умумий юрисдикция судларининг энг юқори суд органи ҳисобланади.

**“Россия Федерацияси Олий суди тўғрисида”-ги Федерал конституциявий қонунда Олий суднинг қуйидаги ваколатлари назарда тутилган:**

→ *умумий юрисдикция судлари, шу жумладан ҳарбий судлар фаолияти устидан суд назорати;*

→ *ўз ваколатлари доирасида ишларни апелляция ва кассация суди сифатида, назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар бўйича, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда — биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқиш;*

→ *республикаларнинг олий судларига, ўлка ва вилоят судларига, федерал аҳамиятга эга шаҳарлар (Москва, Санкт-Петербург ва Севастополь) судларига, автоном вилоят ва автоном округлар судларига, округ ва денгиз кучлари ҳарбий судларига нисбатан тўғридан-тўғри юқори суд;*

→ *суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш ва суд амалиёти масалалари бўйича тушунтиришлар;*

→ *ўз ваколатлари доирасида Россия Федерацияси, собиқ СССР ва РСФСР халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган масалаларни ҳал қилиш.*

Олий суд “Россия Федерацияси Олий суди Ахборотномаси”ни нашр этади, унда фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича қарорлар, суд амалиёти обзорлари, умумий юрисдикция судлари фаолияти билан боғлиқ таҳлилий материаллар, статистик маълумотлар ва бошқа материаллар нашр этиб борилади.

## Умумий юрисдикция судлари

Умумий юрисдикция судларига қуйидагилар қиради: Россия Федерацияси таркибидаги республикалар олий судлари, ўлка ва вилоят судлари, автоном вилоят ва автоном округлар судлари, Москва, Санкт-Петербург ва Севастопол шаҳар судлари, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар.

Улар жиноий, фуқаролик ва маъмурий ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ одил судлов фаолиятини амалга оширадilar.

Туман суди – умумий юрисдикция судларининг асосий бўғини бўлиб, уларда ишлар биринчи инстанцияда ва магистрат (тинчлик) судьялари томонидан кўрилган ишлар апелляция тартибида кўриб чиқилади. У тегишли суд ҳудудида ҳаракат қиладиган судьяларига нисбатан тўғридан-тўғри юқори суддир. Улар магистрат (тинчлик) судьяларидан кўра мураккаброқ ишларни кўриб чиқди.

Магистрат (тинчлик) судлари ваколатлари чекланган ва кичик ишларни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқадilar.

**“Россия Федерациясининг магистрат (тинчлик) судьялари тўғрисида”ги Федерал қонунга мувофиқ, магистрат (тинчлик) судьялари қуйидаги ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқади:**

➡ *содир этилганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг максимал муддати уч йилдан ошмайдиган жиноятлар бўйича жиноий ишлар;*

➡ *суд бўйруғини бериш тўғрисидаги ишлар;*

➡ *никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар, агар эр-хотин ўртасида болалар тўғрисида низо бўлмаса;*

➡ *эр-хотинлар ўртасида биргаликда сотиб олинган, қиймати эллик минг рублдан ошмайдиган мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ишлар;*

➡ *оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган бошқа ишлар, бундан оталик (оналик) тўғрисида баҳслашиш, оталикни белгилаш, ота-она ҳуқуқларидан маҳрум этиш, ота-она ҳуқуқларини чеклаш, фарзандликка олиш, болалар низоси билан боғлиқ бошқа ишлар ҳамда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар мустасно;*

➡ *мулкий низолар билан боғлиқ ишлар, бундан мерос билан боғлиқ, интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, даъво баҳоси эллик минг рублдан ошмайдиган ишлар;*

➡ *мол-мулкдан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги ишлар.*

Ҳарбий (денгиз кучлари) округ судлари - бу Россия Федерацияси Куролли Кучларида фаолият юритадиган, Россия Федерациясининг ягона суд тизимида киритилган, одил судлов вазибаларини бажарадиган Россия Федерацияси судлари. Илгари бу судлар ҳарбий трибуналлар деб юритилган. Ҳарбий судлар тизими Россия Олий судининг ҳарбий коллегиясидан (юқори бўғин), Куролли Кучлар судлари, округлар, қўшинлар гуруҳлари ҳарбий суди; армия ҳарбий судлари, бирлашмалар, флотиллалар, гарнизонлар судлари (биринчи бўғин)дан иборат.

**Арбитраж (ҳакамлик) судлари**

“Россия Федерацияси арбитраж (ҳакамлик) судлари тўғрисида”ги Федерал конституциявий қонунга мувофиқ, арбитраж (ҳакамлик) судлари федерал судлардир ва Россия Федерацияси суд тизимининг бир қисмидир. Улар фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий низоларни ҳал қилишади.

1) Россия Федерацияси субъектларининг арбитраж (ҳакамлик) судлари — республикаларда, ўлкаларда, вилоятларда, федерал аҳамиятга эга шаҳарларда, автоном вилоятларда, автоном округларда тузилади. Ишлар биринчи навбатда, одатда яққа тартибда кўриб чиқилади. Уларнинг ваколатларига қуйидагилар қиради:

➡ *Россия Федерацияси Олий суди ва Федерал арбитраж (ҳакамлик) судларининг ваколатига қирадиган ишлардан ташқари, арбитраж (ҳакамлик) судлари ваколатига қирадиган барча ишларни кўриб чиқиш;*

➡ *қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги-дан ва янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш;*

➡ *суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш;*  
➡ *суд статистикасини таҳлил қилиш.*

2) Арбитраж (ҳакамлик) апелляция судлари. Ушбу судларнинг ваколатига апелляция инстанциясида Россия Федерацияси субъектлари арбитраж (ҳакамлик) судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқилган қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослигини текшириш, ўзлари томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларини янги-дан ва янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш ҳамда суд статистикасини таҳлил қилиш қиради. Ҳаммаси бўлиб, Россия Федерациясида 21 та арбитраж (ҳакамлик) апелляция судлари ташкил этилади.

3) Округ арбитраж (ҳакамлик) судлари — ҳар бир суд округида биттадан тузилади. Округ Россия Федерациясининг бир неча таркибий тузилмаларини қамраб олади. Бундай судлар 10 та бўлиб, уларнинг ваколатларига қуйидагилар қиради: суд ишларини юритиш ҳуқуқини бузганлик учун компенсация таъинлаш тўғрисидаги ишларни оқилона вақт ичида ёки ҳакамлик судининг қарорини оқилона муддат ичида ижро этиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш; биринчи ва апелляция инстанцияси арбитраж (ҳакамлик) судлари томонидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини кассация тартибда текшириш, ўзлари томонидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги-дан ва янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш.

4) Интеллектуал мулк ҳуқуқлари суди — бу ўз ваколатлари доирасида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низолар бўйича ишларни биринчи ва кассация инстанцияси суди сифатида кўриб чиқадиган ихтисослаштирилган арбитраж (ҳакамлик) суди.

**Конституциявий судлар**

Россия Федерацияси Конституциявий суди — конституциявий назоратни амалга оширувчи суд органи бўлиб, фаолиятини яққа ва мустақил тарзда конституциявий процедуралар орқали амалга оширади.

Россия Федерацияси Конституциявий судининг ваколатлари, тузилиши ва фаолияти Россия Федерацияси Конституцияси ва “Россия Федерацияси Конституциявий суди тўғрисида”ги Федерал Конституциявий қонун билан белгиланади. Россия Федерацияси Конституциявий суди Президентнинг таклифига биноан Федерация Кенгаши томонидан тайинланадиган 19 судьядан иборат.

Россия Федерацияси субъектларининг конституциявий (устав) судлари — бу Россия Федерацияси субъектлари томонидан, Россия Федерацияси субъектлари қонунлари, Россия Федерацияси субъектлари давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари норматив ҳужжатларининг Россия Федерацияси субъектлари конституциялари (уставлари)га мувофиқлигини кўриб чиқиш Россия Федерацияси субъектлари конституциялари (уставлари)ни шарҳлаш учун тузилиши мумкин.



**Холмурод  
ИСАНОВ,**

Судьялар олий  
мактаби док-  
торанти, юридик  
фанлар номзоди,  
доцент

# ФОРС-МАЖОР ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Маълумки, энг қадимги даврларда инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар одат ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинган. Ўзбекистон ҳудудида милoddан аввалги юз минг йилликларда яшаган халқларнинг “Авесто” китоби энг биринчи ҳуқуқий манба бўлиб, ундаги турли урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар Зардушт томонидан диний асар сифатида бир тизимга солинган. Масалан, “Авесто”да кишиларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларида ўз аҳдида туриш, берилган ваъданинг устидан чиқиш, қасамга содиқ бўлиш, савдо-сотиқ ишларида мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилиш, омонатни, яъни қарзни ўз эгасига вақтида қайтариш каби шартномавий муносабатларнинг шакли ва айирбошлаш турлари ҳақидаги фикрлар мавжуд.**

Зардуштийлик иқтисодий қонунларига кўра, икки хил мажбурият тан олинган. Биринчидан, тантанали равишда қасам ичиш – “варуна”га кўра кишининг бирон иқтисодий мажбуриятни олиши ёки олмаслиги тушуниланган. Иккинчидан, бу битим ёки шартнома ҳисобланиб, бунга кўра томонлар ўзаро манфаатдорлик жиҳатидан бирор иқтисодий муносабатлар тўғрисида келишишган. Иккала ҳолда ҳам келишиш натижасида олинган мажбуриятнинг кучи ичилган қасамда яширинган бўлиб, бу куч илоҳий деб ҳисобланган. Бу илоҳий куч ўзаро шартномалашган инсонга ҳамкорлик қилади, ўз сўзига қатъий бўлган кишини қўллаб-қувватлайди. Қасами ва сўзида турмаган кишини эса жазолайди<sup>1</sup>, дея таъкидланган. Таъкидлаш керакки, шартномавий муносабатларга киришган ва ўзаро мажбуриятларга эга бўлган кишилар энгиб бўлмайдиган кучлар, яъни табиий офатлар туфайли мажбуриятларни бажара олмаслик ҳолатларини ҳам илоҳий кучнинг хоҳиш-иродаси деб ҳисоблаганлар. Албатта, бундай ҳолатларда мажбуриятни бажара олмаган тараф иккинчи тараф олдида ўзининг айби йўқлиги тўғрисида қасам ичган. Иккинчи тараф эса, унинг ичган қасамини қабул қилган ёки акс ҳолда, илоҳий куч уни жазолайди деб ҳисоблаган. Бундай ҳолатда ичилган қасам, уни ичган тарафни ўз мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод этишнинг асоси сифатида қабул қилинган. Бу эса, Ўзбекистон ҳудудида милoddан аввалги минг йиллик даврларда, шахс ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги табиий офатлар, яъни энгиб бўлмас куч (форс-мажор) туфайли келиб чиққан бўлса, у жавобгарликдан озод этилганлигини кўрсатади. “Авесто”даги ушбу қоидалар одат ҳуқуқи меъёрлари кўринишида бўлса-да, лекин кейинчалик, улар жамиятнинг ривожланиши натижасида ёзма равишдаги фуқаролик (хусусий) ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарган, дейиш мумкин.

Таниқли ҳуқуқшунос олим Ҳ.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, ҳуқуқ соҳалари қоидалари икки гуруҳга, яъни оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ тизимларига ажратилиши бевосита Рим ҳуқуқининг ривожланиш даври билан боғлиқ. Ундан олдинги даврларда, масалан, Вавилон подшоси Хаммурапи қонунлари, қадимги Ҳиндистондаги Ману қонун-

лари ва қадимги Рим ҳуқуқини кодекс шаклига келтириш учун намуна бўлиб ҳисобланган XII жадвал қонунларида ҳам ҳуқуқ нормалари оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ тизимларига аниқ ажратилмаган<sup>2</sup>. Рим ҳуқуқининг инсоният ҳуқуқий тараққиёти тарихи ва замонавий ҳуқуқшунослигида тутган аҳамияти тўғрисида И.А.Покровский шундай дейди: “Рим ҳуқуқи инсоният тарихида мутлақо алоҳида ўринни эгаллайди: у уни яратган халқдан узоқ яшади ва дунёни икки бор забот этди<sup>3</sup>”. О.С.Иоффе эса, милoddан аввалги I асрнинг охиридан милoddий III аср охиригача бўлган даврда Рим давлати ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланиб, айна шу даврда, кейинчалик классик ҳуқуқ номини олган Рим хусусий ҳуқуқи тизими яратилганлигини таъкидлайди<sup>4</sup>. Ушбу фикрлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг илк босқичлари бундан икки минг беш юз йиллар илгари вужудга келган Рим ҳуқуқи давридан бошланганлигини кўрсатади.

Таъкидлаш керак, милoddий II асрда яшаб ўтган таниқли ҳуқуқшунос Гайнинг “Институциялар” асари<sup>5</sup> Рим хусусий ҳуқуқ тизимининг ташкил топишида алоҳида ўрин эгаллайди ва шу сабабдан, ушбу асарни тадқиқ этиш мавзуни ёритишга ёрдам беради. Чунончи, мазкур асарга кўра, Рим ҳуқуқида мажбурият ҳуқуқи институти марказий институт бўлиб ҳисобланган ва энг кўп тузиладиган шартномаларни тартибга солишда асосий ўринни эгаллаган. Рим кулдорчилик давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, айниқса фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг янада такомиллашиб бориши натижасида мажбурият тушунчаси тўлиқ маъно касб этиб борган. Қадимги Рим давлатининг қонунларида мажбурият ҳуқуқининг ривожланишига муҳим эътибор қаратилган, яъни мажбуриятлар ўзининг олдинги расмиятчилигини йўқотиб, бир томонламаликдан икки томонламаликка айланган, унда иштирок этувчи субъектлар ҳам ҳуқуққа, ҳам мажбуриятга эга бўлганлар. Шулар билан бир қаторда, Рим фуқаролик ҳуқуқи мажбуриятларнинг вужудга келиш асосларини икки қисмга, яъни шартномалар асосида вужудга келиши ва деликтлардан (ҳуқуқни бузишдан) келиб чиқадиган мажбуриятларга бўлган. Мажбуриятларни келтириб чиқарадиган муҳим ҳуқуқий асос сифатида



шартномалар фуқаролик ҳуқуқининг марказий институтларидан бири бўлган ва улар ҳар доим даъво қилиш орқали ҳимоя қилинган. Рим ҳуқуқида “мажбуриятларнинг мазмуни ниҳоятда хилма-хил бўлиши мумкин. Бу ҳар қандай нарса кредиторга топшириш – “dare”, ниманидир қилиш ёки қилмаслик – “fasere” ёки “non fasere”, етказилган зарарни қоплаш – “praestare” мажбуриятдан иборат бўлиши мумкин. Умуман олганда, мумкин бўлган ва қонунга зид бўлмаган ҳамма нарса мажбуриятнинг предмети бўлиши мумкин. Мажбурият – бу кишилар ўзларининг энг хилма-хил эҳтиёжларини қондиришга қаратилган муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий шакл”<sup>6</sup>.

Рим ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтирувчи асос сифатида ҳуқуқий фактлар – ҳуқуқий ҳодиса ва ҳуқуқий ҳаракатлардан иборат бўлган. Ҳодисалар – инсоннинг онги, эрки ва иродаси билан боғлиқ бўлмайдиган ҳолатлар сифатида баҳоланган. Масалан, табиат ҳодисалари, инсоннинг туғилиши, унинг ўлими, ёнғинлар, зилзила ва шу каби ҳолатлар тушуниланган. Лекин, Рим ҳуқуқшунослари ҳодисалар фақат инсон билан боғлиқ бўлмаган ҳолатда вужудга келади деб тушунмасдан, балки уларни инсоннинг хоҳиш-иродаси, эрки орқали ҳам вужудга келиши мумкинлигини исботлаб берганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Рим ҳуқуқида мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликни белгилаш асосида шартнома иштирокчисининг айби бор ёки йўқлиги ётади. Масалан, И.Б.Новицкий ва бошқа кўплаб ҳуқуқшунос олимларнинг таъкидлашича, “Агар талаб қилинган ҳамма нарса бажарилган бўлса, айб йўқ (*Si omnia quae oportuit, observavit, caret culpa*). Айбдорлик (*culpa*) деб, қонунда назарда тутилган ҳатти-ҳаракатларга риоя қилмаслик тушуниланган. Қарздор мажбуриятни бажармаган тақдирда жавобгар бўлган. Қоида тариқасида, жавобгарлик қарздор айбдор бўлган тақдирда юзага келган. Тасодиф ҳодиса – қарздорнинг айбисиз содир бўлган ашёнинг йўқолиши ёки бузилишининг техник ифодасидир. Масалан, агар меросхўр мерос қолдирувчининг топшириғига биноан ашёларни топширишга мажбур бўлса ва ашё йўқолса, унда манбалар куйидагича ажратган: (*culpa heredis res perit, sine culpa perit*) “ашё меросхўрнинг айби билан йўқолди; ашё унинг айбисиз йўқолди”<sup>7</sup>. Бу ерда иккинчи ҳолатда тасодиф (*casus*) ҳодиса туфайли ашё йўқолган деб топилган ва меросхўрнинг айбсизлиги тан олинган. Рим ҳуқуқида умумий қоидага кўра, тасодиф учун ҳеч кимнинг жавобгар бўлмаслиги (*casus a nullo praestantur*) белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, Рим ҳуқуқшунослари оддий тасодиф ҳолати билан энгиб бўлмайдиган куч ҳолатини ажратганлар, яъни унинг олдини олиб бўлмаслиги ва унга қарши туриб бўлмаслиги (*casus cui resisti non potest*) каби белгиларини ажратиб кўрсатганлар. Масалан, Цицероннинг замондоши Сервий куйидаги мисолни келтиради: “Шамол уйнинг томини учириб юборди ва у кўшнига зарар етказди. Шамолнинг кучи илоҳий кучдир (*Violentia ventorum vim habet divinam*). Ҳеч ким илоҳий кучнинг ҳаракати учун жавобгар эмас, лекин агар том ёпиш ишлари ёмон бажарилган бўлса, яъни уй эгасининг у билан боғлиқ айби бўлса, унда ўз-ўзидан пайдо бўлган тасодифий куч учун жавобгарлик мавжуд”<sup>8</sup>.

Қайд этилганидек, Рим ҳуқуқшунослари фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқий фактларнинг вужудга келишига эътибор қаратиб, уларни ҳодисалар ва ҳаракатларга бўлиб ўрганганлар. Ҳодисаларни инсоннинг онги, эрки ва хоҳиш-иродаси билан боғлиқ бўлмайдиган ҳолатлар эканлигини кўрсатиб берганлар. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи асослардан яна бири бу ҳаракат эканлигини ҳамда ҳаракатнинг ўзи ҳуқуқ йўл қўйган (қонуний ҳаракат) ҳамда ҳуқуққа зид бўлган (ноқонуний) ҳаракатга бўлинишига асосий эътиборни қаратганлар. Ноқонуний ҳаракатлар ҳуқуқбузарликлар ҳисобланиб, ҳуқуққа зид равишда амалга оширилган муносабатлар деб аталган. Яъни, Рим фуқаролик ҳуқуқи бундай ҳаракатларни қонунга зид, оқилоналик, адолат тамойилларига тўғри келмайдиган муносабатлар деб ҳисоблаб, улар натижасида бузилган ҳуқуқларни Рим фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида тиклаганлар. О.Оқюлов таъкидлаганидек, “Рим ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири, агар муайян масалани ҳал қилишда ҳуқуқий тартибга солиш механизмини белгилашда албатта қандайдир манфаатлар ва ҳуқуқларга зарар етар экан, энг кам зарар етказиш тамойили асосида ёндашув мавжуд”<sup>9</sup>. Худди шундай ёндашувлар ҳозирги замон фуқаролик ҳуқуқи тизимларининг барчасида мавжудлигини таъкидлаш ўринли. Айтилганларга асосланиб, форс-мажор генезиси (тарихий шаклланиши), яъни форс-мажорга оид ҳуқуқий нормалар Рим ҳуқуқининг мажбурият ҳуқуқи институти таркибида шаклланган ва унинг концепцияси ҳозирги замон фуқаролик ҳуқуқи тизимларига Рим ҳуқуқидан кириб келган, дейиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудида VII аср охиридан XX аср бошларига қадар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар мусулмон ҳуқуқи меъёрлари асосида тартибга солинган. Бу ҳуқуқ тизими ўзининг тараққиёти натижасида аста-секин, худди Рим хусусий ҳуқуқи сингари ҳалқаро аҳамият касб этиб борган. “Ислом фуқаролик ҳуқуқи асосан Араб халифалигининг II асрида шакллана бошлаган. Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони карим ва Суннати набавияда фуқаролик ҳуқуқига оид қоидалар келтирилган. Бироқ, улар муайян бир тизимга солинмаган, алоҳида гуруҳларга ажратилмаган. Исломга оид адабиётларда аксарият ҳолларда фикҳ илми фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олиб, уч китобдан, яъни Уқудот (битим), Ийқоот (бир томонлама битим), Аҳқомдан (жиноят, мерос, мажбуриятларга оид нормалар) иборат деб кўрсатилади”<sup>10</sup>. Ислом фуқаролик ҳуқуқининг мазкур манбаларида мол-мулк, мерос, васийлик ва ҳомийлик, ҳадя, хайр-эҳсон, мажбурият муносабатлари ҳалоллик, адолатлилик ва аҳдга содиқлик тамойиллари асосида тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Шулар билан бир қаторда, шартнома тузган тарафнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, табиий офатлар форс-мажор) оқибатида шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарликни истисно қилувчи ҳуқуқий нормалар ҳам мавжуд. Масалан, “Ислом ҳуқуқида мусоқот шартномаси боғ эгаси ўз боғидаги дарахтлардан, токзорлардан бир нечтасини ёки ҳаммасини муайян вақтда фойдаланиш учун ўзга шахсга мазкур дарахт ва меваларни парваришлаб қараш ва ҳосилининг муайян қисмини бериш шarti билан топшириши ҳақида тузилади”<sup>11</sup>. Ушбу мусоқот шартномаси оғзаки ёки ёзма

равишда гувоҳлар иштирокида тузилиши шарт бўлиб, унга кўра мулк эгаси “молик”, ишловчи шахс “омил” ва шартнома предмети бўлган объектлар (дарахтзор боғ) “маҳал” деб аталади. “Омил йўл қўйган зарарлари учун моликнинг олдида жавобгар ҳисобланади. Табиий офат туфайли боққа зарар етган чоғда ҳеч ким жавобгар бўлмайди”<sup>12</sup>. Бизнинг фикримизча, албатта бундай ҳолатда, мусоқот шартномасини тузган тарафлар (молик ва омил) ўртасида низо келиб чиқиши ҳам мумкин бўлган. Лекин, бу ҳолат ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлиб, унга кўра, “молик боққа талафот етказди деб даъво қўзғатган ҳолларда, молик ўз даъвосини тасдиқлаш учун гувоҳлар келтириши, омил эса инкори учун қасам ичиши шарт”<sup>13</sup> бўлган. Демак, ушбу ҳуқуқий нормадан шуни тушуниш мумкинки, мусоқот шартномаси бўйича низо келиб чиққанда, биринчи тараф – “омил”нинг қасам ичиши, иккинчи тараф – “молик”нинг даъвосини инкор этиш асоси сифатида белгилаб берилган. Бу эса, ислом фуқаролик ҳуқуқида дин, ахлоқ ва ҳуқуқнинг бундай қўшилиб кетганлиги ва бир-биридан ажралмаганлиги, ҳуқуқий нормалар ижтимоий муносабатларни тартибга солганлигини кўрсатади. А.Х.Саидов ҳам “исломнинг мажбурият таълимотига кўра, инсоннинг Аллоҳ олдидаги мажбурияти энг асосий мажбурият ҳисобланади”<sup>14</sup>, дея таъкидлайди. Айтилганлар шундан далолат берадики, Араб халифалигининг II асрида, яъни VIII-IX асрларда ислом фуқаролик ҳуқуқида форс-мажорга оид ҳуқуқий нормалар шаклланган бўлиб, улар мажбурият ҳуқуқи институти таркибига кирган.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудининг катта қисми (Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонлиги) Россия империяси томонидан босиб олинди. Шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон ҳудудида ерли аҳоли учун мусулмон ҳуқуқи меъёрлари билан бирга, XIX аср охирилари – XX аср бошларидан Россия империясининг фуқаролик қонунлари қўллана бошланди<sup>15</sup>. Демак, ана шу давр мобайнида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ўзига хос дуалистик асослар – мусулмон ҳуқуқи ва Россия империяси қонунлари билан тартибга солинган. Чунки, ўша даврларда Ўзбекистонда ягона кодификациялашган фуқаролик қонуни бўлмаган. Буни Ҳ.Раҳмонқуловнинг “Шариат, одат билан бирга, РСФСР қонунчилиги асосида ишлаб чиқилган меъёрлар ҳам амал қилган”<sup>16</sup>, деган фикрлари ҳам тасдиқлайди.

Шулар билан бир қаторда, 1923 йил 1 январдан амалга киритилиб, кейинчалик янги таҳрирда 1963 йилда қабул қилинган ва 1964-1995 йиллар мобайнида амалда бўлиб келган РСФСРнинг Гражданлик кодексларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Ушбу кодексларда форс-мажорга оид ҳуқуқий нормалар ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Масалан, РСФСР (1923й) Гражданлик кодекси “Мажбурият ҳуқуқи” бўлими 118-моддасида кўрсатилишича, “Қарздор, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижро этишнинг иложи йўқлиги, унинг олдини ололмайдиган ҳолат туфайли содир бўлганлигини ёхуд кредиторнинг қасди ёки бепарволиги натижасида вужудга келганлигини исботласа, мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади”<sup>17</sup>. Шунингдек, РСФСР (1964 й) Гражданлик ко-

декси “Айб мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асоси”, деб номланган 222-моддасида “Шахс айби (қасд ёки бепарволик) бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мулкий жавобгар бўлади. Айбсизлик мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади”<sup>18</sup>. Шу ўринда таъкидлаш керакки, 1923-1995 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлиб келган барча Гражданлик кодекслари, РСФСР ва СССР Гражданлик кодекслари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, уларга киритилган форс-мажорга оид ҳуқуқий нормалар ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан юқорида келтириб ўтилган 118 ва 222-моддалардан фарқ қилмайди.

### Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик ҳуқуқида форс-мажор генезиси ва ривожланиш босқичларини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. Одат ҳуқуқи меъёрлари даври (милоддан аввалги X асрдан милодий VII аср бошларигача).
2. Рим классик ҳуқуқи даври (милоддан аввалги I аср охириларидан милодий III аср охириларигача).
3. Мусулмон ҳуқуқи даври (милодий VII аср бошларидан XIX асрнинг иккинчи ярмигача).
4. Дуалистик давр (XIX аср охириларидан XX аср бошларигача).
5. Совет даври (1917-1991 йиллар).
6. Мустақиллик даври (1991 йилдан ҳозиргача).

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳ. Бобоев ва бошқалар. “Авесто – Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. ТМИ, Т.: 2004. -33 б.
2. Ҳ.Раҳмонқулов. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. –Т.: ТДНУ. 2010. -56.
3. И.А.Покровский. История римского права. –М.: Статут. 2004. -58 с.
4. О.С.Иоффе. Гражданское право. Избранные труды. –М.: Статут. 2003. -24 с
5. Гай / Под ред. В.А.Савельева, Л.Л. Институции. / Перевод Ф.Дадинского.Кофанова. - М.: Юрист, 1997. – С. 223-235.
6. И.А.Покровский. История Римского права. –М.: Статут. 2004. -387с.
7. Римское частное право / Под ред.И.Б.Новицкого. - М.: Юриспруденция, 2008. – С. 297-300.
8. Римское частное право / Под ред.И.Б.Новицкого. - М.: Юриспруденция, 2008. – С. 205.
9. О.Оқюлов. Пандемия ва бизнес // Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2020. -169 б.
10. Исхаков С.А. Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари. –Т.: Ўз.Р.И-ИВ Академияси. 2005. -18 б, -34 б.
11. Аҳмад Иса Ошур. Ал фикҳ ул муяссар фил муомалот.(Фуқаролик ҳуқуқи бўйича энгил фикҳ). –Байрут, 1996, -53 б.
12. Торнау Н. Изложение начал мусульманского права. –СПб., 1850. – 248 с.
13. Исхаков С.А. Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари. –Т.: Ўз.Р.И-ИВ Академияси. 2005. - 99 б.
14. Саидов А.Х. Основы мусульманского права. –Т.: 1994. - 5 с.
15. Зокиров И.Б. Становление и развитие советского гражданского права в БНСР и ХНСР. –Т.: Фан. 1988. -60б
16. Раҳмонқулов Ҳ.А. Возникновение и развитие гражданского законодательства Узбекской ССР.// Правоведение. 1975. №6. -70-72б.
17. <https://ru.wikisource.org>
18. <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&prevDoc=102013669&backlink=1&nd=102010099>

## ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ИШНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Муҳаббатхон ШОКИРОВА,  
Судьялар олий мактаби  
тингловчиси

**Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 60-моддасига асосан боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланиши кўрсатиб ўтилган.**

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқшунос олима З.Эсанова фикрича, оталикни белгилаш тушунчаси ўзаро қонуний никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган боланинг мазкур отадан туғилганлик фактининг ота-онанинг ихтиёрий аризаси ёки суд қарори асосида тасдиқланишини назарда тутати.

Ҳуқуқий адабиётларда оталикни белгилашнинг уч тури, яъни оталикни белгилаш, оталикни тан олганлик факти, оталик фактини белгилаш турлари кўрсатилган<sup>1</sup>.

Оила кодексининг 61-моддаси тўртинчи қисмига асосан оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек бола туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли.

Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин<sup>2</sup>.

Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Бугунги кунда амалиётда оталикни белгилаш билан боғлиқ низоларни судларда кўришда, бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, хусусан, Оила кодексининг 61-моддаси талабларига кўра, ота-она ҳар доим ҳам биргаликда оталикни белгилаш ҳақида ФХДЁ бўлимига мурожаат қилмаслиги мумкин. Чунки, ота-

нинг маълум бир сабабларга кўра, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилмаслиги ёки унинг қаердалигини аниқлаш имкони йўқлиги, хусусан келгусида оталик белгиланган тақдирда бола таъминоти учун алимент тўлови келиб чиқиши мумкинлиги ота томонидан ўз ихтиёрига кўра мурожаат қилмасликни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатда болага туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома беришда онани ёлғиз аризасига асосан берилиши ҳоллари кўп учрамоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Оила кодексининг 62-моддаси куйидаги таҳрирдаги учинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: “62-модда. Оталикнинг суд тартибида белгиланиши.

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин”.

Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Боланинг отаси чет элда бўлса ёки болани тан олишдан бош тортса, ихтиёрий ариза бермаса, боланинг манфаатларини кўзлаб ваколатли органлар судга даъво аризаси киритиш мумкин.

Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент. ТДЮИ. 2007; З.Эсанова Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография. / Масъул муҳаррир ю.ф.д. проф. Ш.Ш. Шорахметов. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 221 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент. Адолат. 2014.



**Фарҳоджон НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси Академияси  
магистратураси тингловчиси

# ПРОКУРОРЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ТАМОЙИЛИ

## АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада хорижий тажриба таҳлили асосида прокуратура органларида мустақиллик тамойилининг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилган ҳамда бу борадаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** жиноят, конституция, коррупция, мамлакат, мустақиллик тамойили, прокуратура, прокурор, суд, тамойил, тергов, хорижий тажриба.

## АННОТАЦИЯ:

В этой статье обсуждены роль и значение принципа независимости прокуроров на основе анализа зарубежного опыта и внесены предложения по устранению существующих проблем в данной сфере

**Ключевые слова:** зарубежный опыт, конституция, коррупция, принцип, принцип независимости, преступление, прокуратура, прокурор, следствие, суд.

## ANNOTATION:

In this article discussed the role and importance of the principle of independence of prosecutors and presented proposals to eliminate existing problems in this area.

**Keywords:** constitution, corruption, court, crime, investigation, prosecutor's office, prosecutor, principle, the principle of independence.

Прокурорлар мустақиллиги тамойилининг моҳияти шундан иборатки, улар функционал қарорлар ва ҳаракатларни фақат қонунчилик, ички ишонч, тўлиқлик, ҳар томонлама ва холислик талабларига мувофиқ ўтказилган текширув материаллари асосида қабул қиладилар ва амалга оширадилар.

Хўш, прокурорларнинг мустақиллиги тамойили бугунги кунда чет эл давлатларида қандай тартибга солинган?

Ушбу саволга жавоб топиш учун хорижий мамлакатларнинг прокуратура органлари фаолияти, улардаги мустақилликнинг роли ва аҳамиятини таҳлил қилсак.

Прокуратура органлари фаолияти бутун дунёда бир нечта моделлар билан тавсифланади. Шу билан бирга, моделдан қатъи назар, прокуратура мустақиллиги ва унинг ҳар қандай ортиқча босим ёки аралашувдан холи бўлиши муҳим масала ҳисобланади.

Илмий адабиётларда прокуратура давлат бошқаруви тизимидаги ўрни, ташкилий бўйсунуви, қайси давлат органи таркибига кириши мезонларига кўра тўртта гуруҳга ажратилган<sup>1</sup>.

Биринчи гуруҳга прокуратура Адлия вазирлигининг таркибига кирувчи мамлакатлар киради. Уларга Польша, АҚШ, Франция, Бельгия, Нидерландия, Дания, Руминия, Италия, Исроил, Германия, Япония, Эстония, Сурия ва бошқалар киради. Юқоридаги мамлакатларнинг аксариятида прокуратура судларда фаолият юритади.

Италия ва Руминияда прокурорлар судларда шаклланган суднинг бир қисми сифатида иерархик равишда ташкил этилган тизим бўлиб, Адлия вазирлига, яъни ижро этувчи ҳокимиятга бўйсунди.

Польша қонунчилиги прокурор мақомининг дуалистик хусусиятини белгилайди, у Бош прокурор ва Адлия вазири (адолат) вазифаларини бирлаштиради.

Францияда прокуратура суд-ҳуқуқ тизимига кириб, суд жараёнида прокурорлар тўлиқ мустақил ва уларга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун барча зарур ваколатларга эга ҳисобланади. Прокурорнинг фаолияти Адлия вазирининг назорати остида, аммо суд мажлисларида у мутлақо мустақилдир: прокурор жиноят ишини кўзғатади, судда давлат айбловини қўллаб-қувватлайди, дастлабки терговни назорат қилади, тергов функцияларини бажаради.

Шунга ўхшаш моделлар Германия Федератив Республикаси, Нидерландия Қироллиги, Швеция, Фин-

ляндия, Норвегия қироллиги, Япония ва бошқа давлатлар Конституцияларида ҳам мавжуд.

Иккинчи гуруҳга – прокуратура суд тизимининг тўлиқ таркибий қисми бўлган ва судларга бириктирилган ёки суд тизимидаги маъмурий мухториятга эга бўлган давлатлар, яъни Испания, Колумбия, Болгария ва Латвия киради.

Испания прокуратураси суд тизимида функционал мухторият билан киритилган. Прокуратура вилоят судларида фаолият юритади. Испания қонунчилигида прокуратура ўз вазифасини бажариш билан бирга, манфаатдор томонларнинг илтимосига биноан қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда адолатни таъминлашга ҳисса қўшади, шунингдек суверенитетнинг муҳофазасини назорат қилади. Прокуратура судларда жамоат манфаатларини ҳимоя қилади.

Учинчи гуруҳга – Хитой Халқ Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Куба Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси прокуратуралари киради.

Социалистик давлатларда прокуратура мустақиллиги тамойилига ҳам қатъий риоя қилинганлиги аҳамиятга молик. Бу Хитой, Вьетнам, Куба ва Шимолий Корея учун умумий ҳолдир<sup>2</sup>.

Булар учинчи гуруҳ мамлакатларига киради, яъни прокуратура мустақил тузилма бўлган ва қонун чиқарувчи орган ёки давлат раҳбари олдида хисобот берадиган мамлакатлардир.

Тўртинчи гуруҳга – прокуратура ўзи ёки унинг тўғридан-тўғри аналоглари умуман мавжуд бўлмаган мамлакатларни киритиш мумкин.

Бундай мамлакатнинг ёрқин намунаси Буюк Британиядир, бу ерда аслида прокуратура мавжуд эмас, лекин унинг ўрнини аналог модел эгаллайди, яъни назорат ваколатлари топширилган алоҳида вакиллар ва давлат хизматчилари. Бундай тизимга прокуратура ва Бош прокуратура киради<sup>3</sup>.

Прокуратура органларида мустақиллик тамойилининг аҳамияти давлатчилик институтларининг тобора ривожланиши билан бутун дунё давлатларида ортиб бормоқда.

Чунончи, МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари Конституциялари ва қонунчилигида прокуратура фаолиятини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий тамойиллари орасида қуйидагилар ажратилган: давлат ҳокимияти органларидан мустақиллик; прокуратура тизимининг бирлиги ва марказлаштирилиши; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш; ошкоралик (Россия, Украина, Белоруссия, Латвия, Литва, Қозғистон, Молдова, Туркменистон, Ўзбекистон, Арманистон ва бошқалар). 1991 йилдан сўнг прокуратура органларини сиёсийлаштирмалик тамойили собиқ Иттифоқ мамлакатларида кенг тарқалди.



Қонунийлик, холислик ва иерархик назорат Бразилия, Руминия ва Испанияда прокуратура органларининг конституциявий тамойиллари сифатида мустақамланган.

Япония қонунчилигида прокурорларнинг мустақиллиги тамойили ва уларнинг Адлия вазирлиги билан бўйсунувчи муносабатлари ўртасида маълум бир зиддиятни кўриш мумкин. Бунда, айрим ҳоллардагина (умумий масалалар бўйича) вазир фақат Бош прокурорга кўрсатма бериши мумкин, аммо, бўйсунувчи прокурорларга эмас.

Прокурорнинг мустақиллиги тўғрисидаги тезис Болгария Конституциясида янада аниқроқ баён этилган: “Прокуратура ходимлари ўз вазифаларини бажаришда фақат қонунга бўйсундилар”.

Юқорида таъкидланганидек, Европа давлатлари, хусусан, Франция ва Испанияда прокурорлар фаолияти тўла мустақилдир. Францияда прокурор ўз вазифаларини бажаришда, шу жумладан, суд тизимида тўла мустақил бўлиб, судьялар ва судьялардан фарқли ўлароқ, апелляция шикоятни бермайди. Испанияда прокуратура ўз вазифаларини сиёсий партиялар таъсирига боғлиқ бўлмаган ҳаракат бирлиги, иерархия ва қонунларга риоя қилиш тамойиллари асосида бажаради.

Россия Федерацияси (РФ)да ҳам прокуратура мустақил давлат органи эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу давлат қонунчилигидаги ўзгаришлар Россия прокуратураси ва унинг тизимидаги кирувчи Федерация субъектлари прокуратураларини таркибий ёки функционал жиҳатдан бирон бир тармоққа кирмайдиган мустақил давлат органига айлантирди.

Ушбу давлат прокуратураси ташкилий моделининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, прокуратура ҳам ижро этувчи, ҳам суд ҳокимиятидан мустақилдир. Кўп сонли назорат ваколатига эга ва дастлабки тергов ўтказиш ваколатига эга эмас<sup>4</sup>. Юқоридаги хорижий давлатлар тажрибасига қўшимча сифатида Қозғистон ва Грузия давлатларини ҳам мисол сифатида келтириб ўтишимиз мумкин. Қозғистоннинг 2017 йил 30 июндаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида “Прокуратура ўз ваколатларини қонунийлик, бошқа давлат органларидан, мансабдор шахслардан мустақиллик ва фақат Қозғистон Республикаси Президенти олдида

ҳисобдорлик тамойиллари асосида амалга оширади. Прокуратура фаолиятига уларнинг вазифалари ва ваколатларини амалга оширишда аралашши тақиқланади” деб кўрсатилган<sup>5</sup>.

Грузиянинг 2018 йил 30 ноябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида қонунийлик ва адолатлилик, холислик ва очиқмаслик, профессионаллик ва лаёқатлилик, барча қўйи турувчи прокурорлар ва прокуратуранинг бошқа ходимларининг Бош прокурорга бўйсунуши, бирлиги ва марказлашганлиги, шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек, шаъни ва кадр-қимматининг дахлсизлигини ҳимоя қилиш, сиёсий бетарафлик прокуратура фаолиятининг тамойиллари ҳисобланади.

Бундан кўриниб турибдики, мустақиллик тамойили ушбу мамлакатлар прокуратура органлари фаолиятининг ҳам асосий мезонидир.

Қайд этиш лозимки, ушбу давлатларда прокурорларнинг ҳисобдорлиги миллий қонунчилигимиз ва амалиётимизга нисбатан у қадар кенг эмас.

Украинада прокурорларнинг мустақиллигини мустақамлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар янада диққатга сазовордир.

Чунончи, давлат бошқарувини жадал ислох қилиш орқали тез ривожланиб бораётган ушбу мамлакатда 2019 йил 19 сентябрда тасдиқланган қонунга мувофиқ, прокуратура органлари ислох қилиниб, прокуратуранинг мустақиллиги доираси янада кенгайтирилган.

Жумладан, Украина Бош прокурорига туман ва вилоят прокуратураларини тугатиш ва қайта ташкил этиш ҳуқуқи, прокуратура иши сифатини баҳолаш тизими, ходимларнинг иш ҳажмини белгилаш, маъмурий лавозимни эгаллаган прокурор томонидан хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаслик тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш тартиблари ва бошқа муҳим масалалар бўйича прокуратуранинг ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш ваколати берилган. Шунингдек, прокурорларнинг иш ҳақини 2022 йилга қадар босқичма-босқич жорий 12 миқдор иш ҳақидан 25 бараварга ёки икки баравардан зиёдроққа ошириш кўзда тутилган<sup>6</sup>.

Прокурорларнинг мустақиллиги бўйича халқаро ва хорижий тажрибаларни дастлабки ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда прокурорларнинг мустақиллик тамойилини мустақамлаш учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, прокуратура ходимларини тайинлаш, сайлаш ёки лавозимга ўтказиш жараёнидаги маъмурий тартиб-таомиллар, ушбу жараёнга масъул бўлган орган ёки мансабдор шахслар келгусида унинг профессионал фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш воситасига айланмаслиги ёхуд бундай имкониятга эга бўлмасликлари лозим.

Бу ўринда прокуратура органларига ходимларни қабул қилишда шаффофлик ва адолатни таъминлаши ҳам ғоят долзарб аҳамият касб этади.

Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти томонидан 2020 йилда нашр этилган “Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Тинч океани ҳудуди бўйича прокурорларнинг мустақиллиги” мавзусидаги мақолада бу борада қатор қизиқарли мулоҳазалар илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин<sup>7</sup>.

Мақолада келтирилган тавсияларга кўра, прокурорнинг мустақиллигини таъминлаш учун уларни хизматга қабул қилиш ва лавозимини кўтариш касбий ваколат ва ҳалоллик мезонлари асосида адолатли, холис ва рақобатбардош танлов орқали амалга оширилиши керак.

#### **Бунда, қуйидаги масалалар танловнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади:**

- ишга қабул қилиш ва лавозимга кўтариш тартиби қонун билан қатъий тартибга солиниши;
- танлов ўтказилишидан олдин танлов тартиби ва мезонлари оқилона вақт ичида жамоатчиликка маълум қилиниши;
- танлов юқори касбий малакага асосланган бўлиши;
- ҳеч қандай аниқ сиёсий гуруҳ ёки ташкилот унда иштирок этишига таъсир қилмаслиги.

Шу билан бирга, прокурорларни лавозимга тайинлаш ваколати фақат Бош прокурорга тегишли бўлмаслиги керак. Бу вазифага тажрибали прокурорларни жалб қилиш лозим. Бунда:

- тайинлаш учун тегишли номзодларнинг малакасини ошириш;
- тайинлаш талабига жавоб берувчилар лавозим мезонларига, шунингдек, имтиҳон ва суҳбатни ўз ичига олган рақобат жараёнига жавоб беришига оид ваколатга асосланган бўлиши;
- жараёнлар ва қарорлар суд томонидан кўриб чиқирилиши керак.



БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судлар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг 2019 йил 19-25 сентябрь кунлари мамлакатимизга ташрифи давомида тайёрланган Ўзбекистон суд тизими ҳақидаги ҳисоботида ҳам прокурор лавозимига номзодларни тайинлаш механизмини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилган эди.

Ҳисоботда маърузачи “Бош прокурор лавозимига номзодни тайинлаш ва уни четлатиш бўйича аниқ мезонларнинг йўқлиги прокуратура мустақиллиги таъминланишига тўсиқ бўлиши, жиддий коррупция эҳтимолини юзага келтириши мумкин”лиги ҳақида тўхталган<sup>8</sup>.

Иккинчидан, прокурорлар фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалалари янада такомиллаштирилиши, бунда коллегияликнинг ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро тажриба асосида прокурорларнинг ўзини бошқариш тизимининг янги шакл ва услубларини жорий этиш лозим.

Бинобарин, ЕИХТ томонидан “Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Тинч океани ҳудуди бўйича прокурорларнинг мустақиллиги” мавзусидаги мақолада прокурорларнинг фаолиятини баҳолаш, биринчи навбатда, объектив сифат мезонларига асосланган бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Баҳолаш жараёни имкон даражада ҳолис мустақил орган томонидан амалга оширилиши керак. Бу эса, раҳбарият ва прокурорлар фаолиятига ҳолис баҳо бериш имкониятини беради.

Прокурорларга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш адолат ва ҳолислик мезонларига қатъий риоя қилган ҳолда, ҳеч қандай истисносиз қонун билан тартибга солиниши ва шаффофлик билан бошқарилиши лозим.

**Интизомий жавобгарликка тортилдиган прокурорнинг куйидаги ҳуқуқлари сўзсиз таъминланиши шарт:**

*а) ҳолат ҳақида олдидан хабардор қилинган, вазлари эшитилиши таъминланган, илтимоснома ва тушунтиришларни тақдим этиш имконияти яратилган бўлиши ҳамда вакилга эга бўлиши;*

*б) оқловчи ёки салбий далилларга эътироз билдириш ҳуқуқи.*

Бунда, интизомий жазо қўллаш ваколатига эга бўлган орган тегишли санкциялар муқобилини танлаш имкониятига эга бўлиши керак.

Прокурорларни ишдан бўшатиш, розилигисиз бошқа ишга ўтказиш қонун билан қатъий тартибга солиниши ва ҳолислик билан амалга оширилиши лозим. Улар билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш ва ўзгартиришда иш беврувчи ёки бошқа мансабдор шахслар томонидан

ўзбошимчалик ёки бошқа турли суиистеъмолчиликларга йўл қўйилишини олдини олишнинг аниқ ва самарали механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ишдан бўшатиш устидан прокурорнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини қонун билан белгилаш зарур.

Учинчидан, прокурорлар фаолиятининг моддий таъминоти (техникаси, хизмат бинолари, зарурий жиҳозлар, воситалар ва бошқалар), уларнинг иш ҳақи, ижтимоий кафолатлари, ижтимоий ҳимояси, пенсия таъминоти қонун билан қатъий регламентланган бўлиши ҳамда бу тартиб уларнинг бошқа ҳокимият субъектларига шубҳали ва асоссиз тобелигини келтириб чиқармаслиги лозим.

Бу борада америкалик олим Ангела Девис куйидагича фикр билдиради: “Прокурорнинг бюджетга қарамлиги унинг мустақиллигига жиддий путур етказди. Прокурорлар жиноят ишини юриштиш давомида бюджет маблағларидан эҳтиёж доирасида чекловсиз фойдалана олишлари лозим”<sup>9</sup>.

Юқорида билдирилган фикрлардан куйидагича хулоса қилиш мумкин. Яъни, прокуратура фаолиятини такомиллаштирамасдан туриб, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, давлат бошқарувида самарали тартибни ўрнатиш, коррупцияга қарши кураш борасида кўзланган натижаларга эришиш мумкин эмас.

Шу боис, прокуратуранинг мустақиллигини чин маънода таъминлаш, бу борадаги халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани янада чуқур ўрганиш, миллий давлатчилик хусусиятларини инobatга олган ҳолда, уларни ҳуқуқ ва ҳуқуқ амалиётига босқичма-босқич жорий этиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. П.П.Корчинский “Прокуратура в системе конституционного права: сравнительно правовой анализ”, Автореферат Симферопол, 2020.
2. Рохлин В.И. Прокурорский надзор и государственный контроль: история, развитие, понятие, соотношение. – СПб., 2003. -С. 11-15.
3. Корчинский П.П. Прокуратура в системе конституционного права: сравнительно-правовой анализ. -Симферополь, 2020.
4. Корчинский П.П. Прокуратура в системе конституционного права: сравнительно-правовой анализ. -Симферополь, 2020.
5. Қозоғистоннинг 2017 йил 30 июндаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, <https://www.gov.kz/legalacts/details/Z1700000081?lang=ru>
6. Украинанинг 2019 йил 19 сентябрдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, <https://ips.ligazakon.net/document/view/T141697?an=6392>
7. OECD (2020), The Independence of Prosecutors in Eastern Europe, Central Asia and Asia Pacific. ( <https://www.oecd.org/corruption/acn/The-Independence-of-Prosecutors-in-Eastern-Europe-Central-Asia-and-Asia-Pacific.pdf>)
8. БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судлар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг 2019 йил 19-25 сентябрь кунлари Ўзбекистонга ташрифи бўйича тайёрланган ҳисоботи. (<https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/17/review/>; <https://undocs.org/ru>).
9. Angela J. Davis. The American Pr The American Prosecutor: Independence, Power, and the Threat of Tyranny. American University Washington College of Law, p/443



**Хушвақт ҚУРБОНОВА,**

Судьялар олий мактабининг таянч докторанти

## ЖИНОЙ ҲАҚИҚИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

### АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада Жиноят кодексининг 229-моддасида назарда тутилган нормани такомиллаштириш юзасидан ўзбошимчалик учун жиноий жавобгарлик назарияси ва амалиётининг долзарб муаммоларини аниқлаш ва таҳлил қилиш натижасида илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган, асосланган, конструктив таклифлар ишлаб чиқиш баён қилинган.

**Калит сўзлар:** ўзбошимчалик, ҳуқуқ, ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқлар, норма, жавобгарлик.

### АННОТАЦИЯ:

Данная статья основана на научной и практической значимости анализа актуальных проблем теории и практики уголовной ответственности за самоуправства в целях совершенствования нормы, предусмотренной статьей 229 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** Самоуправство, право, норма, действительного или предполагаемого права, вред, закон, государства.

### ANNOTATION:

This article contains improvement Criminal code's 229-article, it means criminal charge theory for arbitrariness, determination it's actual problem and so as to analyse importantly scholar practice, based, constructive proposals to produce is mentioned.

**Key words:** Arbitrariness, right, real or guessed rights, norm, responsibility.

Жиноят қонунчилигига кўра, ўзбошимчалик — бошқарув тартибига қарши жиноятлар туркумига мансуб бўлиб, ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган ижтимоий хавфли ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

Ўзбошимчалик нафақат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан, балки ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан ҳам муҳофаза қилинади. Масалан, фуқаролик қонун ҳужжатларида фуқаронинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиш институти, маъмурий ҳуқуқда эса – ўзбошимчаликнинг муайян турларини содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Ҳақиқатдан ўзбошимчалик учун фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий жавобгарлик чоралари ҳам мавжуд бўлса, бундай қилмишга нисбатан жиноий жавобгарлик белгилашнинг зарурати нимада, жавобгарликни моддий ёки маъмурий жавобгарлик доирасида ҳал қилиш етарли бўлмайдими деган савол юзага келиши табиий.

Қилмиш ўзбошимчалик деб топилши учун жиддий зиён етказилган бўлиши лозим. Ушбу мезон ўзбошимчаликни шу номдаги маъмурий ҳуқуқбузарликдан фарқлашнинг биринчи белгисидир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддасида ўзбошимчалик учун жавобгарлик назарда тутилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатидаги ўзбошимчалик, ўзининг ҳақиқий ёки назарда тутилган ҳуқуқини фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига, давлат манфаатларига ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда амалга оширишдир. Бунга мисол сифатида Пешку туман маъмурий суди томонидан кўрилган куйидаги ишни кўришимиз мумкин. Фуқаро С. томонидан ўзига тегишли савдо дўкони олдидаги “Ўзбектелеком” АКга тегишли бўлган “Янгиобод” қишлоқ телефон тармоғи биноси ўзбошимчалик билан бузилган.

Суд иш ҳолатларини ўрганиб, ҳуқуқбузар томонидан бузилган бино қайта тикланиб “Ўзбектелеком” АКга топширилганлигини эътиборга олиб, унга МЖТКнинг 200-моддаси билан маъмурий жарима жазоси тайинлаган.

Ўзбошимчалик учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг яна бир асоси қилмиш натижасида етказилган зарар миқдорининг катталигидир (кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён). Ўзбошимчалик билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни фарқлашда, биринчи навбатда етказилган зарарнинг аҳамияти, жиноят предметининг мазмуни, низолашаётган томонлар ўртасидаги муносабатларнинг табиати, ишлатиладиган зўравонликнинг интенсивлиги ва табиати, ният мазмуни ва фаразли мақсаднинг йўқлиги ёки мавжудлиги ҳисобга олинади.



Фуқаролик - ҳуқуқий муносабатлардаги ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш усулларини қўллаш жараёнида етказиладиган зиён ҳуқуқнинг бузилишидан кўрилган ёки кўрилиши мумкин бўлган зиёндан ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги керак.

Суд амалиётида жиноий ўзбошимчалик ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни фарқлаш жуда муҳимдир. Ўзбошимчалик билан боғлиқ жиноятлар, шубҳасиз бошқа шахсларнинг конституцион ҳуқуқларига, мулкига, ҳаётига, соғлиғига тажовуз қилиш билан тавсифланади. Ўзбошимчалик жиноятнинг мустақил оқибати сифатида унинг муайян ҳудудда нормал ижтимоий муҳитни бузишга қодирлигини эътироф этиш мумкин, чунки у кўп сонли одамларнинг манфаатларига дахл этиши мумкин. Бундан ташқари, ҳуқуқдан қонунга хилоф равишда маҳрум этиш одамда норозлилик уйғотиши ва аксарият ҳолатларда бошқа оғир жиноятларни содир этишга туртки бериши мумкин.

Ўзбошимчалик учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг яна бир асоси қилмиш натижасида етказилган зарар миқдорининг катталигидир. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш усулларини қўллаш жараёнида етказиладиган зиён ҳуқуқнинг бузилишидан кўрилган ёки кўрилиши мумкин бўлган зиёндан ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги керак.

Қилмиш ўзбошимчалик деб топилиши учун жиддий зиён етказилганлиги аниқланиши лозим. Ушбу мезон ўзбошимчаликни шу номдаги маъмурий ҳуқуқбузарликдан фарқлашда биринчи даражали аҳамият касб этади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик кўринишидаги ўзбошимчалик ўз фуқаролик ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилишдан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш усули қонун хусусиятининг бузилиши белгиси билан фарқ қилади. Шу сабабдан, ўзбошимчалик объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланган зиённинг жиддийлиги аниқланиши шарт.

Жиноят кодексига назарда тутилган бошқарув тартибига қарши жиноятлар ичида ўзбошимчалик жинояти ўзига хос ўринни эгаллайди. Бугунги кунга қадар суд тергов органлари томонидан ўзбошимчалик жиноятини қўллашга оид маълум тажриба тўпланган бўлса-да, лекин амалиётда ўзбошимчаликка оид нормаларни нотўғри квалификация қилишга оид баъзи муаммолар ҳамон мавжуд бўлиб, ўз ечимини кутиб турибди. Чунончи, тергов органлари фаолиятида шахснинг ўзбошимчалик ҳаракатларини Жиноят кодексининг бутунлай бошқа моддалари билан квалификация қилиш ёки аксинча, бошқа жиноий қилмишларни ўзбошимчалик сифатида квалификация қилиш, шунингдек ўзбошимчалик ҳаракатлари натижасида келиб чиққан "кўп миқдордаги зарар" ёки "жиддий зиён" каби баҳоловчи тушунчаларни нотўғри талқин қилиш оқибатида аслида жиноят ҳисобланмайдиган ҳаракатларга ҳам ўзбошимчалик сифатида баҳо бериш каби хато ва камчиликлар учрамоқда. Фикримизча, мазкур муаммолар биринчидан, жиноий ўзбошимчалик

бўйича етарли илмий изланишларнинг олиб борилмаганлиги, иккинчидан, қонунчиликнинг мукаммал эмаслиги, учинчидан Олий суд Пленумининг тегишли қарорларида мазкур масалага етарли аҳамият берилмаётганлиги билан изоҳланади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу жиноятнинг моҳияти ва мазмунини тушуниш, унинг учун жиноий жавобгарликни белгилаш зарурати юзасидан турли қарашлар мавжуд. Жумладан, юқорида назарда тутилган фуқаролик ҳуқуқида шахснинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши қонуний чора сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур жиноятнинг моҳиятини тўғри тушунмаслик, уни фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий институтлардан фарқлай олмаслик жиноятларни тўғри квалификация қилишга, қонун нормасини аниқ ва бир хилда қўллаш жараёнида муаммоларни юзга келтиради. Ўз навбатида айбсиз шахсларнинг асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилиши ёки айбдор шахсларнинг асоссиз равишда жиноий жавобгарликдан озод қилинишига олиб келади.

Шундай қилиб, ўзбошимчалик – бу шахснинг ўз ҳақ-ҳуқуқини қонунда ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган тартибга зид равишда амалга оширишдир.

Ўзбошимчалик ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш тўғрисидаги нормалар ўртасида узвий алоқа мавжуд: ўзбошимчалик ўз ҳуқуқларини амалга оширишнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш билан солиштирганда йўл қўйилмайдиган ҳол деб белгиланиши лозим бўлган усули ҳисобланади. Бундан ташқари, ўзбошимчалик тўғрисидаги жиноят-ҳуқуқий норманинг вазифаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мустақил равишда (давлатни четлаб ўтиб) ҳимоя қилиш имкониятини чеклашдан иборат.

Шахснинг ўзбошимчалик ҳаракатлари натижасида етказилган зарар ёки зиённинг жиддийлиги белгиси мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги жиноий ўзбошимчалик ва маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида ўзбошимчаликни фарқлашнинг энг муҳим мезони ҳисобланади.

Шу ўринда, айтиш жоизки кейинги пайларда амалиётда Жиноят кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ўзбошимчалик жинояти турли кўринишда тез-тез учрамоқда.

Ўзбошимчаликда ҳақиқий ҳуқуқ деганда шахсга қонун ёки бошқа норматив ҳужжатга асосан тегишли бўлган, лекин белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда амалга оширилган ҳуқуқ тушилилади. Масалан, фермерга пахта экиш учун берилган ерга шартномага хилоф равишда маккажўхори ёки бошқа экинларни экиш натижасида давлатга жиддий зиён етказилиши ёхуд жабрланувчини қарзини қайтариб беришга мажбур этиш мақсадида унга тегишли мулкни, унинг руҳсатсиз ўзбошимчалик билан тортиб олиш.

Фараз қилинган ҳуқуқ – бу амалда шахсга тегишли бўлмаса-да хато тарзда ўзига қонуний равишда тегишли, деб ҳисобланадиган ҳуқуқ. Масалан, қаровсиз қолган ўзга шахсга тегишли бўлган уйга ҳеч

қандай рухсатсиз ёки ҳуқуқ берувчи ҳужжат мавжуд бўлмаган ҳолда, шунингдек сохта ҳужжатлар асосида ўзбошимчалик билан кўчиб кириш ёки эгаллаш. Кўп миқдорда зарар, Жиноят кодексининг 8-бўлимида базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдорда зарар етказиш назарда тутилган.

Ўзбошимчалик жиноятининг ўзига хос хусусияти, унинг ўзичалигида, берухсатлигида ва фақат фаол жиноий ҳаракатларда намоён бўлишидадир: айбдор қонуннинг ёки шахснинг рухсатсиз ёки белгиланган тартибга хилоф равишда ҳаракат қилаётганини ва бу билан фуқаролар, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузаётганини англайди ҳамда шундай ҳаракатларни содир этишни хоҳлайди.

Сўнгги пайтларда ўзбошимчаликнинг табиати ва ижтимоий хавфлилик даражаси ўзгариб бормоқда. Ушбу тажовузнинг зарарли томони ўзбошимчалик билан содир этиладиган ҳаракатлар сонининг доимий ўсиш тенденцияси билан эмас, балки ушбу жиноятлар натижасида етказилган зарар миқдорининг кўпайиши, рухсатсиз, қонун ёки белгиланган қоидага хилоф равишда жиноий ҳаракатлар натижасида келиб чиққан салбий оқибатлар таркибининг кенгайиши билан боғлиқ бўлмоқда. Агар яқин ўтмишда ушбу жиноий ҳаракатлар натижасида фақат мулкка зарар етказилган бўлса, бугунги кунда унинг оқибатлари шахснинг ҳаёти ва соғлиғига, шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилмоқда.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2011 йилдаги ҳукмига кўра, айбдор шахс уйдан ўғирланган 600 000 сўм пулни қайтариб олиш учун жабрланувчининг уйига бориб пулни сўраганида, жабрланувчи пулни қайтаришни рад қилганидан сўнг, ўзбошимчалик билан жабрланувчига тегишли бир бош қорамолини олиб кетиш вақтида чиққан жанжал натижасида бир фуқаро ўлдирилган, яна бир фуқарога енгил тан жароҳати етказилган.

Мазкур жиноий ҳаракатни содир қилишга асосий сабаб бўлган ҳолат – қарзини қайтариб олиш мақсадида ўзбошимчалик билан ҳаракат қилишдир. Ваҳоланки, айбдор шахс қарзини қайтариб олиш мақсадида фуқаролик тартибда судга мурожаат қилиб, даъво очиб пулни ундириб олиш ҳуқуқи мавжуд бўлса-да, қонунда белгиланган тартибни бузиб ўзбошимчалик билан ҳаракат қилиши натижасида жабрланувчининг мулкига ва шу ҳодиса гувоҳи бўлган шахсларга тан жароҳати етказиш ва ҳаттоки бир шахснинг ҳаётига зомин бўлиши оқибатида унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 229-моддаси билан бирга жиноятлар мажмуи сифатида ЖКнинг бошқа тегишли моддалари билан квалификация қилинган.

Республика судлари томонидан кўрилган ишлар бўйича чиқарилган 54 та ҳукм ўрганилганда, ушбу ўрганилган суд қарорларининг учдан бир қисмидан ортигида жиноятлар бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинганлигини кўриш мумкин. Айбдор шах-

сларнинг ҳаракати алоҳида Жиноят кодексининг 229-моддаси билан квалификация қилинган бўлиб, бир гуруҳ бўлиб жиноят содир қилишнинг малакаловчи белгиси нормада ўз аксини топмаганлиги сабабли, эътибордан четда қолиб келмоқда. Жиноят кодекси Махсус қисмининг 69 та моддасида “бир гуруҳ бўлиб жиноят содир қилиш” алоҳида малакаловчи белги сифатида назарда тутилган бир ҳолатда, қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодексининг 229-моддасида мазкур малакаловчи белги киритилмаган.

Масалан, Тошкент туман судининг ҳукмига кўра, МЧЖ раҳбари ва туман ҳокимлиги ходими бир гуруҳ бўлиб, МЧЖга туман ҳокимининг қарори билан “Мебель ишлаб чиқариш цехи” биносини қуриш учун ажратилган ерни учинчи шахсга 120 минг АҚШ долларига сотиш вақтида ушланган. Айбдор шахс (МЧЖ раҳбари) ўзининг ҳақиқий ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан амалга ошириш оқибатида, учинчи шахснинг ҳуқуқлари, ҳокимлик органининг фаолият кўрсатиш тартиби ва ердан фойдаланиш тартибининг бузилишига ҳамда давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишини келтириб чиқаришга суиқасд қилишган.

Ушбу мисолдан кўриш мумкинки, гарчанд жиноят бир гуруҳ бўлиб содир қилинган бўлса-да, жиноий ҳаракат Жиноят кодексининг 25, 229-моддаси билан квалификация қилинганлиги амалдаги қонун талаби бўйича тўғри бўлиб кўринса-да, қонун нормаси ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан мукамал эмаслиги кўринади.

Демак, юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Жиноят кодексининг бир қисмдан иборат бўлган 229-моддаси амалиётда ўзбошимчалик билан содир этилаётган турли кўринишдаги жиноий қилмишларни назарий жиҳатдан тўлиқ қамраб ололмайди ва натижада тергов ва суд амалиётида ушбу категориядаги жиноятларни квалификация қилишда муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўз навбатида қонундаги бу камчиликлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун доирасида ҳимоя қилишда ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбошимчалик жиноятининг назарий-ҳуқуқий хусусиятларини ўрганиш масалалари долзарблиги ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, Жиноят кодексининг тегишли нормалари эса такомиллаштиришга муҳтож эканлигини тасдиқлайди.

Фикримизча, амалиётдаги муаммолардан келиб чиқиб, Жиноят кодекси 229-моддасини назарий жиҳатдан такомиллаштириб, ўзбошимчалик билан содир этиладиган ижтимоий хавфли ҳаракатларни жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ва шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этишни шунингдек, бир гуруҳ шахслар билан бирга содир этишни назарда тутувчи, алоҳида малакаловчи белгиларни ўз ичига олган 2-қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

# БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



**Мансур  
ТОШПЎЛАТОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

**2018 йил 25 январдаги ЎРҚ-462-сон “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси тасдиқланди ҳамда 2018 йил 1 апрелдан қонуний кучга киритилди.**

Мазкур кодекснинг иккинчи бўлими биринчи инстанция судида иш юритишга бағишланган бўлиб, кодекснинг 16-бобида иш қўзғатиш қоидалари баён қилинган. 127-моддада иш қўзғатиш асослари кўрсатилган бўлиб, унга кўра суд: 1) манфаатдор шахсларнинг, 2) прокурорнинг, 3) давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, шу давлат органларининг ва бошқа шахсларининг аризалари бўйича иш қўзғатиши белгиланган. Кодекснинг 17-боби ишни суд муҳокамасига тайёрлаш қоидалари баён қилинган, ишни суд муҳокамасига таёрлаш жараёнида судья томонидан асосий процессуал ҳужжатлардан бири бўлган ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим қабул қилинишини кўришимиз мумкин, ажримнинг шакли ва мазмунига нисбатан процессуал қонун ҳужжатларида қўйиладиган талабларга риоя қилмаслик уни қабул қилишда хато ва камчиликларга йўл қўйилишига, тарафлар томонидан шикоят аризаларининг кўпайишига, турлича талқин қилинишига, юқори инстанция судларида ҳам баҳсли мунозаралар келиб чиқишига ва охир оқибат фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ҳамда судга мурожаат қилувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлади. Кодекснинг 18-бобида суд муҳокамаси қоидалари баён қилинган бўлиб, унга кўра суд муҳокамаси деганда - маъмурий ишни кўриб чиқиш ва мазмунан ҳал қилишдан иборат бўлган суд жараёнидир.

Маъмурий ишлар судда ишни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда мазмунан кўриб чиқиши лозим. Кодексда алоҳида ҳолларда, суд муҳокамасининг муддати суд раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Лекин қонунчилик алоҳида ҳолларга тушунтириш бермаган. Умумий тушунчалардан келиб чиқиб алоҳида ҳолатлар, яъни маъмурий иш муҳокамасини мураккаблаштирадиган ҳолатларни тушуниш мумкин. Булар жумласига, аризачи, жавобгар ва ишда иштирок этадиган шахс-

ларнинг сони, бир қанча гувоҳларни сўроқ қилиш, чет давлатларга сўровнома юбориш ёки ҳужжатлар олиш, чет эл фуқароларининг қатнашиши, далил ёки ишга оид ҳужжатлар хажмининг кўплигини мисол қилиш мумкин.

Биринчи инстанция судида ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича Кодекснинг 19-бобида белгиланган қоидалар асосида суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилади. Ҳал қилув қарори – моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари талабларига аниқ риоя қилинган ҳолда, қонуний, асосли ва адолатли тарзда чиқарилиши керак. Бироқ, ҳал қилув қарорларини қабул қилишда ушбу талабларга жавоб бермаслик, ҳал қилув қарорларида далилларни таҳлил қилмасдан, уларга ва билдирилган вазиятнинг барчасига ҳуқуқий баҳо берилмаган ҳолатларда, шунингдек, аниқланган ҳолатлар юзасидан судьянинг муносабати фикри баён қилинмасдан, низо бўйича суднинг ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаганда, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри талқин қилинганда, иш бўйича суд томонидан аниқланган ҳолатларни кўрсатмасдан, ариза (шикоят) ни қаноатлантириш ёки рад этиш сабабларини батафсил кўрсатмаслик каби хато ва камчиликлар бўлганда қабул қилинган ҳал қилув қарорининг юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига олиб келади.





**Наргизахон  
РАҲИМЖОНОВА,**  
Тошкент давлат  
юримдик университети  
ўқитувчиси

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖИНОЯТЛАР ТАСНИФИ

**Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексининг 15-моддасига кўра жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.**

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга — қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Ҳозирда Жиноят кодекси Махсус қисмида 587 та жиноят таркиби мавжуд бўлиб, шуларнинг 259 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар саналади. Ушбу турдаги жиноятлар умумий жиноятлар миқдорининг 44,1 % ни ташкил этади.

Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда республикада содир этилаётган жиноятларнинг қарийб ярмини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ташкил этмоқда.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг 103 тасида ёки 17,5% да озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари назарда тутилган. Шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун 2 та норма санкциясида фақатгина озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган, қолган 154 тасида альтернатив жазо турлари келтирилган.

Агарда содир этилган жиноят учун ЖК Махсус қисм моддасида озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар назарда тутилмаган ҳамда бошқа турдаги жазолар назарда тутилган бўлса, ушбу жиноятлар ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра — ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга — қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Жиноят кодекси Махсус қисми нормаларининг 151 таси ёки 33,7% унча оғир бўлмаган жиноятлар улушига тўғри келади.

Жиноят кодекси Махсус қисмидаги 27 та жиноят таркибида ёки 6,3% ҳолатда унча оғир бўлмаган жиноятлар учун санкцияда фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, 124 таси ёки 93,6% ҳолларда эса альтернатив жазо турлари ҳам тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Оғир жиноятларга — фақат қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Жиноят кодекси Махсус қисм нормаларининг 114 таси ёки 19,4% ни оғир жиноятлар ташкил этади. Шулардан, 101 та турдаги жиноятлар (88,5%) санкциясида фақатгина озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, 13 турдаги жиноятлар (11,4%) санкцияларида озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан биргаликда бошқа турдаги жазолар ҳам альтернатив жазо тури сифатида тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Ўта оғир жиноятларга — фақат қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ушбу қоида талабларидан келиб чиқилса, жиноят кодексида бугунги кундаги мавжуд жиноят таркиблари умумий сонининг 63 таси (10,7%) ўта оғир жиноятларга тўғри келади, шулардан 62 таси ёки 98,4% учун модда санкциясида фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган бўлса, 1 та (1,5%) модда санкциясида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан биргаликда альтернатив жазо турлари ҳам тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, уни янада либераллаштириш, жиний жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш ҳамда жиноятлар учун санкцияларни қилмишларнинг ижтимоий хавфлилиқ хусусияти ва даражасига қараб мувофиқлаштириш вазифаларидан келиб чиқиб, муҳокамага қўйилган

Янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг 17-моддасига кўра, жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилмаган ёки уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Шуни таъкидлаш лозимки, амалдаги Жиноят кодексига оғир жиноятлар эҳтиётсизлик орқасидан содир этилмайди. Таклиф этилаётган янги таҳрирдаги Жиноят кодексига оғир жиноятларга қасд айби шакли билан бирга эҳтиётсизликдан содир этилиб қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар кириши белгиланган. Ҳўш бу қанчалик асосли?

Бизнинг фикримизча бу ўзгартириш ривожланган хорижий мамлакатлар диққат марказида турган Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилигида инсонпарварлик, одиллик, тамойилларини су-сайтиради, Жиноят кодексига оғир жиноятларнинг сони кескин ошишига олиб келади. Ҳозирги кунда Жиноят кодекси Махсус қисм нормаларининг 114 таси ёки 19,4 фоизни оғир жиноятлар ташкил этади. Жиноят кодекси Махсус қисми нормаларининг 151 таси ёки 33,7% унча оғир бўлмаган жиноятлар улушига тўғри келади. Мазкур ўзгартиришни амалга киритиш орқали унча оғир бўлмаган жиноятларнинг катта қисми оғир жиноятлар таркибига ўтади ва бу амалиёт ўз-ўзидан Жиноят қонунчилигини либераллаштириш тенденциясини четлаб ўтади.

Тўғри, ЖК 266-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмида жиноий оқибатда одам ва одамлар ўлими келиб чиқса-да, 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса-да, жиноятларни таснифлаш қонундасига асо-

сан унча оғир бўлмаган жиноят деб таснифлаймиз. Ушбу амалиётни жабрланувчи тарафдан олиб қарайдиган бўлсақ адолатсизлик, чунки жиноятчи шахс унча оғир бўлмаган қилмишни содир этиши билан унга Жиноят кодексининг Умумий қисм қоидалари, хусусан жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масалалари оғир жиноятларга қараганда кенгроқ ва енгилроқ қўлланилади.

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори Х.Каримовнинг фикрича жазони миқдори жиноятни ижтимоий хавфлилиги даражасидан келиб чиқиб белгиланиши керак. Шу нуқтаи назардан Х.Каримов томонидан қасддан муайян қоидаларни бузиш натижасида эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган ва жазоси беш йилдан ортиқ бўлган ва оқибати ўлим ёки бошқа оғир оқибатлар билан боғлиқ бўлган жиноятларни оғир жиноятлар таснифига киритиш таклифи билдирилади.

Бизнинг фикримизча, Х.Каримовнинг мазкур таклифи асосли, Жиноят кодексининг таклиф этилаётган янги таҳририда белгиланган оғир жиноятлар тушунчасидан фарқли ўлароқ, оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда жазоси беш йилдан ортиқ бўлган ва оқибати ўлим ёки бошқа оғир оқибатлар билан боғлиқ бўлган жиноятларни киритиш таклиф этилади. Бунинг натижасида унча оғир бўлмаган жиноятларнинг кўп бўлмаган, яъни фақат оқибати ўлим ва бошқа оғир оқибатлар билан боғлиқ қисми оғир жиноятлар сирасига киради. Шунингдек, мазкур амалиёт жиноят содир этилиши натижасида жиддий зиён кўрган жабрланувчи ёки унинг яқинларига (ўлим ёки бошқа оғир оқибат келиб чиққан ҳолларда) ўз йўқотишлари учун аввалги тартибдан кўра жиддийроқ компенсация саналади.

**Эй, ёр! Биз ишқ узумининг шингиллари эдик-ку! Бошқа шишаларга шароб бўлибмиз, бошқа хаёлларда хароб бўлибмиз.**

**Жалолиддин  
РУМИЙ**



Лола  
РАХИМҚУЛОВА,  
ТДЮУ ўқитувчиси

## МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТУВЧИ СУДЛАР ИХТИСОСЛАШУВИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Жамиятимизда умумий юрисдикция судлари негизда ихтисослашган судларни ташкил этиш борасида фикр юритишдан олдин ихтисослашган судлар тушунчасига таъриф бериб ўтиш лозим. Чунки, амалдаги қонун ҳужжатларида ихтисослашган судлар тушунчасига нисбатан ягона таъриф шакллантирилмаган. Бу эса ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, А.Абсаломов ва В.Ярковлар Конституциявий судни ихтисослашган судлар тоифасига киритса, В.Ершов ва Р.Каллистратовалар арбитраж судларини ихтисослашган судлар қаторига киритади.*

Г.Д.Аверчеконинг шу мавзуда ёзган илмий ишида эса, ихтисослашган суд ўз фаолиятида суд ҳокимиятини амалга оширувчи ва муайян тоифадаги ишларни кўриб чиқиш учун қоида тариқасида мутлақ ваколатга эга бўлган давлат органи сифатида таърифланади.

Бу борада, Д.М. Замышляевнинг фикри бироз ўзгача эканлигини кузатиш мумкин. Унинг фикрича, амалиётда суд процесси бир неча юрисдикцияларга бўлиниши мумкин. Юрисдикциялар эса ўз навбатида ихтисослашувни назарда тутаяди. Мисол учун, маъмурий, фуқаролик, жиноят каби. Шу боис, “ихтисослашган юрисдикция” атамасини қўллаш шарт эмас. Унинг фикрича, умумий юрисдикция судлари тушунчаси ҳам шартли номланиш ҳисобланиб, у барча суд жараёни турларининг рамзий йиғиндиси ҳисобланади.

М.Мамасиддиқов эса, ихтисослашган судлар деганда ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти ва субъекти борасида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган суд ҳокимиятининг ваколатли давлат органини тушуниш лозим эканлигини таъкидлаб ўтади.

Бизнинг назаримизда, ихтисослашган судлар бу – умумий юрисдикция судларининг махсус тармоғи бўлиб, маълум бир йўналишдаги ҳуқуқий низоларни кўриб чиқадиган ва ҳал этадиган ваколатли давлат органидир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, судларни ихтисослаштиришни қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий воситаси сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, ихтисослашган судлар ҳуқуқий низоларни ўз вақтида, сифатли кўриш ва ҳал этиш, одил судловнинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Халқаро тажрибани қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш мамлакатимизда ихтисослашган судлар фаолиятини ривожлантириш учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Хусусан, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 2-моддасида ҳам фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазифаларидан бири сифатида фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижти-

мой ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг эътироф этилиши бежиз эмас. Бу борада фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қилиш, мавжуд низоли ишни самарали ва қисқа муддат ичида кўриб ҳал этиш суд ишларини юритишни соддалаштиришга бевосита боғлиқдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, аксарият ривожланган давлатларда меҳнат низоларини кўриб ҳал этишга оид қонунчилик тизими иккига бўлинади: умумий юрисдикция судлари ва меҳнат низоларни кўриб ҳал этишга ихтисослашган судлар. Умумий юрисдикция судлари ўз фаолиятида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар билан бир вақтда жиноят ва маъмурий муносабатларга доир ишларни ҳам кўриб чиқса-да, бироқ меҳнат муносабатларида ихтисослашган судьялар таркибини тузишни рад этмайди. Яъни, меҳнат низоларини кўриб ҳал этишга ихтисослашган судьялар таркиби шакллантирилади.

Европа мамлакатларида ихтисослашган меҳнат юстицияси меҳнат судлари сифатида ташкил этилган. Мазкур судларда меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоли ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш вазифаси юклатилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Аҳамиятли жиҳатларидан бири шунда-ки, давлат меҳнат судларида меҳнатга оид низоларини ҳуқуқий тартибга солиш орқали бозор иқтисодиёти ривожига кўмаклашади ва рағбатлантиради.

Ихтисослашган меҳнат судлари Германия, Дания, Финландия, Франция, Буюк Британия, Австрия, Буюк Британия, Белгия, Люксембург, Испания, Португалия, Швейцария, Швеция, Норвегия, Канада (Квеберг штатида), Янги Зеландия ва Исроил каби ўнлаб давлатларда мавжуд эканлигини кузатиш мумкин.

Эътиборли жиҳати, баъзи давлатларда, хусусан Италияда меҳнат судларини ташкил этиш конституция даражасида тақиқланган. Шунга қарамасдан Италияда умумий юрисдикция судлари тизими ичида меҳнат низоларини кўриб ҳал этишга ихтисослашган махсус коллегия ташкил этилиши мумкин.

Шунингдек, Меҳнат судлари меҳнат қонунчилигини ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш, мустаҳкамлаш, ички мувофиқликка эришиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётидаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш ва уни тақомиллаштиришда муҳим ўрин тутаяди. Кўпгина мамлакатларда меҳнат судларининг қарорлари меҳнат ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда Меҳнат судлари турли сабабларга кўра жорий этилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Мисол учун, 1970 йилда Белгия суд тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, барча ижтимоий-меҳнат муносабатларидан келиб чиқувчи низолар меҳнат трибуналлари ва меҳнат судлари ваколатига ўтказилди. Меҳнат низоларини ҳал этишда махсус билим ва малакага эга бўлган судьяларни жалб этиш орқали меҳнат судлари мустақиллиги таъминланди.

Финляндияда мустақил тартибда фаолият юритадиган меҳнат судларини таркиб топишига умумий юрисдикция судлари жуда ҳам секин ишлаши, ҳамда умумий юрисдикция судларининг жамоа шартномаларидан келиб чиқувчи низоларни ҳал этишда зарурий тажрибага эга эмаслиги каби омиллар сабаб бўлди. Бу давлат юрисдикциясида махсус таркибда ташкил этилган меҳнат судлари ишчилар вакилликнинг (ташкilotлари) ишончини осонгина қозона олишди.

Францияда эса меҳнат низоларига оид тафсилотларини эшитувчи судьянинг касбий фаолиятида меҳнат муаммоларини яхши тушуна олиш қобилияти ва меҳнат низолари предмети ни чуқур англаб етиш хислати мавжуд бўлиши лозимлигини даъвогарлар томонидан талаб этилиши ва бу каби судьяларга бўлган хоҳишнинг ошиб кетиши сабаб бўлди.

Халқаро Меҳнат ташкилоти томонидан берилган маълумотларга кўра, меҳнат низоларига ихтисослашган махсус судлар умумий юрисдикция судларига қараганда молиявий жиҳатдан анча арзондир. Мисол учун, Германияда меҳнат судлари учун тўлов олдиндан талаб этилмайди. Низолашаётган тарафлар биринчи инстанция давомида тўловни амалга ошириши лозим бўлади. Америка Қўшма Штатларида эса меҳнат меҳнат муносабатлари департаменти умумий юрисдикциявий судларга қараганда анча арзондир. Швецияда меҳнат судларида низони кўриб ҳал этиш тарафлар барча харажатлардан озод этилган.

Европа меҳнат судларининг баъзилари ўз фаолиятида низолашаётган тарафларнинг манфаатлари тўқнашувига боғлиқ низоларни (иқтисодий тусга эга низолар) ҳал этишга кўпроқ эътибор қаратишса, баъзилари эса, тарафларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ низоларни (ҳуқуқий тусга эга) кўриб ҳал этишга урғу беришади.

Европа Меҳнат судлари таркибий тузилишига кўра бир-биридан қисман фарқ қилади. Аммо,

барча давлатлар меҳнат судлари таркибда бир ёки иккита профессионал судья мавжуд.

Франция меҳнат судлари XIX асрдаёқ ташкил этилган. Мазкур давлатда меҳнат судларининг бошқа давлатлардан асосий фарқи унда низо ҳар беш йилда бир мартаба тайинланадиган икки нафар судья иштирокида кўриб чиқилади. Судья юрист бўлиши талаб этилмайди. Шунга қарамасдан унинг маслаҳатчисидан махсус юридик билим талаб этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, замонавий Германия Федератив Республикасида суд тизимининг классик модели амал қилади. Бу мамлакатда судларнинг ихтисослашуви изчил амалга оширилган. Ҳозирги вақтда Германияда умумий, маъмурий, меҳнат, молиявий ва ижтимоий судлардан иборат бешта мустақил суд тизими мавжуд. Эътиборли жиҳатларидан бири, ҳар бир ихтисослашган суд тизими ўзининг олий судига ҳам эга.

Юқоридаги илмий-назарий таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, кейинги ўн йилликлар ичида Ўзбекистон суд тизимида ҳам меҳнат низоларини кўриб самарали ҳал этувчи меҳнат судлари ташкил этилишини истисно қилиб бўлмайди. Негаки, Бош прокуратурага келиб тушган меҳнат қонунчилигининг бузилиши юзасидан ходимлар, шу билан бирга иш берувчилар томонидан қилинган мурожаатлар сони 2018 йилда 89.469 та, 2019 йилда 88.535 та ҳамда 2020 йилда 64.365 тани ташкил этган.

Бироқ, республика кесимида фуқаролик судлари томонидан меҳнат низосига доир кўрилган ишлар юзасидан берилган статистик маълумотда мазкур турдаги низолар судлар томонидан сезиларли даражада оз миқдорда кўриб чиқилганлигини пайқаш мумкин. Демак, 2018 йил республика бўйлаб жами кўрилган меҳнат низоси 4785 тани, (мазкур низоларнинг энг кўп тури: ишга тиклаш билан боғлиқ низолар – 1875 тани, иш ҳақини ундириш билан боғлиқ низолар – 1903 тани ташкил этган) 2019 йил жами 4233 та меҳнат низоси кўриб чиқилган. (ишга тиклаш билан боғлиқ низолар-1964 тани, иш ҳақини ундиришга доир низолар-1279 тани ташкил этган) 2020 йилнинг 9 ойида 1605 та меҳнат низоси кўриб ҳал этилган. Мазкур статистик маълумотлардан англаб етиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий жиҳатдан жадаллик билан ривожланишда давом этаётган Ўзбекистон учун меҳнат муносабатларида келишмовчиликлар ва низолар сони кўпайиб боришини табиий ва ўсиб бориши муқаррар бўлган жараён деб қабул қилишимиз лозим. Бизнинг назаримизда, меҳнат муносабатларида низонинг келиб чиқишини олдини олиш ёки унинг сабабларини излаб топиш эмас, балки унга низолашаётган томонларнинг ҳар иккиси учун ҳам мақбул ва самарали, шунингдек қисқа муддатли ечим топиш чора-тадбирларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.



**Жаҳонгир  
ЮЛДАШЕВ,**  
Олий суд Аппа-  
рати раҳбари  
ю.ф.н., доц.

## ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИДА БИТИМЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ОҚИБАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ



**Абдуботир  
АБДУЛЛАЕВ,**  
Тошкент  
давлат юридик  
университети  
магистранти

*Битимни ҳақиқий эмас деб топилши ёки унинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги уни ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ муайян ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради. Бундай оқибатлар қонунчилигимизда ҳақиқий саналмайдиган ҳар бир битимнинг моҳияти ва ўрнидан келиб чиқиб ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 114-моддасига биноан ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.*

Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Битимни ҳақиқий эмас деб топил оқибатларини қўллашнинг умумий ва махсус турлари мавжуд. Битимни ҳақиқий эмаслигининг умумий оқибатларини ФКнинг 114-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ икки томонлама реституция, яъни, тарафларни улар битим тузишдан олдинги ҳолатга келтириш ташкил қилади.

Ҳақиқий бўлмаган битим тарафларини улар битим тузишдан олдинги ҳолатга келтириш учун қонун тарафларнинг ҳар бири учун бошқа тарафга битим бўйича олинган ҳамма нарсани қайтариш мажбуриятини юклайди. Агар олинган нарсаларни асл ҳолида қайтариш мумкин бўлмаса, қийматни пул билан қоплаш лозим. Олинган нарсани асл ҳолида қайтариш мумкин бўлмаган ҳолларда (мулкдан фойдаланиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) қоплаш миқдори мажбуриятда юзага келган мулкдан фойдаланиш, ўхшаш ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мумкин.

Мулкни асл ҳолида қайтаришда унинг ҳолати ҳисобга олиниши лозим. Агар мулк шикастланган бўлса, нормал амортизация ҳисобга олинган ҳолда унинг ёмонлашиши қопланиши лозим. Агар мулкдан фойдаланган шахс мулкка унинг қиймати ошишига олиб келувчи ўзгартиришлар киритган бўлса, тегишли сумма мулк қайтарилаётган тараф томонидан берилиши лозим.

Д.О.Тузовнинг фикрича, реституцияга оид ҳуқуқий муносабатлар ўзида бир томонлама кўриқлаш мажбуриятини ифодалайди ва улар доирасида виндикациявий, поссессор, кондикциявий даъволар, шунингдек зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар амалга оширилади.

Ҳақиқий бўлмаган битим бўйича топширилган индивидуал-белгиланган ашёларни ФКнинг 114-моддаси 2-қисми бўйича талаб қилиш қоидага кўра, фақат битим томонлари фойдасига агар улар ашёга нисбатан қандайдир ҳуқуқларга эга бўлса вужудга келади ва бу ҳолатда реституция виндикация билан мос келади. Агар ашёга нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқларга эга бўлмаса, у поссессор ҳимоя белгилари мавжуд бўлганда, яъни айнан ашё олувчининг эгалигига амалда традентнинг эркига қарши ўтганда (муомалага лаёқатсиз-

лар ва ёш болалар билан тузилган битимлар, зўрлик таъсири остида тузилган битимлар, шунингдек ўз ҳаракатнинг оқибатини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган шахслар томонидан тузилган битимлар) ашёни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар виндикация, поссессор ҳимоя учун шартлар бўлмаганда, реституцияни қўллаш имконияти вужудга келмайди ва ашё олувчининг эгалигида қолдирилиши лозим. Ҳақиқий бўлмаган битим томонларида бойиш мавжуд бўлмаганда компенсациявий реституция доирасида мажбурият битим бўйича олинган нарсанинг баҳосини тўлаш мажбурияти юзага келади. Бунда йўқотилган мол-мулкнинг оқибати ўзида жавобгарлик чорасини ифодалайди. ФКнинг 1025-моддаси 2-қисмига кўра, қўлга киритувчи жабрланувчининг олдида ҳар қандай, шу жумладан у орттирилган бойликнинг асоссизлигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан кейин асоссиз қўлга киритилган ёки тежаб қолинган мол-мулкнинг тасодифий етишмовчилиги ёки ёмонлашуви учун жавобгар бўлади. Бу пайтгача у қасд ва қўпол эҳтиётсизлик учунгина жавобгардир. ФКнинг 1025-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жавобгарлик шартлари мавжуд бўлмаганда тўлов мажбурияти асоссиз орттирилган бойлик сифатида баҳоланади, реституция эса кондикциявий даъво сифатида ифодаланади. Шу сабабли ФКнинг 114-моддаси 2-қисми асосида олинган нарсанинг қийматини тўлаш мажбурияти муомалага лаёқатсизлар ва деликт лаёқатига эга бўлмаган вояга етмаганларга юклатилиши мумкин эмас. Бунда уларга нисбатан талабларнинг миқдори ҳақиқий бўлмаган битимни тузиш ва ижро этиш натижасида олинган асоссиз орттирилган бойликнинг миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим.

Амалдаги қонунчиликда битимнинг қонун талаб қилган шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши белгиланган бўлсада, унинг ҳуқуқий оқибатлари назарда тутилмаган. Бу турдаги битимларга нисбатан ФКнинг 114-моддасида белгиланган қоидалар қўлланилади ва реституция асосида тарафлар бир-бирларидан олган нарсаларини қайтариб берадилар.

Ш.М.Асьяновнинг фикрича, ҳақиқий саналмайдиган битимларнинг навбатдаги тури бўлган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган битимларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳам ФКнинг 114-моддасида белгиланган. Бундай битим тарафларининг ҳар иккисидан фарзли ният бўлган бўлса — битим икки тараф томонидан ҳам бажарилган ҳолда — улар битим бўйича олган барча нарсалар Ўзбекистон Республикаси даромадида ундириб олинади, битим бир тараф томонидан бажарилган ҳолда эса иккинчи тарафдан у



олган барча нарсалар ва бунинг эвазига биринчи тарафга берилиши лозим бўлган барча нарсалар Ўзбекистон Республикаси даромадига ундириб олинади.

Бундай битимнинг фақат бир тарафиди ғаразли ният бўлган ҳолда у битим бўйича олган барча нарсалар иккинчи тарафга қайтарилиши лозим, иккинчи тараф битим бажарилиши эвазига олган ёки олиши лозим нарсалар Ўзбекистон Республикаси даромадига ундириб олинади.

Бироқ мазкур фикр ўзининг ҳуқуқий асосига эга эмас. Зеро, ФКда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслигига нисбатан ФКнинг 114-моддаси 2-қисми қоидалари қўлланилиши назарда тутилган бўлиб, мазкур нормада битим бўйича олинган нарсалар давлат даромадлари фойдасига ундирилиши хусусида қоидалар мавжуд эмас. Умуман, ФКдаги ҳақиқий саналмайдиган битимларнинг ҳуқуқий оқибатларига нисбатан белгиланган қоидаларида битим бўйича олинган нарсалар давлат даромадларига ундирилиши қоида мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Битим бўйича олинган нарсаларни давлат фойдасига ундирилиши қоида бир қатор МДХ давлатлари қонунчилигида учрайди. Масалан, Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 169-моддасига кўра, ҳуқуқ тартибот ва ахлоқ асосларига қарши тузилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Битим томонларининг иккаласида қасд мавжуд бўлган ҳамда томонлар битимни ижро этган ҳолларда улар томонидан битим бўйича олинган барча нарсалар Россия Федерацияси даромадларига ундирилади, бир томоннинг бошқа томонга битим ижро этилган ҳолларда ижро қабул қилган томон олган барча даромадлар ва биринчи томон битимдан олиши лозим бўлган барча нарсалар ҳам Россия Федерацияси даромадларига ундирилади. Бундай битимнинг фақат бир томонидан қасд бўлган ҳолларда у томонидан битим бўйича олган нарсалар иккинчи томонга қайтариб берилади, биринчи томонга тегишли бўлган нарсалар эса Россия Федерацияси даромадларига ундирилади.

Қозоғистон Республикаси Гражданлик кодексининг 157-моддаси 4 қисмига кўра, агар битим жиноят мақсадларига эришишга қаратилган бўлса, иккала томонда ҳам қасд бўлган ҳолларда, битим бўйича улар томонидан олинган ёки олиши кутилаётган нарсалар суднинг қарори ёки ҳукми бўйича мусодара қилинади. Бундай битим биринчи томонидан иккинчи томонга ижро этилган ҳолларда у томондан олинган барча нарсалар ва биринчи томонга тегиши керак бўлган даромад мусодара қилинади. Агар бундай битимни томонларнинг иккаласи ҳам ижро этишга киришмаган бўлса, битим бўйича ижро этилиши назарда тутилган барча нарсалар мусодара этилади.

Украина Республикаси Гражданлик кодексининг 228-моддаси 3-қисмига биноан, битим давлат ва жамият манфаатлари, унинг ахлоқий тамойилларига мувофиқлиги талабига риоя этилмасдан тузилган ҳолларда бундай битим ҳақиқий эмас деб топилши мумкин. Агар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган битим давлат ва жамият манфаатларига қарши бўлиш мақсадини кўзлаб тузилган ва бунда иккала томоннинг хатти-ҳаракатида қасд мавжуд бўлса иккала томон битимни ижро этган ҳолларда суд қарорига кўра давлат даромадига улар томонидан олинган барча нарсалар ундирилади, бир томоннинг бошқа томонга битим ижро этилган ҳолларда ижро қабул қилган томон олган барча даромадлар ва биринчи томон битимдан олиши лозим бўлган барча нарсалар ҳам давлат даромадларига ундирилади. Бундай битимнинг фақат бир томонидан қасд бўлган ҳолларда у томонидан битим бўйича олган нарсалар иккинчи томонга қайтариб берилади, биринчи томонга тегишли бўлган нарсалар эса давлат даромадларига ундирилади.

Кўриниб турибдики, битим қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганда, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилганда битим томонлари олган барча нарсалар давлат даромадига ундирилиши қоида битимлар тузиш борасидаги қонунийликни таъминлашда ҳамда қонун устуворлигига эришишда алоҳида ўрин тутади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахслар томонидан тузилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари 117-моддаси 2-қисмида белгиланган бўлиб, унга кўра, бундай битимдаги тарафларнинг ҳар бири битим бўйича олган ҳамма нарса-ни иккинчи тарафга қайтариб бериши, олинган нарса-ни асл ҳолида қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса — унинг қийматини пул билан тўлаши шарт. Бундан ташқари, муомалага лаёқатли тараф, агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёқатсизлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, иккинчи тарафга у кўрган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Муомалага лаёқатсиз фуқаро томонидан тузилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари ҳам 14 ёшга тўлмаган болалар тузган битимлар ҳақиқий эмаслиги оқибатларига ўхшайди. Мазкур ҳолатда ҳам реституция қўлланилади ва битим томонлари олган нарсалар эгаларига қайтарилади. Шу сабабли ФКнинг 119-моддасида бундай битимларнинг ҳуқуқий оқибатлари 14 ёшга тўлмаган шахслар билан тузилган битимларнинг ҳуқуқий оқибатлари қўлланилишини назарда тутди. Бу ҳолатда ҳам бир томон иккинчи томоннинг муомалага лаёқатлигини билган ва билиши лозим бўлган бўлса, битим бўйича олган нарса-сини қайтариб бериш билан бирга, етказилган зарарларни ҳам қоплаши лозим бўлади.

Қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимнинг ҳуқуқий оқибатлари ФКнинг 124-моддасида назарда тутилган. Қалбаки битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. У ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни туғдирмайди. Тарафлар ушбу битимни ижро этиш ниятида эмас, бироқ у бажарилаётгани тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун айрим ҳаракатларни: мол-мулкни бошқага бериш, зарур ҳужжатларни тузиш ва ҳ.к.ни амалга оширадилар.

Ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайдиган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари сифатида амалдаги қонунчилик фақат реституцияни назарда тутди ва ҳақиқий эмас деб топилган битим тарафлари бир-бирларига битим тузилаётганда олинган нарсаларни қайтариб бериш йўли билан ҳуқуқий муносабатга яқун яшашади.

Шу ўринда қонунларни бир хилда ва тўғри қўллаш учун фуқаролик қонунчилигида битимни ҳақиқий эмас деб топилган асосларига оид нормаларда унинг ҳуқуқий оқибатини, яъни бир томонлама реституцияни қўллаш масаласига ойдинлик киритилиши ва тегишли норма қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ. I жилд. – Тошкент: Vektor-Press, 2010. – Б. 340-341;
4. Тузов Д.О. Общие учения теории недействительных сделок и проблемы их восприятия в российской доктрине, законодательстве и судебной практике: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Томск: 2006. – 14 с.;
5. Раҳмонкулов Ҳ. Битимлар. – Тошкент: ТДҲО, 2010. – 81 б.;
6. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. – Тошкент: ТДҲО, 2009. – 367 б.;
7. Скловский К.И. Некоторые проблемы реституции;
8. Комментарий к гражданскому кодексу Российской Федерации. Под редакцией доктора юридических наук, профессора С.А. Степанова, 5-е издание.



**Раъно  
ДАВРОНОВА,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

## МЕРОС ҚОЛДИРУВЧИ ВА МЕРОСХЎРЛАР – ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДА

**Мерос тушунчаси доктринал тус касб этади, чунки бир қатор мамлакатлар қонунчилигида, шу жумладан миллий қонунчиликда ҳам унга синоним бўлган “мерос” тушунчаси қўлланилади. Бироқ қонун чиқарувчи кўрсатиб ўтилган тушунчани ифодалашда бошқа атамалар, хусусан: “мерос мол-мулки” (ФКнинг 1157-моддаси), “мол-мулк” (ФКнинг 1114, 1120-моддалари), “мерос таркибига кирадиган мол-мулк” (ФКнинг 1153-моддаси)дан фойдаланишини ҳам ҳисобга олиш лозим.**

Бунда атамашуносликдаги “хилма-хиллик”да уларнинг бир-биридан аниқ фарқларини белгилаш ва тадқиқ этилаётган институтининг тушунчавий апаратини аниқлаб олиш лозимки, шу сабабли цивилистикадаги алоҳида категория сифатида мерос ҳажмининг ҳуқуқий моҳияти ва мазмунини аниқлашга эътибор қаратамиз.

Хусусан, А.П.Сергеев ва Ю.К.Толстойлар томонидан нисбатан умумий таъриф берилади ва уларнинг фикрича “мерос деганда, мерос қолдирувчининг вафотидан кейин унинг меросхўрларига ҳуқуқий ворислик тартибида ўтадиган нарсалар тушунилади”.

Тадқиқ этилаётган институт Э.Б.Эйдинова томонидан кенгроқ ёритилади: “мерос ҳажми – мерос қолдирувчига қонуний асосларга кўра тегишли бўлган ва унинг вафотидан кейин ворислик ҳуқуқи асосида меросхўрларга ўтадиган мерос қолдирувчининг мулкӣ ва айрим шахсий номулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятларидир”.

Н.С.Кириллова мерос активлар ва пассивлардан иборат бўлади, деган хулосага келади. “Актив – меросхўр “тоза кўринишда”, яъни қандайдир чеклашлардан холи ҳолда оладиган мерос очилиши вақтида мерос қолдирувчига тегишли бўлган мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар йиғиндиси; Пассив – мерос қолдирувчининг қарзлари. Мероснинг чеклашлари сифатида муаллиф васият мажбуриятидаги мажбурият ва мерос тартибида ўтган мол-мулкдан солиқ тўловлари, мерос қолдирувчининг вафотидан олдинги касаллигида қилган харажатлар, унинг дафн этилиши харажатларини киритади”.

Дарҳақиқат, мерос нафақат актив (ҳуқуқ)лардан, балки пассив элемент (мажбурият)лардан ҳам, бошқача айтганда, қарзлардан ташкил топади. Илгари цивилистикада қарзлар, айрим муаллифларнинг фикрича, мерос ҳажми таркибига кирмаган (В.И.Серебровский).

Мерос таркибига фақат мерос қолдирувчи ҳаётлигида унга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар кириши мумкин. Агар ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос қолдирувчи вафотидан кейин юзага келса, бу ҳолда ҳуқуқий ворислик ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Бинобарин бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар меросхўрда

вужудга келади, аксинча ворислик бўйича ўтмайди. Бошқача айтганда, бу ўринда мерос қолдирувчининг вафотидан ташқари, қонунда белгиланган бошқа юридик фактлар ҳам мавжуд бўлиши лозим.

ФКнинг 1118-моддасига кўра, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Қонун бўйича ёки васият бўйича ворис мерос очилганидан кейин вафот этса ва уни олти ойлик муддат ичида қабул қилишга улгурмаса, унинг улушини қабул қилиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича ёки васият бўйича, агар у мавжуд бўлса, ворисларига ўтади. Ворисликнинг бундай тартибини қонун ворисликнинг ўтиши деб атайди (ФКнинг 1140-1-моддаси). Ворислар ворисликнинг ўтиши тартибида меросни вориснинг ўлимидан кейин қолган меросни қабул қилиш учун муддат қисми мобайнида қабул қилиб олишлари керак. Масалан, К. олис Шимолда узоқ муддат хизмат сафарига бўлди. 5 декабрда у уйга қайтиб келди ва 1 мартда бобоси вафот этиб, унинг мол-мулкига қонун бўйича отаси ворис бўлганлигини билди. Бироқ, меросга эгалikka киришмаган К.нинг отаси ҳам 12 июлда вафот этди ва бутун мол-мулкни ўғлига васият қилиб қолдирди. Отадан қолган меросга ворис бўлиш муддати К. учун 12 октябрда тугаган, бироқ узоқ муддатли хизмат сафарини суд уч ойлик муддат ўтказиб юборилишида узрли сабаб деб топганлиги боис К.нинг ворисликка киришиш муддати узайтирилди.

Агар ворис амалда меросни қабул қилган, бироқ ўз ҳуқуқларини нотариусда расмийлаштирмасдан вафот этган бўлса, ворисликнинг ўтиши юз бермайди, унинг ворислари эса умумий асосда ворис бўладилар. Яъни мол-мулк собиқ мерос қолдирувчига эмас, балки унинг ўзига тегишли деб ҳисобланади.

Тақдим этиш тартибидаги ворислар ва воришликнинг ўтиши тартибидаги ворислар вафот этган ворисга тегишли бўлган улушгагина ворис бўла оладилар. Мазкур ворислар вафот этган вориснинг мажбурий улушига ворис бўлмайдилар.

Агар фуқарода ворис меросдан воз кечган тақдирда ёки номуносиб ворис меросдан четлатилган тақдирда ворислик ҳуқуқи юзага келса, бундай фуқаролар уларда ворислик ҳуқуқи юзага келган кундан бошлаб 6 ой мобайнида меросни қабул қилишлари мумкин.

Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Меросни қабул қилиб олиш меросхўрнинг илтимосига кўра унга мерос очилиши жойидаги нотариус томонидан бериладиган ворислик тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан 6 ой ўтгандан кейин берилади. Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида" қарорида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома, ворислик васият ёки қонун бўйича эканлигидан қатъи назар, мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан сўнг мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиши, ФК 1146-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснолиги, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш меросхўрнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи бўлганлиги сабабли, қонунда меросхўр бундай гувоҳнома бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши шарт бўлган муддат белгиланмаганлиги судларга тушунтириш сифатида қайд этилган.

Нотариуснинг меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад этиши устидан меросхўр томонидан судга шикоят берилиши мумкин бўлиб, у Фуқаролик процессуал кодексининг 28-боби қоидаларига биноан кўриб чиқилади.

Агар нотариус томонидан рад этилиши бошқа шахсга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги ёки мерос мулки ФК 1157-моддасига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки давлатга ўтказилганлиги билан боғлиқ бўлса, ариза даъво иши юритиш тартибида кўрилади.»

Шу тариқа, меросни қабул қилиш учун муддат Ўзбекистон қонун ҳужжатлари билан белгиланмаган. Яъни, ворис исталган вақтда нотариусга унга ворислик тўғри-

сидаги гувоҳнома бериш талаби билан, агар у шундай ҳуқуққа эга бўлса, мурожаат қилиши мумкин.

Дарвоқе, бошқа кўпгина мамлакатларда қонунчилик меросни қабул қилиш учун муддатни назарда тутди. Чунончи, масалан, Россия Федерациясининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай муддат 6 ой деб белгиланган. Агар, ворис нотариусга ушбу муддат мобайнида мурожаат қилмаса, у ворислик ҳуқуқини йўқотади, бундан муддатни суд узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топганлиги мустаснодир.

Меросни олиш (қонун бўйича ёки васият бўйича) учун ворис уни қабул қилиши, яъни ворислик мол-мулки мерос қолдирувчидан унга ўтиши тўғрисидаги хоҳиш-иродаси ва меросни олишга доир ўз ниятини изҳор этиши керак. Бунда ворис мерос қолдирувчига ҳаётлигида тегишли бўлган мулкый ҳуқуқлар ва мажбуриятларда унинг ўрнини босади. Шунинг таъкидлаш лозимки, кишини меросни қабул қилиб олишга мажбурлаб бўлмайди, вориснинг ўзи уни қабул қилиш ёки рад этишга бўлган ўз хоҳиш-иродасини изҳор этиши керак.

Масалан, ворис бошқа шахарда бўлиб, 6 ой мобайнида келиш ва меросни қабул қилиш тўғрисидаги аризани шахсан топшириш имкониятига эга эмас. Бу ҳолда у ўзи турган шахардаги нотариусда бундай аризага имзони тасдиқлатиши ва уни почта орқали мерос очилган шахардаги нотариал идорага юбориши мумкин.

Агар ворис мероснинг бир қисмини қабул қилиб олса, бу ҳол у ўзига тегишли бўлган барча меросни, у қанча бўлиши ва қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, қабул қилганлигини англайди.

Қонун меросни қандайдир шартлар ёки таъкидлашлар билан қабул қилиб олишга йўл қўймайди, масалан, ворисда қабул қилаётган мерос учун солиқ тўлашга пул бўлгандагина меросни қабул қилиб олиш мумкин эмас. Агар меросни қабул қилиб олиш тўғрисидаги аризада бирор-бир шартлар ёки таъкидлашлар мавжуд бўлса, у ҳақиқий эмас (ўз-ўзидан ҳақиқий эмас) деб баҳоланади. Шу сабабли уни тақдим этиш меросни олишга олиб келмайди, ушбу аризага асосан берилган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома эса кучга эга бўлмайди.

Агар, ворислар бир нечта бўлса, уларнинг ҳар бири мероснинг ўзига тегишли улушини қабул қилганлиги тўғрисида эълон қилиши керак. Агар уни бир ворис қабул қилган бўлса, бу нарса бошқа ворислар томонидан мерос ўз-ўзидан қабул қилиб олинишига олиб келмайди.

Ворис меросни ҳақиқатда қабул қилиб олганлигидан далолат берувчи, хусусан, қуйидаги ҳаракатлар содир этганлиги эътироф этилади:

- ворислик мол-мулкка эгалик қилиш ёки уни бошқаришга киришиш (масалан, мерос қолдирувчининг квартирасида амалда яшаганлик);

- ворислик мол-мулкни бут сақлаш, уни бошқа шахсларнинг тажовузолари ёки даъволаридан ҳимоя қилиш чораларини кўриш (масалан, мерос қолдирувчининг автомашинасига сигнализация ўрнатиш);

- ворислик мол-мулкини сақлаш харажатларини ўз ҳисобидан амалга ошириш (масалан, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш);

- мерос қолдирувчининг қарзларини ўз ҳисобидан тўлаш ёки учинчи шахслардан мерос қолдирувчига тегишли пул маблағларининг олиниши (масалан, мерос қолдирувчига ҳаётлигида тўланмаган иш ҳақининг).

Бундай ҳаракатларнинг рўйхати мерос қабул қилиб олинганлигини тасдиқлайдиган ҳар қандай бошқа амалдаги қонуний ҳаракатлар билан тўлдирилиши мумкин.

Яна бир мисол. Д. унга қўшниси Л. васият қилиб қолдирган квартирага ворис бўлди. Л.нинг қизи нотариусга меросни қабул қилиб олиш тўғрисида ариза бериб ўтирмади. Чунки, қўшни васиятнома унинг фойдасига қилинганлигини билдирди. Маъракада Л.нинг қизи онасидан хотира сифатида унинг квартирасидан ёстиқ олди. Л.нинг вафотидан кейин бир ярим йил ўтгач, қўшни Д. фойдасига қилинган васиятнинг ҳақиқийлиги хусусида шубҳа уйғонди ва Л.нинг қизи судга васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди. Суд васиятномининг ҳақиқий эмаслигини белгилади ва меросни қабул қилиб олиш учун муддатнинг ўтиб кетганлигига қарамай, ҳақиқатда бутун меросни, шу жумладан квартирани ҳам қабул қилиб олган Л.нинг қизини (чунки у мерос таркибидан аниқ ашё - ёстиқни қабул қилиб олган эди) ворис деб эътироф этди.

Қонунда назарда тутилган, меросни амалдаги ҳаракатлар билан қабул қилиш усули кейинчалик вориснинг нотариусга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш юзасидан ариза билан мурожаат қилишини истисно этмайди. Ворисда меросни қабул қилишда нотариус учун етарли исбот-далиллар бўлмаганда меросни қабул қилиш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган далиллар суд тартибида белгиланиши мумкин.

Агар ҳақиқатда меросни қабул қилиб олган ворис унга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани расмийлаштирмаган бўлса, бу ҳол унинг бундай ҳуқуқдан маҳрум этилишини билдирмайди. “Очиқ улуш” (ворис мерос қолдирувчи билан унинг вафот этишигача бирга яшаган ва ворислик ҳуқуқларини расмийлаштирмаган ҳолат) ворис ёки ворислар унинг вафотидан кейин меросга оид ҳуқуқни расмийлаштиришга қарор қилишларига қадар мавжуд бўлиши мумкин. Меросни расмийлаштиришнинг вақт доираларини мазкур ҳолларда қонун чиқарувчи белгиламаган.

Мерос мулки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, давлатга ёки бирор-бир шахснинг эгаллигига ўтказилганлиги учун меросхўрларга нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш рад этилса, меросхўр судга шикоят қилишга ҳақли. ЎзР ФКнинг 1146-моддасига асосан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгач берилади. Ушбу ўринда айтиш жоизки айрим давлатларда меросни

қабул қилиш бўйича турлича муддат белгиланган. Жумладан, Украина ФК 1268- моддасига асосан, қонун бўйича меросни қабул қилиб олиш учун олти ой муддат белгиланган бўлса, Германияда меросни қабул қилиш учун олти ҳафта, Италияда ўн йил, Польшада олти ой, Чехияда бир ой ва Францияда ўттиз йил муддат ичида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани олиш учун нотариусга мурожаат этиши мумкин. ЎзР ФКнинг 1147-моддасида меросдан воз кечиш ҳуқуқи кўрсатилган бўлиб, бунга асосан, меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли. Қонуннинг ушбу моддаси амалиётда қўлланилгач, ижобий натижа бермади. Бу ҳолатни мисол билан таҳлил қиладиган бўлсак, шахс вафот этгач, унинг ворислари ичидан бирортаси мерос олишни истамаса, олти ой муддат ичида нотариал идорага, меросдан ўзига тегишли улушини олишдан воз кечганлиги ҳақида ариза бериши лозим. Олти ой ўтгач нотариус ушбу мазмундаги аризани қабул қилиши қонунга зид бўлиб ҳисобланади. Бизнинг одатларимизга кўра ҳовли-жой ота-она вафотидан сўнг, кўпинча кичик ўғилга қолади. Бунинг учун бошқа меросхўрлар ўз улушини олмаслик ҳақида олти ой ичида нотариусга ариза бериши керак. Миллий урф-одатимиздан келиб чиқиб, мерос ҳақида марҳумнинг йилини ўтказиб нотариусга мурожаат этилади. Бундай ҳолларда барча меросхўрлар мазкур нормадан келиб чиқиб, амалиётда аввал меросни қабул қилиб олиб, сўнг улушини бир меросхўр(укаси)га ҳада шартномаси асосида ўтказиб бермоқдалар. Ушбу ҳолатда фуқаролар идорама-идора юриб, мерос ишига алоҳида ҳужжат, ҳада учун алоҳида ҳужжат тўплаб, сарсон бўлмоқдалар. Фикримизча, ЎзР ФКнинг 1147- моддасидаги “меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб, деган жумладан сўнг олти ой муддат жумлани “бир йил муддат ичида” тарзида ўзгартириб, меросдан воз кечишга ҳақли деб ўзгартириш лозим. Бу ўзгартириш фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишга қаратилган омиллардан бўлади, деб ҳисоблаймиз. Таъкидлаш жоизки, Францияда меросдан воз кечиш ҳуқуқини амалга ошириш учун ўттиз йил муддат белгиланган. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига кўра ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин. Агарда мерос қолган мулкка суд ёки тергов идоралари томонидан тақиқ солинган бўлса, мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш тақиқ олиб ташлангунча тўхтатиб турилади. Агар мерос мулки уй-жой ва бошқа кўчмас мулкдан иборат бўлса мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани шу уй-жой жойлашган ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, автотранспорт воситаси бўлса йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида рўйхатга олиниши кераклигини нотариус ворисларга тушунтиради ва бу ҳақда гувоҳномага ёзиб қўя-

ди. Давлат нотариуси вояга етмаган меросхўрларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги ҳақида турар жойи бўйича уларнинг мулкӣ манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида васийлик ва ҳомийлик идорасига хабар қилиб, бу ҳақда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини юборади.

Юридик адабиётларда оталикни тан олиш ёки оталик фактлари белгиланиши, у қайси шаклда амалга оширилганлигидан қатъий назар, ота-она ҳамда бола ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келишига асос бўлиши таъкидланади.

Амалиётда мазкур тоифадаги ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган бола вафотидан сўнг унга нисбатан оталикни белгилаш юзасидан низоли ҳолатлар учраб туради. Асосан бундай ҳолларда судга мурожаат қилувчилар ўртасида даъво ёки алоҳида иш юритиш тартибидида иш қўзғатиш тўғрисида мунозара қилинади. Лекин қонунчилигимизда вафот этган шахс (фарзанд)га нисбатан оталикнинг белгиланиши ҳақида ҳеч қандай кўрсатма мавжуд эмас. Бундай ҳолларда вафот этган шахсдан қолган меросга эга бўлиш мақсади ота-она ёки бошқа манфаатдор шахсларни судга мурожаат қилишига олиб келади ва натижада иш бўйича манфаатдор шахслар ўртасида турли хил низолар юзага келишига сабаб бўлади. Бундай низоли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Оила кодексининг 62-моддасига 5-қисм сифатида “ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган боланинг вафотидан сўнг унга нисбатан оталикни белгилашга йўл қўйилмайди”, деган жумла киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 45- ва 46-моддалари, унинг 23 моддасидаги нотариусларнинг ваколатларидан келиб чиқиб васиятномаларни тасдиқлаш, ўзгартириш ҳамда бекор қилишнинг умумий қоидаларини белгилайди. Аммо, қонун нормаларида Фуқаролик кодексининг 1125-моддаси 4-5-бандларида назарда тутилган махфий васиятнома ва уни тасдиқлашнинг тартиб таомилларидан ташқари, махфий васиятнома тушунчасининг ўзи ҳам мавжуд эмас. Тадқиқотчи бу борада нотариусларнинг ўз фаолиятида мамлакат Конституциясидан бошлаб барча амалдаги қонунлар асосида фаолият олиб боришини инкор қилмаса-да, нотариал фаолиятга бевосита алоқадор бўлган ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий ечими, айнан соҳани тартибга солувчи махсус қонуннинг нормаларида ўзининг аниқ ифодасини топиши лозимлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, қонун нафақат бугунги кунда жамиятда юз бераётган ижтимоий муносабатларни, балки келгусида содир бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам оқилона ҳуқуқий ечимларини белгилаб беришга қодир бўлишини таъкидлайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, шунингдек Фуқаролик кодексининг 1125-моддаси 4-5-бандларида белгиланган махфий васиятномага оид бўл-



ган принципал талабларни янада такомиллаштириш мақсадида тадқиқотчи “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-бобида куйидаги 461-моддасини киритиш ва уни “Махфий васиятнома ва уни тасдиқлаш”, – деб номлаш таклифини беради ҳамда уни куйидаги шаклда таҳрир қилишни таклиф этади: 461-модда. **Махфий васиятнома ва уни тасдиқлаш**

Махфий васиятнома нотариус мазмуни билан танишиб чиқмасдан тасдиқланган васиятномадир.

Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик хавфи остида ўз кўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланиши лозим, гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий турар жойларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди. Нотариус васият қилувчига махфий васиятноманинг қабул қилинганлигини тасдиқловчи гувоҳнома беради. Махфий васиятномани шахсан ёзиш ва имзолаш имконига эга бўлмаган саводсиз, жисмоний нуқсонли бўлган шахслар, уни видео, аудио ёзувларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ҳамда хатжилдга солиб елимланган тарзда нотариусга топшириши мумкин.

Нотариус васият қилувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги маълумотни олгандан сўнг 10 кундан кечиктирмай махфий васиятномани уни нотариусга топширишда иштирок этган икки гувоҳ иштирокида очади. Хатжилд очилгани ҳамон, васиятнома матни очиқ эълон қилинади ва нотариус бу ҳақда баённома тузиб, уни гувоҳлар ҳамда ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Агар махфий васиятноманинг очилишида мажбурий улуш олувчилар ёки меросхўрлар иштирок этмаган бўлса, нотариус бундай меросхўрларни аниқлаш мақсадида яшаш ва иш жойи ўзига маълум бўлган меросхўрларга хабар юбориши шарт. Нотариус бу ўринда амалдаги Қонуннинг 49-моддаси талабларидан келиб чиқиб оммавий ахборот воситалари орқали ҳам хабар бериши мумкин.

Кўчмас мулк ворислик объектлари гуруҳи учта объектга ажратиш мумкин: ер участкаларига нисбатан ҳуқуқларга ворислик, бино ва васият қилувчи у ёки бу сабабларга кўра қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга улгурмаган қурилишга нисбатан ҳуқуқларга ворислик, шунингдек мулкӣ комплекси сифатида корхонага ворислик.



**Акбар  
НАРЗУЛЛАЕВ,**  
Тошкент шаҳар  
судининг иқтисо-  
дий ишлар бўйича  
судьяси

## ЎЗГАНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИДАН ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Фуқаролик қонунчилигида бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун моддий жавобгарлик белгиланган. Бундай жавобгарликни қўллаш асосларини таҳлил қилишда, аввало, қандай ҳолатлар ўзганинг маблағларидан фойдаланиш сифатида қаралиши мумкинлиги, унинг асосларини таҳлил қилиш зарурияти юзага келади.**



**Шоира  
ЭРМЕТОВА,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 327-моддаси 1-қисмида бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши кераклиги белгиланган.

Ушбу қоида пул мажбуриятларининг бузилиши учун жавобгарликни белгилайди. Мазкур норма фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларнинг бошқа шакллари бажармаганлик юзасидан келиб чиқадиган жавобгарликни тартибга солмайди, балки айнан пул мажбуриятларини бажармаганлик юзасидан келиб чиқадиган моддий жавобгарликка оид муносабатларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради.

Пул мажбурияти бўйича жавобгарлик учун асос бўлиб ана шу мажбуриятнинг тегишли пул маблағларини муддатда қайтармасликда ифодаланган бузилиш факти хизмат қилади. Яъни, ўзга шахснинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқиши учун шахс ўзга шахснинг пул маблағларини бирор фуқаролик-ҳуқуқий муносабат асосида қайтариши лозим бўлса-да ўз вақтида қайтармаган, ёки ўзга шаклда қўлга киритиб, маблағларни оқилона муддатда эгасига бермаган бўлиши лозим. Мазкур жавобгарликнинг келиб чиқиши учун шу каби пул маблағларини қайтармаганлик муддати муҳимдир.

Жавобгарликни белгилаш учун маблағларни қарздор томонидан ноқонуний ишлатилиши эмас, балки мана шу вазият асосий аҳамият касб этади.

Пул маблағларидан тўлов воситаси сифатида, пуллик қарзни тўлаш воситаси сифатида фойдаланилаётган бўлса, Фуқаролик кодексининг 327-моддаси қоидалари асосида тарафларнинг муносабатларига нисбатан мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик қўлланмайди.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 7-боби, 94-моддасида пул нарса (буюм)ларнинг турлари қаторида фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида келтирилган. Масалан, кредит ва бошқа шартномаларда пул шартнома предмети сифатида қаралади. Бу каби пул товар ролини ўйнайдиган муносабатларга нисбатан ўзганинг пул маблағларидан ғайриқонуний фойдаланиш учун жавобгарлик қўлланмайди. Фақатгина

пул мажбуриятларини бажармаганлик ҳолатидагина жавобгарлик қўлланилади.

Фуқаролик кодексининг нормаларида маълум бир фуқаролик муносабатларига нисбатан айнан кодекс 327-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилиши ҳам белгиланган. Масалан қарз шартномаси умумий қоидага кўра ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади, фоиз миқдори эса (агар фақат қонун ёки шартномада фоиз тўланмаслик хусусияти ўрнатилмаган бўлса), ФКнинг 734-моддасига биноан шартнома билан белгиланади. Ушбу шартномада фоиз миқдори ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатмалар бўлмаса, бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз тўлаш Фуқаролик кодексининг 327-моддасидаги қоидаларга биноан амалга оширилади.

Ушбу моддада белгиланган бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, қайтариб беришдан бош тортиш, тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз ундириши фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг алоҳида, ўзига хос бир чораси деб ҳисоблаш мумкин.

**Пул мажбуриятининг бажарилмаслиги, яъни тегишли пул маблағларининг қайтарилмаслиги учун жавобгарлик қўлланилиши учун қуйидаги асослар бўлиши лозим:**

*пулни ғайриқонуний ушлаб қолиш;  
пулни қайтариб беришдан бош тортиш;  
пул бўйича тўловни бошқа тарзда кечиктириб юбориш;*

*пулни бошқа шахс ҳисобидан асоссиз равишда олиш;  
бошқа шахс ҳисобидан асоссиз жамғариш.*

Асоссиз ушлаб қолиш қонунга зид равишда ушлаб қолишдир. Бунда пуллар қай тарзда қарздорга ўтиб қолганлигининг, яъни қонуний ёки ғайриқонуний эканлиги аҳамият касб этмайди. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти Обзори”да келтирилган иқтисодий суд ишида (жавобгар) АТ “Микрокредитбанк” филиали ва (даъвогар) “Шамс” МЧЖ ўртасида номуайян муддатга тузилган банк-ҳисобварағи шартномаси шартларига

кўра, “Банк” мижозга банк ҳисобварақларини очиш, унинг ҳисобварағига келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ва тўлаш, касса хизмати кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мажбуриятини олган.


Бироқ, жавобгар Марказий банк томонидан тасдиқланган ва 2009 йил 16 мартда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”ги 1948-сонли Йўриқнома талабларига амал қилмасдан уни бир неча маротаба бузиб, даъвогарнинг ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлардан 2013-2016 йилларда жами 13 767 934 сўм миқдоридан банк хизмати олиб даъвогарга зарар етказган.

Жавобгар томонидан тарафлар ўртасида 2013 йил 22 сентябрда имзоланган 45-сонли банк-ҳисобварағи шартномасига зид равишда 2014-2016 йилларда пул маблағларини нотўғри ундириб олганлиги сабабли, туманлараро иқтисодий судининг бошқа иш бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори билан 10 462 718 сўм 31 тийин пул маблағлари даъвогарнинг фойдасига ундириб берилган.

Шундан кейин даъвогар туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб ўзининг пул маблағларини банк томонидан ғайриқонуний ушлаб қолиниб фойдаланилганлиги учун ундан 4 596 566 сўм фоиз ундиришни сўраган.

Қайтариб беришдан бош тортиш ҳолатларида пул маблағларини мулкдордан олган шахс уларни қайтариб беришдан бош тартади. Мулкдор томонидан қарздорга пул маблағларини беришга нима асос бўлганлигининг бу ўринда аҳамияти йўқ.

Пул маблағларини қайтариб беришдан бош тортиш билан боғлиқ муносабат мазмунини тушуниш учун суд амалиётидан мисол келтириладиган бўлса, Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 25 декабрдаги 4-1204-2011/809-сонли ишида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси «ААА» АЖ манфаатида, жавобгар «ХХХ» МЧЖдан 1 160 946 000 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво киритади. Унда кўрсатилишича тарафлар ўртасида 2018 йил 12 январда тузилган №10/2007-сонли заём шартномасига асосан, даъвогар «ААА» АЖ жавобгар «ХХХ» МЧЖга “ЛЛЛ” акциядорлик жамиятидан қишлоқ хўжалик техникаларини сотиб олиши учун молиявий таъминланлаш мақсадида 3 853 793 000 сўм миқдорда заём маблағларини ажратиши, жавобгар даъвогарга ажратилган заём маблағларини 5 фоизлик устамаси билан қайтариш мажбуриятини олган. Бироқ жавобгар шартнома шартларини бузиб, берилган заём маблағларидан фойдаланиб келган бўлса-да, 837 781 000 сўм асосий заём қарздорлиги, 323 165 000 сўм заём фоизидан қарзи, жами 1 160 946 000 сўм заём қарзини қайтариб тўламаган, даъвогар томонидан 2020 йил 30 июль куни юборилган №08-03/03-823/5-сонли талабномага жавоб бермаган. Суд давогар томонидан тақдим этилган иш материалларини кўриб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабларини қаноатлантирган: Фуқаролик



кодексининг 732-моддасига асосан қарз шартномаси бўйича бир тараф иккинчи тарафга пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади. Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар 2018 йил 12 январда тузилган №10/2-007-сонли заём шартномасига асосан ҳуқуқий муносабатга киришган. Мазкур шартномага кўра, даъвогар жавобгарга 3 853 793 000 сўм миқдорда қишлоқ хўжалик техникалари ва уларга эҳтиёт қисмлари сотиб олиши учун заём ажратган. Бироқ жавобгар даъвогар томонидан берилган заём ва ундан фойдаланганлиги учун фоиз тўловларини тўламаган ва ушбу кунга келиб даъвогар олдида 1 160 946 000 сўмлик қарзи вужудга келган. Мазкур ҳолатда, жавобгарнинг даъвогар олдидаги пул маблағларини қайтариш мажбуриятини бажармаслиги ўзганинг пул маблағларини қайтаришдан бош тортиш деб талқин қилиниши мумкин.

Тўловни бошқа тарзда кечиктиришнинг маъноси шартномада ва худди шу каби, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган пул маблағларини тўлаш муддатининг ҳар қандай кечиктирилишини англатади.

Масалан, даъвогар “ХХХ” МЧЖ иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “ААА” масъулияти чекланган жамиятидан (жавобгар) етказиб берилмаган маҳсулот қийматига нисбатан ҳисобланган 20 445 000 сўм пеня, 4 815 000 сўм фоиз ундиришни сўраган.

Суд ишни кўриб чиқиб, Фуқаролик кодекси 327-моддаси асосида даъвогарнинг банк фоизи талабини банкнинг қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда ундиришни лозим деб ҳисоблаган. Шу боис жавобгардан даъвогар фойдасига банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиз миқдорда бўлганини инobatга олиб, 4 815 000 сўм фоиз ундиришни лозим топган.

Пулни бошқа шахс ҳисобидан асосиз равишда олиш ҳолатига мисол сифатида, бирон шахс қонун ҳужжатларида ёки битимда белгилаб қўйилмаган асосларда бошқа шахснинг пул маблағлари ҳисобига мол-мулк сотиб олиб, пул маблағларини қайтармаган ҳолатни тушуниш мумкин.

Бошқа шахс ҳисобидан асосиз жамғариш бу — асосиз олишдан фарқли ўлароқ, шахс томонидан сарфларнинг шарт бўлган пул маблағлари суммасининг харажатни бошқа шахс амалга оширгани сабабли сақлаб қолиниши англашилади.

Юқорида таҳлил қилинган асослар ўзганинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун жавобгарликни келтириб чиқарувчи умумий сабаблардир.



**Наргиза АХАДОВА,**  
Судьялар  
олий мактаби  
тингловчиси

## НИЗОЛИ БИТИМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШДАГИ МУАММОЛАР

*Суд амалиёти статистик маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, Республика миқёсида биринчи инстанция судлари томонидан битимлар билан боғлиқ ишлар 2018 йилда 37031 та, 2019 йилда 41802 та иш кўрилган бўлса, 2020 йилда 51898 тани ташкил этган. Битимлар билан боғлиқ низолар йилдан йилга ортиб бораётганлиги ҳам мавзунинг долзарб эканлигидан далолат беради.*

Келинг дастлаб, битим тушунчасига таъриф берамиз. Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланишича, битимлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ажралмас қисми бўлиб, улар асосий ҳуқуқий фактлардан бирини ифодалайди. Битим ҳуқуқий факт сифатида қонунга асосланган ҳаракатлардан иборатдир. Ҳуқуқий фактлар мазмуни жиҳатидан икки асосий тоифага: ҳуқуқий ҳодисалар ва ҳаракатларга бўлинади. Ҳуқуқий ҳаракатлар, ўз навбатида, ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар сифатида бир томонлама ва икки томонлама битимлар (шартномалар) дан иборат. Ҳуқуқий факт хусусиятига эга бўлмаган ҳаракатлар битим деб ҳисобланмайди.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим тарафларнинг хоҳишида, уларнинг даъво кўзғатиши ёки кўзғатмаслигидан қатъи назар тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий бўлмаган деб ҳисобланса, низоли битимнинг ҳақиқийлиги унинг қонунга мувофиқ тузилган эканлиги ёки эмаслиги манфаатдор шахсларнинг даъвосига асосан суд тартибида ҳал қилинади.

Низоли битимларнинг тарафлари ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар каби фуқаролардан ва юридик шахслардан иборат бўлиши мумкин. Лекин ушбу битимлар тарафларининг ҳаракатлари қандай мақсадга эришишга қаратилганлиги ва улар томонидан тузилган битимнинг моҳияти билан бир-биридан жиддий фарқ қилади. Агар низоли битим тарафлари томонидан амалга оширилган ҳуқуқий ҳаракатлар, яъни битимлар, улар натижасида вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар қонун талаби нуқтаи назаридан суд томонидан ҳақиқий деб топилиши мумкин эканлиги фарз қилинса, шундай деб топиш эҳтимоли мавжуд бўлса, низоли битимни ҳақиқий эканлиги ёки эмаслиги ҳақида гумон мавжуд бўлса, суд томонидан ҳал қилинади, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим тарафларининг ҳаракатлари битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди, унинг ўз ҳолича қонунга қарама-қарши ва ҳақиқий эмаслиги ҳақида шубҳа тугдирмайди, унинг тарафлари учун фақат қонунда назарда тутилган салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Судларда битимларни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ даъволар Фуқаролик кодексининг 9-боби, Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сон қарорига асосан кўриб чиқилмоқда.

**Низоли битимлар - Фуқаролик кодексининг 118, 120, 121, 122, 123, 125, 126-моддаларида белгиланган бўлиб, қуйидаги асосларга кўра ҳақиқий эмас, деб топилади:**

➔ *ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 118-модда);*

➔ *муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 120-модда);*

➔ *ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 121-модда);*

➔ *янглишиш таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 122-модда);*

➔ *алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 123-модда);*

➔ *юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиқадиган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 125-модда);*

➔ *битим тузиш ваколатларини чеклаш оқибатлари (ФКнинг 126-модда).*

Юқоридаги асосларга кўра, низоли битим тарафларнинг даъвосига асосан суд тартибида кўрилиши ҳамда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Ҳақиқий эмас деб топилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас ҳисобланади. Битимнинг мазмунидан унинг фақат келажак вақт учун бекор қилиниши мумкинлиги англашилса, ҳақиқий эмас деб топилган битим келажак вақт учун ҳаракатдан тўхтайд.

Аксарият битимлар билан боғлиқ кўриб чиқилган ишлар кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низолар, олди-сотди шартномалари, ҳада шартномаси, мерос билан боғлиқ битимлар, ижара шартномалари ва қарз ундириш билан боғлиқ ишларни ташкил этишини кузатиш мумкин.

Суд битимларни ҳақиқий эмас ёки ўзидан-ўзидан ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низоларни кўришда фуқаролик қонунчилигида кўрсатилган асосларни ва ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳолисона ва ҳар томонлама аниқлаши лозим.



Олий суд Пленумининг “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорида кўрсатилишича, башарти қонун ёки мажбуриятларнинг айрим турларини тартибга солувчи ФК нормаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаблар бўйича умумий даъво муддати — уч йил. Бунда ФКнинг 160-моддаси талабига мувофиқ даъво муддатининг тўхтатилиши, узилиши ва тикланиши ҳақидаги ФКнинг 156, 157, 159-моддалари қоидалари, агарда қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мажбуриятларнинг айрим турларига ҳам тааллуқлидир. Судларга тушунтирилсин-ки, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабдан фарқли равишда шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабда даъво муддати чекланмаган бўлади ва бундай даъво билан мурожаат қилишга шартнома ҳаракатда бўлган бутун давр мобайнида йўл қўйилади. Ушбу қоидаларнинг белгиланиши мазкур ишларни ўзига хос процессуал хусусиятларидан далолат беради.

Судья аризани қабул қилиб фуқаролик иши кўзғатгандан сўнг, ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни судда кўришга тайёрлайди. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш фуқаролик процессининг асосий ва зарурий босқичларидан бири бўлиб, фуқаролик ҳуқуқий низоларнинг мумкин қадар тезлаштириб, тўла ва ҳар томонлама кўрилиши ва ҳал қилинишини таъминлаш мақсадларида ўтказилади.

Битимлар билан боғлиқ низоларни кўриш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлашнинг асосий мақсади ҳам фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини судда тез ва тўла кўриб ҳал қилишдан иборатдир.

Бу борада амалиётчи ходимлар Б.Жамолов, А.Боқуловлар ўз фикрларини билдириб, мазкур турдаги ишларни турларига қараб ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судга қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим:

Масалан, ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар бўйича судга даъво ариза тақдим этилганида уй-жойни ҳада этиш тўғрисидаги шартнома, ҳада этувчида низоли уйга нисбатан эгалик ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (эгалик қилиш ҳуқуқи билан якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкаси ажратиш ҳақида ҳокимлик қарори, олди-сотди, ҳада, айирбошлаш шартномалари, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома, суд қарори, уй-жойни якка тартибдаги иморатларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўлими (ЯТИҲОНҚБ) да рўйхатдан ўтган ва банд (арест) солинмаганлиги ҳақида маълумотнома ва бошқалар), ҳада этувчи муомалага лаёқатсиз бўлса — суд қарори, давлат божини тўланганлиги ҳақида чипта.

Ҳада шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича ҳада шартномаси, ҳада шартномасини бекор қилиш учун асос бўладиган далиллар

(ҳада олувчи томонидан ҳада қилувчи ва унинг оила аъзолари, яқин қариндошлар ҳаёти ва соғлиғига қарши қасддан жиноят содир этганлигини тасдиқловчи суднинг ҳукми, номулкий қийматга эга бўлган ҳада буюмга нисбатан ҳада олувчининг салбий муомаласи, буюмни бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфини солувчи ҳолатларни тасдиқловчи далиллар ва бошқалар), давлат божини тўланганлиги ҳақида чипта.

Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда айтиш мумкин-ки, ушбу тоифадаги ишларни судда кўришга тайёрлашда судья ФПКнинг 201, 204-моддасида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириши зарур.

Жумладан, битимни тасдиқлашда иштирок этган нотариусни ишда қатнашиш масаласини ҳал этади. Мазкур ишлар устидан берилган аризалар суд томонидан умумий асосларда, яъни 10 кун ичида судда кўришга тайёрланади.

Ушбу тоифадаги ишларнинг ўзига хос процессуал хусусиятларидан яна бири судда албатта битим тузган тарафларнинг ўзлари ёки вакиллари иштирокида кўриб чиқилади.

Хулоса қилиб айтганда Олий суд Пленумининг “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорини янги таҳрирда қабул қилиш вақти келди. Чунки ҳозирги кунда суд амалиётида битимларга оид Фуқаролик кодекси нормаларини нотўғри аниқлаш, моҳиятига кўра низоли битимга нисбатан бир-бирини истисно қилувчи даъво талабларини қабул қилиш ва кўриш, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ҳар томонлама текширмаслик каби хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шунингдек, нотариал идоралар томонидан битимларни тасдиқлашда электрон ахборот коммуникация тизимларини қўлланилиши, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсларнинг шахсини аниқлаш бармоқ изларини сканер қилиш ва уларни паспортдаги (фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатлиниш ҳужжатидаги) биометрик маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширилиши, мурожаат этувчиларнинг нотариал ҳаракатлар бажарганлигини тасдиқлаш нотариал тасдиқланаётган ҳужжатларга улар томонидан имзо қўйиш ва махсус мосламаларда уларнинг бармоқ изларини сканер қилиш йўли билан амалга оширилаётганлиги ҳам ушбу Пленум қарорини янги таҳрирда қабул қилишни тақозо этмоқда. Қолаверса, Олий суд Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 17-сонли қарори билан Олий хўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори янги таҳрирда қабул қилинди. Шунинг учун ҳам фуқаролик ишлари бўйича судларда битимларга оид низоларни кўриш бўйича Олий суд Пленум қарорини янги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.



**Адилбек  
СЕЙТНАЗАРОВ,**  
Судьялар олий  
мактаби  
тингловчиси

## ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Одатда, ҳар қандай бола оилада дунёга келади, тарбияланади ва вояга етади. Бироқ, ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, натижада болалар ўз ота-оналарининг қарамогидан маҳрум бўлиб қолишади. Ушбу ҳолатларни шартли равишда объектив ва субъектив сабабларга ажратиш мумкин. Масалан, объектив сабабларга: ота-онанинг ўлими, уларнинг оғир касалликка чалиниши, турли хил бахтсиз ҳодисалар, муомала лаёқатини йўқотиши, фавқулодда вазиятларда (табиий офатларда, ҳарбий ҳаракатлар жараёнида) болани йўқотиб қўйиши ва ҳ.к.ларни кўрсатиб ўтиш мумкин.*

Болаларнинг ўз ота-оналари қарамогидан маҳрум бўлишининг субъектив сабаблари одатда, ота-оналарнинг ўз болаларига нисбатан ғайриҳуқуқий хулқ-атворда бўлиши билан боғлиқ. Масалан, болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш (жисмоний куч ишлатиш, дўппослаш, қийнаш ва ҳ.к.); ота-оналарнинг туғруқхоналардан, тарбия ва бошқа муассасалардан болаларни олишдан воз кечиши; болаларни жамоат жойларида ёки бегона шахсларда қолдириши; болаларни уйда зарур озик-овқатсиз, дори-дармонсиз қолдириши; фарзандига кийим-кечак, мактаб анжомлари олиб беришни хоҳламасликлари ва ҳ.к.ларда ифодаланиши мумкин.

Оила кодексининг 151-172-моддаларида фарзандликка олиш масалалари ўрин олган. Унга кўра, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади. Бола манфаатлари дейилганда, биринчи навбатда, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун тўлақонли шароит яратиш тушунилади.

Фарзандликка олиш туфайли болалар янги ота-оналарга ва бошқа қариндош-уруғларга эга бўлиб ўзларининг ота-оналари ва қариндош-уруғлари билан ҳуқуқий муносабатни тугаллайди. Оила кодексининг 151-моддасини 1-қисмига биноан, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва

уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади. Ўзининг белгиланган мақсади бўйича фарзандликка олиш институти инсонпарвар институтдир. У ўз ота-оналаридан маҳрум бўлган ёки айрим сабабларга кўра ота-она тарбиясини ололмайдиган болаларга нормал оилавий тарбияни таъминлашга қаратилгандир. Фарзандликка олиш туфайли ота-онасини йўқотган бола бошқа оилага жойлаштирилиб, унга оилавий тарбия берилади. Фарзандликка олинувчилар фарзандликка олувчилар туфайли ҳамма масалаларда ота-онасининг ўрнини босадиган шахсларга эга бўладилар. Фарзандликка олиш туфайли болалари бўлмаган шахслар оталик ва оналикдан иборат бўлган табиий эҳтиёжларини қондирадилар.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига ва васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига кўра фуқаролик ишлари бўйича суд қарори билан амалга оширилади.

Фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни ва фарзандликка олинувчиларни жойлаштириш бўйича туман, шаҳар фуқаролик судларига тавсия ва хулосалар тайёрлаш туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан амалга оширилади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек прокурор албатта иштирок этган ҳолда кўриб чиқади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш тўғрисида асослантилган ажрим чиқаради ва унда процесс иштирокчилари бўлмаган шахсларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг суд мажлиси залига эркин киришига тўсқинлик қиладиган аниқ ҳолатлар кўрсатилиши керак.

Иш ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши тўғрисидаги маълумот ҳамма учун очиқ бўлиши лозим.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишни мазмунан кўриб чиқиб, фарзандликка олиш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида ёхуд уни қаноатлантиришни бутунлай ёки қисман рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.



Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, суднинг ҳал қилув қароридан фарзандликка олинган боланинг туғилганлигини қайд этиш дафтарида ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчилар (олувчи) ҳақидаги барча маълумотлар кўрсатилади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирма нусхасини фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Оила кодексининг 153-моддасига биноан фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридаги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади, фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 164-моддасига биноан, суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фарзандликка олинаётганнинг туғилиши қайд этилган дафтарга зарур ўзгартиришлар киритиши лозим.

Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши ёзилган дафтарга, агар бу ҳақда суднинг ҳал қилув қароридан кўрсатилган бўлса, унинг ота-онаси деб ёзилиши керак.

Зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартирилади. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Демак, фарзандликка олиш тўғрисидаги масала ўзининг мураккаб тоифадаги ишлар қаторига кириши ва боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаларидан келиб чиқиб, судлар томонидан ишни судда кўришга пухта тайёрлаш, суд ишларини юришнинг барча босқичларида қонунийликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Судлар томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларнинг қонуний, асосли ва адолатли ҳал этилиши боланинг кейинги тақдирини, жамиятнинг келажагини белгилаб беради десак муболаға бўлмайди.

## ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Турли халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра икки юз миллиондан ортиқ киши турли гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилади. БМТ маълумотларига кўра ҳар йили биргина Афғонистондан 900 т опий ва 375 т героин олиб чиқилади. Жаҳонда гиёҳвандлик воситаларининг бир йиллик ғайриқонуний муомаласидан топилган маблағлар 400 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Қарангки, 70 фоизга яқин қотилликлар, 80-90 фоиз безориликлар гиёҳванд модда истеъмол қилувчилар томонидан содир қилинар экан. Кўрсатиб ўтилган мазкур рақамлар ҳам гиёҳвандликка қарши ва уни олдини олишга қаратилган курашнинг аҳамияти нечоғлик эканлигини кўрсатиб бермоқда.

“Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари деганда, гиёҳвандлик воситалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий бўлган моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар тушунилади.

### “Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишнинг қуйидаги кўринишлари учун ҳам жавобгарлик белгиланган:

✓ Тақиқланган экинларни етиштириш, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш тушунилади. (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-модда).

✓ Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, яъни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда, ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан эгаллаш тушунилади. (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 271-модда).

✓ Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадида кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва ўтказиш бошқа ҳаракатлар, яъни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадида кўзлаб қонунга хилоф равишда кўп бўлган миқдорда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш, ташини ёки жўнатиш тушунилади. (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-модда).

**С.БЕШИМОВ,**

Жинойят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди судья ёрдамчиси



**Жамолиддин ХАКИМОВ,**  
студент магистратуры  
по направлению Право  
государственного управле-  
ния Ташкентского  
государственного юридиче-  
ского университета

## ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ СПРАВЕДЛИВОГО СУДЕБНОГО РЕШЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

### АННОТАЦИЯ:

в статье раскрывается сущность и содержание справедливости, основанной на принципах независимости и беспристрастности и их роль в судебных решениях в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** справедливость, справедливое судебное решение, принцип независимости суда, беспристрастность суда.

Центральное место в судебном процессе занимает стадия принятия решения, которая является венцом всех усилий, затраченных каждым участником, задействованным в судебном разбирательстве, от судьи до обычного свидетеля. Следовательно, справедливость, основанная на принципах беспристрастности и независимости, должна гарантироваться именно на данном этапе процесса. Принятие справедливого решения в современный период совершенствования, реформирования и активного роста значимости судебной системы превращается в острую потребность на пути служения обществу, как для законодателя, так и для правоприменителя.

**Согласно утверждению Аристотеля, все “установленное законом в известном смысле справедливо”<sup>1</sup>. Исходя из этого, можно попытаться определить некие критерии справедливости, основанные на законности, согласно которым решение можно считать справедливым, если:**

- решение основано на законе и примененный закон справедлив;
- нормы закона применены к фактическим обстоятельствам дела;
- соблюден процессуальный регламент рассмотрения и разрешения дела;
- суд нашел наиболее оптимальный (справедливый) вариант разрешения дела.

Закон представляет собой инструмент, который помогает суду восстановить нарушенное право, а его важность и эффективность заключается в том, как правильно этот инструмент используется. При этом необходимо отметить, что в основе любого справедливого решения всегда лежит норма диспозитивного права и достижение справедливости, какой бы она не была, категорически исключает игнорирование норм законодательства. Однако, важно понимать, что судебное решение воспринимается большинством людей как справедливое, если

оно соответствует общепринятым моральным, этическим нормам, и что нечестное поведение, даже если оно закреплено законодательством, общество никогда не примет и не признает. В связи с этим главной задачей судьи, как носителя справедливости, является нахождение баланса между правовой и общественной оценкой принимаемого судебного решения.

Справедливое судебное решение, основанное на принципах беспристрастности, объективности, состязательности судебного процесса выступает как конечная цель духовной и умственной деятельности конкретного судьи, действующего по своему усмотрению, но в рамках закона, и главная его задача - найти самое оптимальное для каждой конкретной ситуации решение, одновременно отвечающее принципам разума, логики и гуманизма.

Испокон веков человечество стремится познать и решить проблему справедливости, превратив это в своего рода традицию, основанных мыслителей прошлого, передаваемую из поколения в поколение, что в настоящее время послужило созданию множества трудов, авторами которых выступают Д. Белл, Р. Дарендорф, Р. Дворкин, А. Макинтайр, Дж. Роулз, Р. Нозик, Ф. Хайек и М. Дж. Сэндел, исследующие сущность и содержание основных принципов справедливости.

В этом отношении необходимо выделить теорию справедливости Джона Роулза как одну из наиболее известных и влиятельных концепций, главной целью которой было установление содержательных принципов справедливости, обладающих универсальностью и обще значимостью, а также их методологическое обоснование, исходя из принципа честности и приоритета индивидуальных прав и свобод. Все его взгляды резюмированы в труде под названием “Теория справедливости”, опубликованном в 1971 году (Rawls 1971), который не утратил своей актуальности и в настоящее время.

Джон Роулз также подводит справедливость к распределению, устанавливающему “надлежащий баланс между конкурирующими

целями..., конкурирующими притязаниями на преимущества общественной жизни”. Американский философ называет справедливость первой добродетелью общественных институтов, при условии, что в ее основу заложен принцип честности. Справедливость как честность в свою очередь автоматически подразумевает такие понятия как беспристрастность и бескорыстие. Говоря вкратце, в качестве решения проблемы справедливости и обоснования ее принципов Роулз предлагает теорию рационального выбора и общественного договора, согласно которым “свободные и рационально мыслящие субъекты, преследующие свои цели, выбирают принципы справедливого социального сообщества”<sup>2</sup>.

Рассматривая справедливость как правовой феномен, К. А. Гельвеций присуждал ей государственно-законодательное происхождение, согласно которому справедливость подразумевает установленные законы. Аналогичной позиции придерживался и Г. Гегель, по словам которого в правовые обязанности каждого должно входить “стремление поступать справедливо ради справедливости”. Согласно П. Рикеру “справедливое отождествляется с законом”.

Ф. Ницше определяет справедливость как субъективное явление, согласно которому “что справедливо для одного, вовсе не может быть справедливым для другого”<sup>3</sup>. Данное утверждение показывает, насколько субъективно понимание справедливости с точки зрения каждой отдельно взятой личности, и, тем самым, усложняет задачу судьи, выполняющего главную роль в обеспечении правосудия. Каждая из сторон хочет, чтобы суд вник в их конкретную ситуацию и представил дело с их точки зрения, что в итоге порождает недопонимание, преодолеть, которое можно посредством повышения правовой культуры общества. Решения судебных дел – это чисто субъективная работа, где каждое дело судья пропускает через себя. А закон предлагает некое универсальное решение той или иной правовой проблемы, регламентируя лишь процессуальный аспект в принятии судебных решений. Законодательная норма не способна помочь судье в формировании мнения и впечатлений, конечным результатом которых и является судебное решение, она может лишь направлять поведение судьи в русле установленного порядка осуществления судебного процесса.

Таким образом, проблема справедливости судебного решения носит многогранный характер, и ее исследование на современном этапе представляет значительный теоретический и практический интерес. Принятие справедливо-судебного решения обеспечивается нормами международного права, Конституции Республики Узбекистан, а также нормами арбитражного процессуального права.

Судебная власть в государственном механизме разделения властей выступает в качестве приоритетного элемента системы сдерживания законодательной и исполнительной властей для обеспечения гражданских прав и свобод, играя решающую роль в обеспечении правосудия. В связи с этим в законодательстве Республики Узбекистан проделана огромная работа по совершенствованию и реформированию судебно-правовой системы, особенно, за последние 4 года, принято более 40 законов, постановлений и указов, направленных на реализацию принципов справедливости и законности в данной сфере. В своем послании Олий Мажлису 29.12.2020 года Президент Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёев подчеркнул, что “справедливость – прочный фундамент государственности”. По его словам принцип “один суд – одна инстанция”, который внедрен с этого года, “должен стать главным критерием обеспечения справедливости, законности и стабильности судебных решений”<sup>4</sup>.

Согласно конвенции о защите прав человека и основных свобод, основой справедливого рассмотрения дела выступает право каждого на независимый и беспристрастный суд. Гарантии независимости и беспристрастности суда неразрывно связаны, и Европейский суд рассматривает их в совокупности. Таким образом, подразумевается, что судья, принимая решение по делу, не испытывает чьего-либо влияния, является беспристрастным и объективным. По мнению Европейского Суда, судебная власть должна обладать как внешней, так и внутренней независимостью. Внешняя независимость подразумевает отсутствие давления со стороны других ветвей власти, то есть исполнительной.

В Республике Узбекистан независимость суда рассматривается на уровне конституционного принципа. Так согласно статье 112 Конституции Республики Узбекистан судьи независимы, подчиняются только закону. Какое-либо вмешательство в деятельность судей по отправлению правосудия недопустимо и влечет ответственность по закону. Статья 4 Закона “О судах” расширяет конституционное определение независимости, добавляя, что судебная власть в Республике Узбекистан действует независимо от законодательной и исполнительной властей, политических партий, иных общественных объединений.

**Таким образом, принцип независимости, провозглашенный в законодательстве Республики Узбекистан, полностью отвечает всем общим требованиям статьи 6 Конвенции, а также другого нормативно-правового акта европейского уровня - Рекомендации № R (94) 12 Комитета министров Совета Европы “О независимости, эффективности и роли судей”, требования которой можно обобщить следующим образом:**

*-гарантии независимости должны быть провозглашены в конституционных нормах;*  
*-судьи должны быть независимы от законодательной и исполнительной ветвей власти, а также от любой из сторон в деле;*  
*-судьи должны быть наделены широким объемом полномочий;*  
*-судьям гарантируется срок их службы, а также надлежащие рабочие условия<sup>5</sup>.*

Рассматривая беспристрастность суда как необходимое условие справедливого судебного разбирательства, предполагающее также принятие справедливого судебного решения, Европейский Суд считает, что для выполнения данного требования суд должен соответствовать как субъективной проверке, так и объективной. Говоря словами самого Суда, «в целях Статьи 6 Конвенции беспристрастность должна определяться, исходя из субъективной проверки, то есть на основании личных убеждений конкретного судьи в конкретном деле, а также объективной проверки, то есть при оценке того, обеспечил ли судья гарантии, достаточные, чтобы исключить любые правомерные сомнения в связи с этим».

Судья Европейского суда Л. Г. Лукайдес считает, что нет необходимости до такой степени усложнять понимание беспристрастности в сфере отправления правосудия. По его словам, достаточно, если правосудие просто осуществляется. В качестве единственного критерия, который следует учитывать касательно беспристрастности, он предлагает рассматривать реальность, поскольку в современном демократическом обществе выводы или решения не должны основываться на впечатлениях или внешних признаках. Они должны основываться лишь на действительных фактах<sup>6</sup>.

В процессуальном законодательстве беспристрастность суда не рассматривается в качестве одного из основополагающих принципов осуществления правосудия, однако упоминается в части 2 статьи 11 Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве, согласно которому «суд, сохраняя объективность и беспристрастность, создает необходимые условия для выполнения сторонами их процессуальных обязанностей и осуществления предоставленных им прав». Согласно статье 6 Кодекса этического поведения судей, утвержденного постановлением Высшего Судейского Совета Республики Узбекистан от 29 января 2018 года, беспристрастность наряду с объективностью являются обязательными условиями надлежащего осуществления правосудия. Часть вторая данной статьи гласит: «При исполнении своих профессиональных обязанностей в целях

объективного рассмотрения дела судья должен быть свободен от каких-либо предпочтений, предубеждений или предвзятости и должен стремиться к исключению каких-либо сомнений в его беспристрастности».

Таким образом, принцип беспристрастности в законодательстве Республики Узбекистан хоть и не обладает конституционным статусом, однако, все же реализуется в качестве необходимого и обязательного условия и правила поведения судьи в процессе принятия им решения.

Подытоживая вышесказанное, можно сказать, что независимость и беспристрастность суда как основные принципы справедливого судебного решения в Узбекистане в целом отвечают требованиям, декларированным Европейским Судом по правам человека. Гарантии независимости и беспристрастности суда, как уже отмечалось выше, провозглашены в Конституции Республики Узбекистан и в законе «О судах». Более того разработана и уже размещена для обсуждения новая унифицированная редакция закона «О судах», главным образом направленная на усиление статуса и гарантий независимости судей. Данные принципы прописаны также в Гражданском процессуальном кодексе Республики Узбекистан, в Кодексе Республики Узбекистан об административном судопроизводстве, в Кодексе этического поведения судей и иных нормативно-правовых актах.

Резюмируя вышеизложенное, необходимо отметить, что закрепленные и провозглашенные законодательством Узбекистана гарантии независимости и беспристрастности суда, призванные обеспечить справедливость судебных решений, медленно, но верно шлифуются под воздействием времени и проводимых судебных реформ, и постепенно приближаются к европейским правовым стандартам. А вот как на практике реализуются все эти законоположения – это уже отдельный вопрос.

### Список использованной литературы:

1. Аристотель. Этика. СПб., 1908. С. 84.
2. Роулз Дж. Теория справедливости. Пер. с англ. Науч. ред. и предсл. В.В.Целищева. изд.2-е М: Издательство ЛКИ, 2010 г. стр. 24,25,26
3. Цит. по: Краткий очерк истории философии / под ред. М.Т. Иовчука, Т.И. Ойзермана, И.Я. Щипанова. М., 1971. С. 34.
4. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису, 29.12.2020 <https://president.uz/ru/lists/view/4057>
5. Рекомендация Совета министров Европы государствам-членам о независимости, эффективности и роли судей от 13 октября 1994 г. № R(94) 12 Комитета министров Совета Европы. – URL: <https://www.legislationline.org/ru/documents/id/14468>
6. Лукайдес Л. Г. Справедливое судебное разбирательство. Комментарий к п. 1 ст. 6 Европейской конвенции о защите прав человека и основных свобод. 13.08.2018. <https://centerbereg.ru/o5751.html>

# “СОГЛАШЕНИЕ ОБ ОКАЗАНИИ ЮРИДИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ КАК ВИД ГРАЖДАНСКО – ПРАВОВОГО ДОГОВОРА”



**Камола ХАКИМОВА,**

студентка магистратуры направления 5А240101  
“Адвокатская деятельность” Ташкентского  
государственного юридического университета

## Введение

На сегодняшний день юридическая помощь, оказываемая адвокатом на профессиональной основе, является квалифицированной. В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному повышению эффективности института адвокатуры и расширению независимости адвокатов» обнаружены существенные факторы, которые препятствуют полной реализации прав адвокатов и не способствующих оказанию ими качественной юридической помощи[1]. По этой причине установлено, что создание четкого правового механизма реализации права на квалифицированную юридическую помощь непосредственно связано с надлежащим регулированием договорных отношений адвоката с доверителем. Соглашение об оказании юридической помощи, в соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об адвокатуре» является гражданско – правовым договором, заключаемый в простой письменной форме, отдельные части которого регулируются гражданским законодательством, в частности вопросы расторжения соглашения. Учитывая правоприменительную практику, выяснено, что соглашение об оказании юридической помощи часто подразумевают в качестве договора поручения или договора возмездного оказания услуг, в связи с этим, актуализируется вопрос определения правовой природы соглашения. Цель настоящего исследования состоит в изучении специфики адвокатской деятельности и сравнении различных гражданско – правовых договоров для выявления особенности соглашения об оказании юридической помощи.

## Основная часть

Гражданско – правовым договором считается соглашение, заключаемое между участниками гражданского оборота в соответствии с нормами гражданского законодательства, согласно которому у сторон договора возникают или прекращаются взаимные права и обязанности. Одними из важнейших условий заключения и реализации таких договоров является свобода договора и равенство сторон. Значение свободы договора является существенным, так как данный принцип закреплен в статье 354 ГК РУз. Рассматривая данный принцип в рамках соглашения об оказании юридической помощи можно выделить следующие моменты:

Свобода выражается в свободе субъектов вступить в договорные отношения друг с другом. Заклю-

## АННОТАЦИЯ:

В статье исследуются вопросы правовой природы соглашения об оказании юридической помощи, места данного соглашения в системе гражданско – правовых договоров. Автором поставлена задача проанализировать вопросы нормативно – правового регулирования оказания квалифицированной юридической помощи, а также осуществить правовое сравнение договора поручения и договора возмездного оказания услуг с соглашением об оказании юридической помощи, заключаемое между адвокатом и доверителем с учетом судебной практики. Квалифицированное и правильное понимание специфики соглашения имеет существенное значение для адвоката, оказывающего юридическую помощь, по этой причине приводится теоретическое обоснование самостоятельности соглашения об оказании юридической помощи как гражданско – правового договора.

**Ключевые слова:** адвокатура, адвокатская тайна, смешанный договор, договор возмездного оказания услуг, договор поручения, квалифицированная юридическая помощь, Правила профессиональной этики адвокатов, некоммерческая деятельность, расторжение договора.



чение соглашения об оказании юридической помощи по конкретному делу осуществляется исключительно на основании волеизъявления адвоката и лица, обратившегося за юридической помощью. В соответствии со статьей 345 ГК РУз, «понуждение к заключению договора не допускается, за исключением случаев, когда обязанность заключить договор предусмотрена ... законом или принятым обязательством»[2]. Следовательно, лицо, обратившееся за юридической помощью к адвокату не вправе принудить последнего заключить с ним соглашение, в то же время адвокату запрещается навязывать гражданам свою помощь. Особенность соглашения об оказании юридической помощи как гражданско – правового договора связывается со спецификой адвокатской деятельности, в частности, нормами Правил профессиональной этики, адвокат не вправе принимать поручение на оказание юридической помощи превыше своих реальных возможностей, а также навязывать свою помощь лицами путем использования личных связей с работниками судов и правоохранительных органов, обещанием благополучного разрешения дела, принижением роли других адвокатов и другими недостойными способами[3]. В качестве примера принятия поручения превыше своих возможностей является случай, когда адвокат, обладающий лицензией по специализации «гражданское и экономическое судопроизводство», обещает оказать защиту по уголовному делу. Таким образом, при отсутствии препятствий для заключения соглашения и при наличии взаимного непринужденного волеизъявления сторон, адвокат оказывает помощь на основе соглашения об оказании юридической помощи.

Свобода также связана с определением содержания условий договора. Несмотря на то, что ч. 5 статьи 91 ЗРУ «Об адвокатуре» определяет существенные условия договора, такие как сведения об адвокате, предмет поручения, условия выплаты вознаграждения, порядок и размер компенсации расходов адвоката, размер и характер ответственности адвоката. Однако, стороны соглашения свободны в определении вида оказываемой адвокатской помощи и продолжительности адвокатской деятельности по конкретному делу. На практике предусматривается заключение соглашения об оказании юридической помощи юридическому лицу только в части юридического обслуживания, либо осуществление представительства до определенной инстанции (апелляционной/ кассационной), или осуществление защиты в досудебном и в судебном процессе по уголовным делам.

По мнению ученого Карманова А.Ф. соглашение об оказании юридической помощи представляет собой гражданско – правовой договор смешанного типа, который может включать в себя элементы возмездного оказания услуг и поручения [5, С. 11 ]. Исходя из этого мнения следует, что к отношениям между адвокатом и доверителем (подзащитным) необходимо применять правила вышеперечисленных договоров. Рассмотрим соглашение об оказании

юридической помощи исходя из специфики каждого вида гражданско – правового договора.

